

**«ЗАМОН УЗГАРЯПТИ, лекин монопол корхоналар ўзгара олмаяпти»** **6**

**ХУСУСИЙЛАШТИРИШ**  
корхоналар фаолиятини жонлантирадими? **10**




[@mahalladoshuz](#) [@mahalladosh\\_uz](#) [www.mahalladosh.uz](#)

№ 19 (1916-1919) 2020 йил 4 – 11 июнь

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI

# Маҳалла

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Бир марталик **НАФАҚАЛАР** учун энди қимға мурожаат қилиш керак? **7**



**ПАНДЕМИЯ** тугашини кутиш туризм соҳасини «йиқитади»ми? **11**

**СУВ СОЛИҒИ** ошириладими? **12**



Тошкент **ПРОПИСКАСИНИ** энди 1 кунда олиш мумкин **16**



**МАЖБУРИЙ** меҳнат ростдан барҳам топганими? **17**




**ҲАР БИР МАҚАЛЛАНИНГ ЎЗ «АНЗИРАТ БУВИ»СИ БЎЛАДИ** **5**

**Йўллارни таъмирлаш учун «фойдаланувчи тўлайди» тизими жорий этилади... (ми?)** **13**

**13 ёшли бола 15 000 \$, 3 ойлик чақалоқнинг нархи 2 хонали уйми?** **20**



# ИСТЕЪМОЛ САВАТЧАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 3 июнь куни камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Давлатимиз раҳбари тадбир аввалида мамлакатимизда короновирус билан боғлиқ вазиятга тўхталиб ўтди. Сўнгги ўн кунда ўрта ҳисобда кунига 70-80 кишида касаллик аниқлангани, ҳали хотиржамликка ўрин йўқлигини таъкидлади.

Охириги бир ойда 32 та чартер рейс орқали 8 мингга яқин, чегара постлари орқали 20 мингдан ортиқ фуқаролар юртимизга олиб келинган. Уларнинг кўпчилигида касаллик топилган. Шунингдек, қарийб 200 нафар халқаро юк ташувчи ҳайдовчида короновирус аниқланган. Умуман, ҳозирги кунда уй шароитида 26 минг, стационарда 21 минг киши карантинда қолмоқда.

«Қизил» ва «сарик» ҳудудлар ҳисобланган вилоят, шаҳар ва туманларда карантин қоидаларига қатъий амал қилиш шартлиги яна бир бор айтиб ўтилди.

Пандемия шароитида энг фаровон давлатларда ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш катта муаммо бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда ҳам ишсизлар сони кўпайди. Шунингдек, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, пандемия 450 мингга яқин оилалар даромадида жиддий таъсир қилиши мумкин.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари. Бу борада комплекс ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилган, вазирлар, ҳокимлар ва секторлар раҳбарларининг вазифалари белгилаб берилган.

Камбағалликни қисқартириш борасидаги ишлар ҳамда «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш учун рўйхатлар шакллантирилган. Уларга мувофиқ, бугунги кунга қадар шундай оилаларнинг 540 мингтасига 307 миллиард сўмлик кўмак берилди.

Давлатимиз раҳбари асосий мақсад камбағал оиланинг ҳеч бўлмаганда битта аъзосини иш билан таъминлаб, уларни муҳтожликдан чиқариш экани, шунинг учун ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг муаммоси билан алоҳида шўғулланиш зарурлигини таъкидлади.

– Бу синовили даврда рақамлар ортидан қувиш эмас, балки халқни рози қилиш учун чин кўнгилдан ишла керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда белгиланганидек, туман (шаҳар) сектор раҳбарлари энг қийналган ва муҳтож оилалар рўйхатини шакллантириб, уларни камбағалликдан халос этиш режасини ишлаб чиқади. Вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва маҳалла масалалари бўйича ўринбо-

сарлари секторлар ҳамда тижорат банклари ишини мувофиқлаштириб, ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишга масъул бўлади. Бош вазир ўринбосари раҳбарлигида Республика штаби уларнинг ҳисоботини эшитиб, муаммоларини ҳал қилишга вазирлик ва идоралар, тижорат банкларини жалб қилади.

Ушбу тизим Ягона ижтимоий реестр учун ҳам катта замин бўлади. Мутасаддиларга йил охиригача мазкур реестрни вазирлик – вилоят – туман – маҳалла кесимида тўлиқ жорий этиш бўйича кўрсатма берилди. Камбағаллик чегараси ва мезонларининг жаҳон амалиётида тан олинган 4 та ҳисоблаш усули Фарғона вилоятининг Тошлоқ тумани мисолида синовдан ўтказилиши белгиланди.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигида жорий йил 1 октябргача тирикчилик учун зарур энг кам миқдор ва минимал истеъмол саватчасининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ишсизлик даражаси юқори, инфратузилма тармоқлари етишмайдиган туманлар, айниқса, чегарадоғ ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш бўйича алоҳида ёндашув бўлиши кераклигини таъкидлади.

Бош вазир ўринбосарлари маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда шундай туманларда аҳоли бандлигини ошириш ва яшаш шароитини яхшилаш, инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган дастурлар ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Маълумки, карантин чораларини юмшатиш натижасида 17 мингдан зиёд саноат ва 10 мингта курилиш соҳасидаги корхоналар фаолияти тикланди. Лекин уларнинг кўпида маблағ оқимлари карантингача бўлган даврдаги нисбатан 3 баравар камайиб кетган.

Марказий банкка ҳисобварағида пул айланмаси етарли бўлмаган корхоналар муаммоларини аниқлаб, уларга кўмаклашиш бўйича кўрсатма берилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида 300 минг аҳолини жамоат ишларига жалб қилиш, 265 минг нафарини ишга жойлаштириш, жумладан, вазирлик жамғармаси ҳисобидан шахсий томорқаларга 36 миллиард сўм субсидия ажратиш орқали 18 минг камбағал аҳоли бандлигини таъминлаш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди.

Пандемия оқибатларини юмшатиш мақсадида «Ҳар бир оила – тадбиркор» давлат дастурига қўшимча 1 триллион сўм маблағ ажратилди. Умуман айтганда эса,

жорий йилда оилавий тадбиркорлик дастурларига 4 триллион сўм маблағ йўналтирилмоқда.

Президентимиз топшириғига кўра, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар ажратиш соддалаштирилди.

Ушбу маблағларни самарадорлиги юқори ва кафолатланган иш ўринлари яратадиган кичик ишлаб чиқариш лойиҳаларига йўналтириш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, ҳунармандчилик учун бугунги кунга қадар 190 миллиард сўм ажратилган. Аммо Навоий, Қашқадарё, Тошкент вилоятларида бу маблағларнинг ўзлаштириш суръати танқид қилинди.

Жорий йилда саноат соҳасида 7,5 мингта ҳудудий лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 145 минг нафар камбағал аҳолини ишга жойлаштириш режалаштирилган. Бундан ташқари, қиймат қарийб 11 миллиард доллар бўлган 206 та йирик ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириб, 31 мингдан зиёд юқори даромадли иш ўрни яратиш чоралари белгиланган. Бош вазир ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазирига ушбу лойиҳаларни ўз вақтида бажариш бўйича топшириқлар берилди.

Қишлоқ ҳўжалигида ҳам камбағалликни қисқартириш бўйича имкониятлар кўп. Йиғилишда қайд этилганидек, биринчи ярим йилда 38 минг гектар ерни оборотга киритиш ҳисобига 25 минг нафар, йил якунига қадар яна қўшимча 51 минг гектарни ўзлаштириш эвазига 45 минг одам бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Бу ерларнинг 20 минг гектари кам таъминланган оилаларга берилди.

Ҳудди шунингдек, ғалладан бўшайдиган 120 минг гектар майдонни тақрорий экин учун ажратиб, 300 мингга яқин оилага даромад манбаи яратиш белгиланган. Бундан ташқари, пахта-тўқимачилик кластерларининг 965 миллион долларлик 107 лойиҳасини амалга ошириш натижасида 28 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилади. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан кам таъминланган 28 минг хонадонга насли эчки, 50 мингта оилага парранда, 100 мингтасига насли қуён тарқатилади.

Қурилиш соҳасидаги имкониятлар қўриб чиқилар экан, Инқирозга қарши куралиш жамғармасидан ажратилган 3,6 триллион сўм ҳисобидан бажариладиган қурилиш-пудрат ишларига 85 минг нафар одамни жалб қилиш мумкинлиги айтиб ўтилди.

Йиғилишда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Карантиннинг биринчи кунларидан бу борада зарур чоралар кўрилиб, ижтимоий нафақа олувчилар сони 10 фоизга оширилган эди.

Бугунги кунда боқувчисини йўқотган оилалар сони 155 минг, 5 нафардан ортиқ фарзанди бор кам таъминланган оилалар сони 81 минг, ёлғиз яшовчи кексалар 16 минг нафарни ташкил этмоқда. Лекин ажратилаётган ижтимоий ёрдамлар эҳтиёжмандларга тўлиқ етиб бормаётган ҳолатлар ҳам кўп.

Шу боис Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига қўшимча ажратилган 992 миллиард сўм маблағни ҳамда «Саховат ва кўмак» жамғармасидаги 70 миллиард сўм қолдиқни муҳтож оилаларга аниқ ва адолатли етказиш бўйича қатъий топшириқ берилди.

Пандемия даврида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган қарорлар доирасида йил якунига қадар қўшимча 235 мингдан зиёд оилага моддий ёрдам ажратилиши қайд этилди.

Йиғилишда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни тўлиқ таъминлаш ва бозорлардаги нарх-наво барқарорлигини сақлаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Парранда гўшти, шоли, картошка талабга нисбатан кам етиштирилаётгани қайд этилиб, ушбу маҳсулотларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди. Бунда хорижий давлатлар, хусусан, картошка бўйича Нидерландия, шоли ва балиқчилик бўйича Вьетнам тажрибаларидан фойдаланиш яхши натижа беради.

Булардан ташқари ҳам аграр соҳада ишлатилмаётган резервлар етарлилиги таъкидланди. Минос учун, бир вақтлар Наманган ва Навоий вилоятларида жунни қайта ишлаш бўйича қувватлар мавжуд бўлган.

Бу йўналишда қўллаб одамларни иш билан таъминлаш ва экспортбоп товарлар тури ва ҳажминини кўпайтириш имконияти бор. Жундан рўмол, гилам каби тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш аҳоли ўзини ўзи банд қилишининг муҳим йўналиши бўлиши лозимлиги қайд этилди, бу борада манзилли лойиҳаларни шакллантириш вазифаси қўйилди.

Видеоселектор йиғилишида ҳокимлар, вазирлик, идора ва тижорат банклари раҳбарлари биринчи ярим йил якуни бўйича нечта иш ўрни яратиши, камбағал оилаларни қанчага қисқартириши, 9 ой ва йил охиригача мўлжалланган режалари юзасидан ҳисобот берди.

# «Президент ташрифи бизга янги умид, янги режа, янги ҳаёт берди»

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ 29 МАЙ КУНИ ПОЙТАХТИМИЗНИНГ СЕРГЕЛИ ТУМАНИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ЗАНГИОТА ТУМАНИДА БЎЛИБ, АҲОЛИ УЧУН ЯРАТИЛАЁТГАН ШАРОИТЛАР БИЛАН ТАНИШДИ



**А**слида, инсоннинг бу ҳаётдан рози бўлиб яшаш учун кўп нарса керак эмас. Шинам уй-жой, фарзандларининг илм олиб, ҳунар эгаллаши учун замон талабларига мос таълим муассасаси, уйга яқин жойда яхши маош тўлайдиган ишхона бўлса ва яна дам олиш кунлари оилавий ҳордиқ чиқарадиган истироҳат маскани хизматингизга шай турса, шунинг ўзи етарли. Энг содда, энг жайдари фалсафа ҳам шу аслида.

Мана шундай шароитларни бир умр орзу қилиб, етиша олмаётганлар кам дейсизми бу дунёда? Шу маънода Сергели аҳолисига бугун кўпчилик ҳавас назари билан қарамокда. Мавриди келганда айтиш керакки, кейинги уч йилда ҳудудда 460 та кўп қаватли уй-жой қурилди. Бу 10-15 йиллаб ижарама-ижара юрган, таъбир жоиз бўлса, бошланаси бўлмаган минглаб одамларнинг орзулари ижобат бўлганини аниқлатади.

## «Янги ҳаёт» — ҳаёт тарзимиздаги эврилишларга ишора

Сергели аҳолиси давлатимиз раҳбарининг ташрифини анчадан бери кутаётган эди. Мазкур ташрифга маҳаллий давлат органлари мутасаддилари қанчалик масъулият билан ёндашган бўлса, сўнгги уч йил ичида янги уйларга кўчиб келган оддий фуқаролар ҳам катта умид ва ишонч билан тайёргарлик кўрдилар.

Очиғи, 47 та маҳалладан иборат мазкур туман салкам 50 йил мобайнида деярли ўзгаришсиз, бир маромда ҳаёт кечирди. 2017 йил бошида Сергели аҳолиси 150 минг нафарни ташкил этиб, 1 дона туғуруқхона, 1 дона кутубхона, 4 та поликлиника фаолият юритарди. Шундан келиб чиқиб, бундан қарийб тўрт йил муқаддам Сергели туманида 500 та кўп қаватли уй қурилиши маълум қилинганида, бу гоё кўпчиликка реал воқеликдан йироқ бўлиб туюлганди. Аммо орадан ўтган қисқа вақт давлатимиз раҳбарининг мазкур гоёси ҳақиқатга қанчалик уйғунлигини кўрсатди.

Рақамларга эътибор беринг: охириги уч йилда ҳудудда 19 минг 522 хонадонли 460 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди, 26 та намунавий типдаги маҳалла гузари барпо этилди. Шу даврда бу ерга 100 мингдан зиёд аҳоли кўчиб келиб, жами аҳоли 276 минг нафардан ошди.

Бугунга келиб Сергелининг қиёфаси, аҳолисининг ўз ҳудудига бўлган муносабати ҳам ўзгарди. Ҳеч бир муболағасиз, бугун туманда катта, замонавий бошқарувни талаб қиладиган мавзе пайдо бўлди. Айнан шу масала юзасидан Президентимиз шунча одамнинг фаровонлигини таъминлаш, бошқарувни самарали ташкил этиш мақсадида ушбу ҳудудда Тошкент шаҳар ҳокимлигига тўғридан-тўғри бўйсунадиган алоҳида «Янги ҳаёт» кичик туманини ташкил этиш таклифини билдирди.

Янги ҳаёт... Аслида ҳам бу масканга бундан бошқа муносиб ном топиш мушкул эди. Бу — ҳудудда янгидан бунёд этилган иморатларга нисбат эмас, инсонларнинг тафаккуридаги, ҳаёт тарзидаги эврилишларга ишора аслида. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу туман эндиликда ҳар томонлама намуна бўлиш керак.

## Бино эмас, энди мактаб янги бўлиши керак

Давлатимиз раҳбари ҳудудда барпо этилган 16 қаватли уйни бориб кўрди. Ташқи кўриниши билан ажралиб турган бу иморат замонавий стандартлар асосида зилзилага бардошли қилиб қурилган. Девоқларида энергия тежовчи материаллардан фойдаланилган. Уй 2-3

хонали 80 та хонадондан иборат бўлиб, кам таъминланган ва муҳтож оилаларга топширилди.

Бугун бу ерда ўзгача муҳит, бошқача кўтаринкилик ҳукмрон. Йиллар давомида сарсон бўлган, дардини кимга айтишни билмаган минглаб оилалар уйли, ватанли бўлди. Энди уларнинг қалбидаги шукроналик ва хотиржамлик туйғуларини сўзсиз, бир қарашда англаш мумкин. Улар билан суҳбатлашар экансиз, «Ўз уйим — улан тўшагим» деган гап бекорга айтилмагани, аҳолини уй-жой билан таъминлаш йўлида нақадар муҳим қадам қўйилганини англаш қийин эмас.

Туманда кўп қаватли уй-жойлар бунёд этилиб, аҳоли сонини ошириб борар экан, ўз-ўзидан таълим муассасаларига ҳам эҳтиёж ортади. 2019 йилда бу ерда тўртта янги мактаб барпо этиш ишлари бошланган эди. Айни пайтда уларнинг иккитаси қуриб битказилди. Президентимиз туманнинг 5А мавзесида жойлашган 329-умумтаълим мактаби фаолияти билан яқиндан танишар экан: **«Ўғил-қизлар ҳунар ўрганса, ўзига ишончи ортади, дунёқарашини ҳам ўсади, ота-онасининг ҳам кўнгли тўқ бўлади. Кейинчалик ижтимоий муаммоларнинг бартараф этишига маблағ сарфламаслик учун бугун шу маблағни мактабларга беришимиз керак. Болаларимизни ватанпарвар, жамиятга керакли инсон қилиб тарбияламасак, келажакка хиёнат қилган бўламиз»**, — деди.

Энди биргина бино эмас, мактаб тизими янги бўлиши кераклиги айтилди.

## «Ташаббус»да янги ташаббус йўлга қўйилди

Пойтахт аҳолисига қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини воситачиларсиз, арзон нархда етказиб бериш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, Сергели туманига Қашқадарё вилояти бириктири-

либ, вилоят фермерлари ўз маҳсулотини олиб келиб сотадиган савдо жойи очилди.

Давлатимиз раҳбари «Ташаббус» маҳалласи ҳудудидидаги ана шундай савдо шохобчасини кўздан кечирар экан: **«Фермерларнинг маҳсулот олиб келишига ёрдам бериб, эмин-эркин сотишига шароит яратилса, Тошкентда озиқ-овқат маҳсулотлари нархини 15-20 фоиз тушириш мумкин. Маҳсулотлар арзон ва сифатлиги халқимизга, доимий мижозлар борлиги деҳқонларга ҳам қулай бўлади. Энди бошқа туманларга ҳам муайян вилоятларни бириктириб, маҳаллаларда шундай ишчам, совутичли шохобчаларни ташкил этиш зарур»**, — деди.

Қайд этиш керак, янги лойиҳа — «Яшил бозор» пойтахтда биринчи бўлиб айнан шу ҳудудда ташкил этилди. Хонадонларга яқин, ҳар томонлама қулай, энг муҳими, сифатли ва арзон маҳсулотларга эга бўлган бундай савдо расталари фаолиятдан одамлар мамнун.

Президентимиз ташриф мундарижасидан ўрин олган кейинги манзиллар — тикувчиликка ихтисослашган «Madena collection» МЧЖ ҳамда янгидан бунёд этилган экопарк бўлди.

\*\*\*

Мухтасар айтганда, яқин йилларгача эътибордан четда қолиб кетган Сергели охириги уч йилда бутунлай ўзгача қиёфага кирмоқда. Бугун ҳудуд одамларининг қай бири билан суҳбатлашманг, гап амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишларига бориб тақалади. Ҳаётда, онгу тафаккурида рўй берган ўзгаришлар, турмуш тарзи тобора юксалиб бораётгани тўғрисида ўзи, оиласи, маҳалласи мисолида гурур билан сўзлайди.

**Рустам КАЛОНОВ,**  
Олий Мажлис Сенати аъзоси,  
Тошкент шаҳар «Нуроний»  
жамғармаси раиси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.



Тошкент шаҳрида «Япония рақамли университети» ташкил этилади.

# Оилалар ДАРОМАД МАНБАИГА эга бўлса, камбағаллик барҳам топади

Бугунги кунга қадар «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида муҳтож оилаларнинг 540 мингтасига 307 миллиард сўмлик кўмак берилди. Давлатимиз раҳбари асосий мақсад камбағал оиланинг ҳеч бўлмаганда битта аъзосини иш билан таъминлаб, уларни муҳтожликдан чиқариш экани, шунинг учун ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг муаммоси билан алоҳида шугулланиш зарурлигини таъкидлади.

«Бу синовли даврда рақамлар ортидан қувиш эмас, балки халқни рози қилиш учун чин кўнгилдан ишлаш керак» — деди Президентимиз.

Йиғилишда қайд этилганидек, бугунги кунда боқувчисини йўқотган оилалар сони 155 минг, 5 нафардан ортиқ фарзанди бор кам таъминланган оилалар сони 81 минг, ёлғиз яшовчи кексалар 16 минг нафарни ташкил этмоқда. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига қўшимча ажратилган 992 миллиард сўм маблағни ҳамда «Саховат ва кўмак» жамғармасидаги 70 миллиард сўм қолдиқни муҳтож оилаларга аниқ ва адолатли етказиш бўйича қатъий топшириқ берилди. Йил якунигача қўшимча 235 мингдан зиёд оилга моддий ёрдам ажратилиши қайд этилди.

## Муаммонинг ечими маҳалланинг ўзида

Барча масалалар оиладан бошланади. Шу маънода муаммонинг ечими маҳалланинг ўзида тоғилиши керак. Бу йўл билан глобал инқироз даврида ҳам иқтисодий барқарорликни сақлаб туриш мумкин. Шу маънода бугун аҳолини камбағалликдан чиқаришда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари ҳамда фуқаролар йиғинларидаги барча ишлар «маҳаллабай» тарзида ташкил этилиб, мавжуд вазият тезкор равишда таҳлил қилиб борилмоқда.

Ҳуқуқий пойдевор ишнинг тизими асосда олиб борилишини таъминлайди. Шу боис ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда қатор ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Хусусан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшма буйруқ, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Бандлик ва



## ДАРВОҚЕ...

Маҳаллалардаги оғир шароитда яшовчи хотин-қизларнинг 14 минг 217 нафари доимий ишга, 22 минг 252 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, 4 минг 287 нафари хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, томорқа ва бошқа йўналишлардаги ишларга жалб этилди.

меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизлик ва камбағалликни камайтириш бўйича қўшма дастур тасдиқланди.

## Тадбиркорлик кайфияти бор жойда камбағаллик бўлмайди

Мамлакатимизда ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят даражасида ҳақиқий шароит, ҳолат таҳлил қилинди. Камбағалликка оид реал аҳвол ўрганилди ва ҳар бир ҳудуд салоҳияти, табиий ресурслари, ер ва инфратузилма имкониятларидан келиб чиқиб, зарур чоралар кўриляпти. Хусусан, вазирлик томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республикамиздаги мавжуд 9 минг 121 та маҳалла фуқаролар

йиғини ташаббуси билан 114 минг 69 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Бундан ташқари, 28 минг 817 нафар ўз-ўзини банд қилган фуқарога вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари расмийлаштирилди ҳамда уларнинг келгусида пенсия олишига шароит яратилди. Натижада оилавий аҳволи яхшиланиб бораётган 983 та оила камбағалликдан чиқарилди. Булар шунчаки рақамлар эмас, балки уларнинг ортида инсонлар тақдири, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончи турибди.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи ҳам доимий эътиборда. Жумладан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш истагида бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсиз фуқаролар ҳамда ёшлар учун «Маҳалла гузарларида касбга ўқитиш дастури» ишлаб чиқилди. Мазкур ташаббусда қатнашиш истагини билдирган 28 минг 380 нафар талабгорлар рўйхати шакллантирилди. Энди улар ўз оиласидан узоққа кетмай, хунар ўрганиш имкониятига эга бўлади.

Бундан ташқари, «Хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида» 12 минг нафар аёлларни тадбиркорлик йўналишидаги ўқув курсларида ўқитиш ҳамда пиллачилик фаолиятини ривожлантириш орқали ишсиз бўлган 190 минг нафар хотин-қизлар бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

## Аниқ режа фаолият самардорлигига хизмат қилади

Давлатимиз раҳбарининг Анди-

Кеча давлатимиз раҳбари раислигида камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда бу борада олиб борилаётган ишлар таҳлил қилиниб, ечимини кутаётган масалалар муҳокама қилинди. Тегишли вазирлик ва идоралар, жумладан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги зиммасига ҳам муҳим топшириқлар белгилан берилди.



**Ботир ПАРПИЕВ,**  
Маҳалла ва оилани  
қўллаб-қувватлаш вазирлиги  
ўринбосари.

жон вилоятига ташрифи давомида берган топширигига биноан, камбағалликни қисқартириш, ёрдамга муҳтож оилалар билан ишларни манзилли ташкил этиш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Андижон вилояти ҳокимлиги билан бирга чоратадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилди.

Бу борада Андижон вилоятида йил бошидан буён 16 минг 274 та оила аъзолари доимий ишга жойлаштирилди. Бунинг натижасида уларнинг оилавий аҳволи яхшиланди ва камбағалликдан чиқарилди. Ушбу оилаларнинг 6 минг 395 нафари тадбиркорлар томонидан ишга қабул қилингани қувонарлидир. Худди шунингдек, 7 минг 146 нафар фуқаро шахсий томорқа ва қишлоқ ҳўжаликлари кооперативларига бириктирилди.

Ишсиз фуқароларни, хусусан, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича «Бўш (вакант) иш ўринлари меҳнат ярмаркалари» фаолияти доимий йўлга қўйилди.

\*\*\*

Мухтасар айтганда, фаровон турмуш тарзига осонгина эришиб бўлмайди. Бунинг учун ҳар бир шахс ҳалол меҳнат қилиши, жамиятда эса унинг фаолияти учун етарлича имконият яратилган бўлиши керак. Бугун мамлакатимизда аҳолининг ўз имкониятидан тўла фойдаланиб, ўзига муносиб касбни танлаши ва тадбиркорлик фаолиятини бошлашига рағбат берилляпти. Ишонамизки, Президент ташаббуси билан бошланган бу хайрли ишлар қисқа фурсатда ўз самарасини кўрсатиб, мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти янада юксалади.



Автотранспортнинг вазни ва габаритлари назорат қилинади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

### ҲАР БИР МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗ «АНЗИРАТ БУВИ»СИ БЎЛАДИ

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида хотин-қизлар масалаларига бағишланган видеосеминар бўлиб ўтди. Унда вазирлик масъул ходимлари, ҳудудий бошқармалар вакиллари ва журналистлар иштирок этди.



Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари Элмира Боситхонова кириш сўзида юртимизда оила ва хотин-қизлар масаласига катта эътибор қаратилаётгани, ўз навбатида, бунга муносиб жавоб қайтариш лозимлигини таъкидлаб, фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўрин-босарлари ҳар бир хонадон, ҳар бир хотин-қиз билан индивидуал иш олиб бориши, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-умидларини тўла англаган ҳолда иш юритиши зарурлигини қайд этиб ўтди.

Видеосеминар давомида оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ҳамда миллий кадриятларни мустаҳкамлаш борасида белгилаб берилган вазибалар ижросининг жойлардаги ҳолати бўйича фикр алмашилди. Глобаллашув даврида миллий кадриятлар, оила мустаҳкамлиги, фарзанд тарбияси, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, маънавий бойлигига нисбатан салбий таъсир кўрсатаётган 10 та асосий

омил санаб ўтилиб, уларни ҳал этиш бўйича жойлардаги масъулларнинг асосий вазибалари белгилаб берилди.

Тадбирда яна бир муҳим ташаббус — барча умумтаълим муассасалари қошида «Orasta qizlar», барча фуқаролар йиғинлари қошида эса «Mahallaning orasta qizlari» тўғарақлари фаолиятини йўлга қўйиш ҳақида атрофлича фикр юритилди.

— Аёл ўзини қачон бахтли ҳисоблайди? Қачонки, унга бўлаётган эътиборни юракдан ҳис қилса, ўзининг оиласига, жамиятга керак эканлигини теран англаб яшаса, — дейди Элмира Боситхонова. — Шундай экан, мамлакатимиз хотин-қизлари томонидан бизга юборилаётган мурожаатларга ўз вақтида муносабат билдиришимиз, ундаги масалаларга оқилона ёндашиб, ижобий ечим топишимиз зарур. Бу борада ҳар бир маҳалланинг ўз «Анзират буви»лари, айтиш лозим бўлса, ҳар бир ҳудуднинг виждонига айланган куюнчак инсонлари бўлиши керак, деб уйлайман.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

### 100 МИЛЛИОН СЎМГА ЯҚИН СУБСИДИЯ КИМЛАРГА БЕРИЛДИ?

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 18 майдаги «Томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан ишсиз фуқароларга субсидиялар ажратилмоқда.



«Камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисида»ги Низом тасдиқланди.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

### ИШСИЗ АЁЛЛАРГА ҲУНАР ЎРГАТИЛАДИ

Янгиер шаҳрида давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг ижроси доирасида семинар бўлиб ўтди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган семинарда ишсиз аёллар жалб этилди. Унда ҳунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари, «Саломатлик мактаби» фаолияти доирасида шаҳарда олиб борилаётган ишлар, «Uz hunarmand-ta'lim» лойиҳасини кенг жорий қилиш билан боғлиқ масалалар атрофича муҳокама қилинди.

Тадбир давомида иштирокчилар томонидан кўтарилган масалалар юзасидан масъулларга аниқ топшириқ ва вазибалар берилди. Шунингдек, Янгиер шаҳрида истиқомат қилувчи ишсиз аёллар рўйхатини шакллантириш ва уларни малакали мутахассисларга «Устоз-шоғирд» йўналишида бириктириш бўйича чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди.

Севинч ҲУСАНОВА.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

### КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚИШ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Андижон вилоятида 62 та кластер корхонаси томонидан эҳтиёжманд хонадонларга жўжа, қуён, эчки ҳамда уларни боқиш учун зарур ем-озуқалар тарқатилмоқда. Жумладан, Асака туманидаги «Баҳрин» ва «Ниёзботир» маҳаллаларидаги 80 та хонадонга 20 мингта жўжа озуқаси билан тарқатилди.



— Асосан, мавсумий ишларни бажариш орқали даромад топардим, — дейди «Баҳрин» маҳалласида яшовчи Баҳромжон Муҳаммадиев. — Афсуски, карантин даврида мавсумий ишлар ҳам у қадар кўп бўлмапти. Оилани боқиш, тирикчилик ўтказишга анча қийналиб қолгандим. Кластер корхонаси томонидан 250 та бройлер жўжа озуқаси билан берилди. Оиламиз билан боқяпмиз. Маълум вақт ўтиб, жўжалар катта бўлгач, уларни кластернинг ўзи сотиб оладиган бўлди. Харажатлардан қоладиган пул эса тирикчилик ўтказишимизга ёрдам бўлади.

Режага кўра, вилоятдаги чорвачилик ва паррандачиликка ихтисослашган кластер корхоналар томонидан 10 минг хонадонга 20 мингта эчки, 20 минг хонадонга 5 миллион дона жўжа, 7 минг хонадонга 70 мингта қуён берилиши мўлжалланган. Қўйин шариотларда яшаётган аҳолини камбағалликдан чиқариш учун берилаётган махсулотлар, биринчи навбатда, шу тоифадаги оилалар, ишсизларга тақдим этилади. Махсулот олувчиларнинг рўйхати маҳалла фуқаролар йиғини ва ҳокимликлар томонидан шакллантирилади.

Имона ИБРОҲИМОВА.


Бунда субсидия миқдори енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, суғориш воситалари харид қилиш, уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваридан 10 бараваригача миқдорни ташкил этади. Субсидия — қайтарилмайдиган маблағ бўлгани сабабли, айнан банд бўлмаган, эҳтиёжманд оилаларга ажратилади.

— Енгил конструкцияли иссиқхона қуриш учун субсидия ажратишини сўраб, туман бандликка кўмаклашиш марказига мурожаат қилгандим, — дейди Самарқанд туманидаги «Шалғомон» маҳалласида яшовчи Маҳмур Норов. — Масъуллар келиб томорқамизни кўриб, 2 миллион 230 минг сўм маблағ ажратишди. Иссиқхона қуриб битказилгандан сўнг помидор, бодринг ва турли кўчатлар экишни режалаштиргандим.

Бугунги кунга қадар туманда 40 дан ортиқ оила ушбу субсидиядан фойдаланиш истагини билдириб мурожаат қилган. Шундан 35 та камбағал оилага 100 миллион сўмга яқин миқдорда енгил конструкцияли иссиқхона қуриш учун субсидиялар ажратилди.

Ёрмамат РУСТАМОВ.

**М**аълумотларга кўра, бугунги кунда юртимизда 31 та товарлар гуруҳи ва 82 турдаги хизматлар бозорида 245 та корхона монопол ҳолатда сақланиб қолмоқда. Лекин бир қатор йўналишларда рақобат муҳити шаклланиб бўлган 19 хил маҳсулот ва хизматлар бўйича 70 та корхонани монополистлар реестридан чиқариш мумкин.



## «Замон ўзгаряпти, лекин монопол корхоналар ўзгара олмаяпти»

Давлатимиз раҳбари 28 май куни ўтказилган иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилишда айна ҳолат ҳақида фикр билдирар экан, жумладан, шундай деди: «**Рақобат бўлмаса, сифат бўлмайди, нарх тушмайди. Замон ўзгаряпти, лекин монопол корхоналар ўзгара олмаяпти. Қатъий чоралар кўриш вақти-соати келди. Иқтисодиётда бу ҳаёт-мамотимиз. Агар раҳбарлар шунга муносиб бўлса, ишлайди, бўлмаса — кетади.**»

### Монополиянинг қандай салбий жиҳатлари бор?

Келинг, дастлаб монополия тушунчасини содда тилда тушунтириб ўтайлик. Демак, монополия шароитида бир корхона, бир инсон ёки бир гуруҳ шахсларнинг бойиши, яхши яшаши учун бошқа кам фойда келтирадиган вазиятлар билан изоҳланади. Ўзбекистонда табиий монополияларнинг шаклланиши ўтиш даврида иқтисодийни қайта қуриш ва бошқариш бўйича юзага келган тузилмалар билан боғлиқ. Масалан, узоқ вақт давомида совет мафқураси таъсирида бўлган собиқ иттифоқ мамлакатлари каби Ўзбекистонда ҳам энергия, иссиқлик ва газ билан таъминлаш давлатнинг мажбурийати сифатида белгиланиб, иқтисодиётнинг энергетика тармоғини ташкил этишда давлат устун мавқега эга бўлган.

Хўш, унинг салбий таъсири нималарда намоён бўлади? Аввало, рақобатдан ҳимояланган субъект ўз маҳсулоти сифатини яхшилашга уринмайди. Монополия эркинликни чеклайди, рақобатни ўлдирди, ривожланишни ортга қайтарди.

Хўш, унинг салбий таъсири нималарда намоён бўлади? Аввало, рақобатдан ҳимояланган субъект ўз маҳсулоти сифатини яхшилашга уринмайди. Монополия эркинликни чеклайди, рақобатни ўлдирди, ривожланишни ортга қайтарди.

Хўш, унинг салбий таъсири нималарда намоён бўлади? Аввало, рақобатдан ҳимояланган субъект ўз маҳсулоти сифатини яхшилашга уринмайди. Монополия эркинликни чеклайди, рақобатни ўлдирди, ривожланишни ортга қайтарди.

Энг муҳим жиҳат — рақобатсиз муҳитда ишлайдиган корхона харидорнинг кўнглини олишга мойил бўлмайди. Буни «Ўзи шундоқ ҳам харидор менинг маҳсулотимни сотиб олишга мажбур бўлса, тер тўкиб, янглик яратиб нима қиламан» деган ёндашув билан изоҳлаш мумкин.

Юқоридагилардан кўринадики, демак, маҳсулот сифати устида ишламаслик, яъни ривожланмаслик, нархларнинг сабабсиз оширилиши, сервисни яхшилашга уринмаслик — монополиянинг энг асосий салбий жиҳатларидир.

### Табиий монополия қандай юзага келган?

— Монополиянинг энг кўп учрайдиган тури, бу — табиий монополиядир, — дейди Тошкент давлат юридик университети докторанти, юридик фанлар номзоди Раъно Хусайнова. — Одатда, табиий монополиянинг мавжудлиги «рақобат етишмаслиги», яъни бир неча рақобатдош фирманинг мавжудлиги битта фирманинг мавжудлигидан кўра кам фойда келтирадиган вазиятлар билан изоҳланади. Ўзбекистонда табиий монополияларнинг шаклланиши ўтиш даврида иқтисодийни қайта қуриш ва бошқариш бўйича юзага келган тузилмалар билан боғлиқ. Масалан, узоқ вақт давомида совет мафқураси таъсирида бўлган собиқ иттифоқ мамлакатлари каби Ўзбекистонда ҳам энергия, иссиқлик ва газ билан таъминлаш давлатнинг мажбурийати сифатида белгиланиб, иқтисодиётнинг энергетика тармоғини ташкил этишда давлат устун мавқега эга бўлган.

— Энди асосий эътиборни нархларни белгилашга эмас, балки корхоналар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш орқали нархларни пасайтиришга ва сифатни оширишга қаратишимиз керак, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фарход Зайнмов. — Халқроқ таърибани ўрганиб, рақобатни олиб кириш мумкин бўлган монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очилган ва шу орқали рақобат муҳитини шакллантириш лозим. Бу борада табиий монополия ва рақобат тўғрисидаги қонунларни янгилаш ҳамда Иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш

стратегияси ишлаб чиқирилиши лозим.

### Соғлом рақобатга нима тўсиқ бўлмоқда?

— Бозор иқтисодиёти тамойилларига ўтган ҳар қандай давлатда соғлом рақобат ва адолатли савдо қоидалари жуда муҳимдир, — дейди Монополияга қарши куралиш кўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги директори Элмурот Хаитметов. — Соғлом рақобат меҳнат унумдорлигини оширади, янги иш ўринлари яратилиши, инновациялар ривожланишини таъминлайди ва, энг муҳими, истеъмолчилар фаровонлигига хизмат қилади. Тан олиб айтиш керакки, давлат иштирокидаги монопол корхоналарнинг кўплиги, уларнинг хусусий сектор билан тенг бўлмаган шароитда рақобат қилиб келаётгани, тармоқни бошқарадиган вазирлик ва идораларнинг вазифаларига рақобатни ривожлантириш функцияси киритилмагани соғлом рақобатнинг вужудга келишига катта тўсиқ бўлиб келмоқда.

Айни вазиятдан келиб чиқиб, Президентимиз Ўзбекистон бозор иқтисодиётига қатъий ўтиши жараёнида рақобат масаласи принципал аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Корхоналарнинг бозордаги монопол мавқеини аниқлаш бўйича ёндашувларни қайта кўриб чиқиб, бу борада алоҳида «Йўл харитаси» ишлаб чиқиш лозимлиги айтиб ўтилди. «Йўл харитаси»да монопол товарлар рўйхатини дескин қисқартириш ҳамда давлат иштирокидаги корхоналарда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш вазифаси белгиланади.

### Комплаенс тизими муаммага ечим бўла оладими?

Монополияга қарши комплаенс тизими — қонунчилик бузили-

шининг салбий оқибатларини юмшатгандан кўра, унинг олдини олиш осон бўлган умумий парадигмага асосланади. Яъни компания ўзи учун корпоратив ҳаракат қоидаларини ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилади.

— Шу тариха ҳаракатлар устидан монополияга қарши куралиш бўйича икки турдаги — ички ва ташқи назорат ўрнатилади, — дейди Р.Хусайнова. — Шунингдек, рақобатга қарши ҳаракатлар, бинобарин, монополияга қарши куралиш органлари томонидан жарималар қўлланилиши камайдди. Қонунчилик бузилиши билан боғлиқ хавф-хатарлар мунтазам равишда таҳлил қилиб борилиши орқали соғлом рақобат муҳити таъминланишига имкон яратилади. Компанияларнинг монополияга қарши ҳаракатлари учун жавобгарлик даражаси ошади. Умуман олганда, монополияга қарши элементар талабларни билмаслик ёки ўз ҳаракатларининг қонунчилигини исботламаслик туфайли келиб чиқадиган қоидабузарликларнинг сони камайдди.

\*\*\*

Рақобат бўлмаса, интилиш, ривожланиш бўлмайди. Рақобат иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ўз манфаатларини тўлароқ юзага чиқариши, яъни яхши даромад топиши, ўз мавқеини мустаҳкамлаши, ўз қобилиятини намоён этиши учун ҳам имконият яратди. Бундан эса сизу биз — оддий истеъмолчи ютади. Зеро, қачонки, соғлом рақобат муҳити шаклланиб экан, биз энг яхши маҳсулотларни танлаш имконига эга бўламиз, нимани, қаерда, қимдан ва қандай баҳода сотиб олишни ўзимиз белгилаймиз. Рақобатнинг ривожланиши одамларнинг турмуш даражаси яхшиланишига ҳам олиб келади.

Санжар ИСМАТОВ  
«Mahalla»

Давлат хизматлари кўрсатиш бўйича қатор маъмурий регламентлар тасдиқланди.

**Ф**

арзандли бўлиш ёки бирор яқинидан айрилиш инсонлар ҳаётидаги унутилмас воқеликлардан саналади. Бундай пайтда маҳалла-қўй, кўни-қўшни, дўст-биродарларимиз ёнимизда туради. Айни вазиятларда ҳукуматимиз ҳам қувончимизга шерик, дардимизга ҳамдардлик кўрсатиб, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Фарзанд туғилганда ёки вафот этганда бериладиган бир марталик ижтимоий нафақа ана шу ғамхўрлик намунаси.



## БИР МАРТАЛИК

# нафақалар учун энди кимга мурожаат қилиш керак?

Аммо шу кунгача ушбу маблагларни олишда бир қатор оворагарчиликлар, қоғозбозликлар бор эдики, бу одамларга қатор ноқулайликларни туғдирарди. Фаолиятнинг инсон омилига боғлиқ қолгани эса турли англашилмовчиликларни юзага келтириб, баъзи ўринларда қонунни четлаб ўтишга ҳаракатлар кузатилади. Шу боис соҳага рақамли технологиялар кенг татбиқ этилмоқда. Хусусан, Ҳукуматнинг 2020 йил 23 майдаги «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан бу оворагарчиликларга чек қўйилди.

### «Суюнчи» пули энди қаердан берилди?

Қарорга мувофиқ, жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб фуқаролар туғилганлик ёки вафот этганлик ҳолатини Давлат хизматлари марказлари (ДХМ)да рўйхатдан ўтказиш жараёнида худди шу воқеликлар учун нафақа олишга ҳам ариза бериши мумкин. Яъни эндиликда «суюнчи» пули ва дафн нафақалари ДХМлар орқали рас-

миёлаштирилади.

— Аввалги тартиб бўйича фуқаролар нафақа пулларини олиш учун ўзлари фаолият юритаётган ташкилотларга керакли ҳужжатларни илова қилган ҳолда мурожаат қиларди. — дейди Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси масъул ходими Муҳаммадзоир Ўринбоев. — Улар эса жорий ой учун нафақа ва бошқа тўловларни қоплашга талабномаларни Пенсия жамғармасига кейинги ойнинг 10 санасига қадар тақдим этарди. Ҳар йили ўртача 800-900 минг нафар фуқаронинг Пенсия жамғармасига ёки иш жойига мурожаат қилиш билан боғлиқ ҳолатлар кузатилади. Энди эса бу оворагарчиликларга чек қўйилди.

Ушбу қарорга мувофиқ, энди барча ишловчи ёки ишламайдиган фуқаролар «суюнчи» пули ва дафн маросими учун нафақалар-

ни олиш мақсадида ДХМга келган ҳолда ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали электрон шаклда мурожаат қилиши мумкин. Бунда автоматик тарзда Пенсия жамғармаси билан маълумот алмашилиб, мурожаатнинг қисқа фурсатларда қондирилиши таъминланади.

### Барчаси беш дақиқада ҳал бўлади

Ҳужжат билан нафақат тартиб ўзгарди, балки нафақани тайинлаш талаблари ҳам соддалаштирилди. ДХМга мурожаат қилинганда фуқародан ортиқча ҳужжатлар талаб қилинмайди.

— Фуқаролар «суюнчи» пулини олиш учун бола туғилгандан бошлаб 6 ой муддатда, дафн маросими учун фуқаро вафот этгандан бошлаб 60 кун муддатда ДХМга мурожаат қилиши мумкин, — дейди Давлат хизматлари агентлиги мутахассиси Азизбек Раҳматов. — Мурожаатчининг маълумотлари асосида сўровнома тўлдирилади. Сўнгра автоматик тарзда Пенсия жамғармасига маълумот юборилади. Пенсия жамғармаси, ўз навбатида, нафақани тайинлаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Нафақа тайинланган тақдирда, уни қачон ва қаердан олиш тўғрисидаги маълумот, рад этилганда рад этиш сабаблари кўрсатилган маълумот тегишли ДХМга ёки ЯИДХПга электрон тарзда юборилади.

Бунда фуқаролар «суюнчи» пули ва дафн нафақасини ўзларига қулай бўлган Халқ банки филиалларидан олиши мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаш керакики, ушбу хизматлар бугунлай бепул амалга оширилади ва бу жараён 5-10 дақиқа давом этади.

**«Суюнчи» пули ва дафн нафақаси энди барча фуқароларга давлат хизматлари марказлари орқали бериладими? Бу қандай қулайликларни яратади?**

\*\*\*

Таъкидлаш керак, Ҳукумат қарорига мувофиқ, эндиликда Пенсия ва нафақа олувчилар рўйхатида мавжудлиги ҳақида ҳамда Пенсия ва нафақа миқдори тўғрисида маълумотномалар ҳам ДХМ орқали тақдим этилади. Бунда ҳам юқоридаги каби ҳаракатлар амалга оширилиб, қисқа муддатда хизмат кўрсатилади. Маълумотномалар берганлик учун ҳеч қандай йиғимлар ундирилмайди.

Эътибор берилса, бутун йўлга қўйилган ҳар қандай янги тизим, аввало, пухта ўйланиб, обдон татқиқ қилиниб, ҳатто бир қарра синовдан ўтказилиб, сўнгра амалиётга жорий этилмоқда. Давлат хизматлари бўйича юқоридаги тажрибалар ҳам 2018 йил июль ойидан бошлаб 14 та туман Давлат хизматлари марказида эксперимент тарзида йўлга қўйилди. Бу тажриба ўзини оқлагани боис орадан салкам икки йилга яқин вақт ўтиб, республика бўйлаб татбиқ этилмоқда. Албатта, бундай рақамли технологияларга асосланган тизим соҳа ривожига ҳисса қўлиши баробарида халқимизга янада кенг қулайликлар яратади.

Санжар ЭШМУРОДОВ  
«Mahalla»

### МЕНДА САВОЛ БОР...

#### Бир марталик нафақанинг миқдори қанча?

— Фарзанд туғилганда ёки дафн маросимлари учун бериладиган бир марталик ижтимоий нафақа пули неча сўмни ташкил этади?

Дилдора МАҲМАРАИМОВА,  
Тошкент шаҳри.

#### Ўткир ЖУМАНОВ, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бош мутахассиси:

— Меҳнат кодексининг 287- ҳамда 288-моддаларида фуқароларга фарзанд туғилганда ёки дафн маросимлари учун бир марталик ижтимоий нафақа берилиши белгилаб қўйилган. Қонуности ҳужжатларида эса бу ижтимоий нафақаларнинг миқдори ва тўланиш тартиби қайд этилган.

Ҳужжатларга кўра, фарзанд туғилганда бериладиган ижтимоий нафақа базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараварини ташкил этади. Бугунги кунда бу миқдор 446 минг сўмдан иборат. Дафн маросимини ўтказиш учун бериладиган нафақа БХМнинг тўрт бараварида миқдоридан берилди. Бу ҳозирда 892 минг сўмни ташкил этади.

Пойтахтдаги маҳалла раиси ўз ҳисобидан қирқ нафар оилага кундалик озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берди.

Сўнги вақтларда тахририятимизга аҳолидан кам таъминланган ва кўп болали оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш тартибига оид кўлаб мурожаатлар келиб тушмоқда. Айниқса, пандемия шароитида ижтимоий ёрдамнинг бундай турига бўлган талаб янада ошди. Таъкидлаш керак, айти шу шароитда соҳага оид қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиб, нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш тартиби бирмунча соддалаштирилди.



# КАРАНТИНДА

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНАДИ?

Ҳўш, улар нималардан иборат? Янги тартиб аҳолига қандай қулайликлар яратади? Пандемия даврида ижтимоий ҳимоя қанчалик кучайтирилади? Айти саволларга жавоб топиш мақсадида **Маҳалла ва оилани қўлаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи Элмурод ҚАРШИЕВ**га мурожаат қилдик.

### Нафақа тайинлашда оила таркибига кимлар киритилмайди?

— Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сон фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 майдаги қарори билан «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом»га тегишли тузатишлар киритилди, — дейди **Э.Қаршиев**. — Фармонда оилаларнинг ижтимоий нафақа олишга муҳтожлигини баҳолаш тартиб-таомилларини соддалаштириш, тақдим этиладиган ҳужжатлар турини камайтириш, алоҳида трансфертларни оиланинг жами даромадларидан чиқариб ташлаш вазифалари топширилган эди. Ҳукумат томонидан бу борада қатор чоралар қабул қилинди.

Жумладан, болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинланадиган оиланинг ҳар бир аъзосининг ўртача ойлик жами даромади миқдори ўзгартирил-



ди. Энди у ўртача ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдори (**М-ҲЭКМ**)нинг (ҳозирда бу сумма 679 330 сўмни ташкил этади) **52,7 фоизидан кўп бўлмаслиги керак** (муружаат қилинган ойдан олдинги охириги 3 ой учун). Илгари бу миқдор ЭКИХнинг 1,5 баробаридан ортиқ бўлмаслиги талаб этиларди.

Ҳужжат билан эндиликда нафақа ва моддий ёрдам олиш учун бир оила таркибига **улар билан биргаликда яшайдиган болаларнинг болалари-бувилари ҳамда ота-оналари (фарзандликка олувчилар) билан биргаликда ҳужжалик юритувчи бошқа шахслар** киритилмаслиги белгилаб қўйилди.

### Оила даромади энди қандай ҳисобланади?

Янги ўзгартиришларга кўра, бундан буён ўртача ойлик жами даромад қийматини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган **оиланинг жами даромади турлари ҳам соддалаштирилди**.

Унга мувофиқ, эндиликда ногиронлиги бўйича нафақа, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва нафақаси (ҳар бир боқимандага), болалиқдан ногирон бўлган 16 ёшдан катта шахсларга нафақа, 16 ёшгача бўлган ногирон болалар ва 18 ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақа, Пенсия жамғармаси орқали берилмайдиган бола туғилганлиги ҳамда дафн этиш маросими учун бир йўла тўланадиган нафақалар оила аъзолари томонидан олинган даромадлар сирасига киритилмайди.

Яна бир жиҳат — оиланинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир аъзосининг ўртача ойлик даромадлари тўғрисида тақдим этилган маълумотларда даромад суммаси кўрсатилмаган ёки нормативдан паст кўрсатилган ҳолларда қўлланиладиган **оиланинг ўртача ойлик жами даромадини ҳисоблаш қоида**сига тузатиш киритилди. Энди ушбу норматив МҲЭКМнинг 87,9 фоизига тенг (илгари бу миқдор ЭКИХнинг 2,5 баробарига тенг эди) ва ҳисоб-китобда айнан шу кўрсаткич қабул қилинади.

Бундан ташқари, **ушбу қоида татбиқ этилмайдиган шахслар тоифаси рўйхати ҳам кенгайтирилди**. Рўйхатга нафақа олувчилар (пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қариялар ва меҳнатга лаёқатсизлик юзасидан нафақа олувчи фуқаролар, болалиқдан ногиронлиги мавжуд шахсларнинг оналари, болалиқдан ногиронлиги мавжуд шахслар, ОИВ

инфекциясига чалинган шахслар, шунингдек, I ёки II гуруҳ ногиронлиги мавжуд шахслар), ўзганинг парваришига муҳтож бўлган оила аъзосини парвариш қилаётганлар, туман (шаҳар) аҳоли бандликка қўмаклашиш марказига иш қидирувчи сифатида расмий мурожаат қилган фуқаролар қўшилди.

### Бепул берилмайдиган товарлар рўйхати янгиланди

Низомга МҲЭКМ жорий этилиши муносабати билан **Оиланинг шахсий ёрдамчи (деҳқон) ҳўжалиги юритишдан оладиган норматив даромадини ҳисоблаш методика**сига ҳам тузатишлар киритилди. Яъни эндиликда шахсий ёрдамчи (деҳқон) ҳўжалигини юритишдан олинмайдиган норматив даромад ушбу ҳўжаликни юритиш учун фойдаланиладиган сотихлар сонини **МҲЭКМнинг 0,035 миқдорига кўпайтириш йўли билан аниқланади** (илгари МҲЭКМнинг 0,071 миқдорига кўпайтириб аниқланган).

Янада соддароқ тушунтирадиган бўлсак, мисол учун: оилада деҳқон ҳўжалиги юритиш учун 10 сотих ер участкаси мавжуд. Норматив даромадни аниқлаш ойида МҲЭКМ 679 330 сўмни ташкил этади. Оиланинг шахсий ёрдамчи (деҳқон) ҳўжалиги юритишдан оладиган ўртача ойлик норматив даромади: 10 сотих x 0,035 x 679 330 сўм = 237 766 сўмни ташкил этади.

Шунингдек, қарор билан карантин тадбирлари амал қилиш даврида қўшимча равишда **Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронларни бепул таъминлаш учун асосий озик-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарларининг рўйхати** бир марта ишлатиладиган стерил ниқоб, стерил қўлқоплар, суяқ ёки гел ҳолидаги антисептик, антибактериал совун каби маҳсулотлар қўшилди.

**С.ИСМАТОВ** тайёрлади.



1 июндан нафақа ва моддий ёрдам олувчилар сони қўшимча 10 фоизга ошди.





# ОЛТИН ишлаб чиқариш

## ниманинг ҳисобига кўпаяди?

**П**андемия кўплаб мамлакатлар қатори Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Маълум муддат корхоналар фаолиятининг тўхтаб қолиши, карантин чекловлари ўрнатилгани, табиийки, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми камайишига олиб келди. «Тождор» вирус етказган талафотлар шу билан чекланиб қолмаяпти, қамрови кенгайса кенгайяптики, асло камаймаяпти.

Бундай шароитда ҳар қандай давлат иқтисодий барқарорликни сақлаб қолишга интилади. Бунинг учун керакли чора-тадбирларни кўради. Мавжуд захиралардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади.

Ўйлашимизча, Ўзбекистонда олтин ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича қилинган саъй-ҳаракатлар айни шу мақсадни кўзлайди. Бироқ олтин ишлаб чиқариш ниманинг ҳисобига кўпаяди?

### Ўзи нима гап?

Гап шундаки, давлатимиз раҳбарининг «Олмалик КМК» АЖ конлари негизда рангли ва қилинган металллар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унда «Олмалик КМК» акционерлик жамияти инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг ягона концепциясини ишлаб чиқиш, sanoat ва экспорт салоҳиятини барқарор ривожлантириш, хомашё базасини кенгайтириш, конларни қазиб олиш ва минерал-хомашё ресурсларини қайта ишлашга илгор технологияларни жалб қилиш бўйича муҳим вазифалар белгиланган.

### Олтин ишлаб чиқариш 38 тоннага етказилиши ростми?

— Аслида бу борадаги ишлар Президентимизнинг 2017 йил 11 августда қўйилган таърифига асосланган. «Ёшлик» конини ўзлаштириш ишларини бошлашга старт берилган эди, — дейди Олмалик кон металлургия комбинати инвестициялар департаменти бошлиғи Камолдин Салимов — Орадан бир йил ўтиб, ОКМК давлат-хусусий шериклик асосида «SFI Management Group» хорижий компаниясининг ишончли бошқарувига ўтказилди ва бошқа инвестициявий лойиҳалар

қатори «Ёшлик 1» конини ўзлаштириш» га кенг қўламда киришилди.

Мазкур қарорга кўра эса, кон майдонлари негизда рангли ва нодир металлларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш икки босқичда амалга оширилиши белгиланди. Биринчи босқичда конни ўзлаштириш ишлари давом этади, йилига 60 млн. тонна руда қазиб олиш ва қайта ишлаш қувватига эга 3-мис бойитиш фабрикаси қурилади. 2021-2025 йилларда йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 290 минг тонна катод миси, 38 тонна олтин ва 203 тонна кумушга етказилади. Шу тариқа металлургия комплекси объектларини лойиҳалаштириш, усуналарни етказиб бериш ва қуриш ишларининг иккинчи навбати якунига етади.

Иккинчи босқич — 2024-2028 йилларда йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини 400 минг тонна катод миси, 50 тонна олтин ва 270 тонна кумушга етказиш кўзда тутиляпти. Бундан ташқари, металлургия комплекси объектларини лойиҳалаштириш, усуналарни етказиб бериш ва қуриш ишлари амалга оширилади.

### Лойиҳа қандай молиялаштирилади?

Битта уйни бунёд этиш учун йиллар давомида пул жамғарамиз. Хўш, ушбу лойиҳалар қайси маблағлар эвазига молиялаштирилади?

Ҳужжатда лойиҳани амалга оширишнинг аниқ молиявий манбалари белгиланган. Чунинчиси, «Олмалик КМК»

АЖнинг 250 млн. АҚШ доллари миқдоридидаги ўз маблағлари, шу жумладан, жорий йилда 35 млн. АҚШ доллари ажратилиши кўзда тутилган. Шунингдек, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 1 млрд. АҚШ доллари ва 2021 йилдан

бошлаб маҳаллий ва халқаро молия институтларининг синдикатланган кредити маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

### Инвестицияни ким киритади?

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 4 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, «Rdnesans Holding» (Туркия) компанияси ва унинг бўлинмалари ушбу инвестиция лойиҳасини амалга оширишда қатнашади.

Ҳозирга қадар компания билан келишувга эришилган. Бу ҳадемай лойиҳани амалиётга татбиқ этиш ишлари бошланишидан дарак беради.

### Бош пудратчига негистисно қўлланилди?

Махсус объектларни қуришда маълум билим ва тажриба талаб қилинади. Бойитиш фабрикаларини бунёд этишда бу ақида қанчалик ҳисобга олинади? Маълум бўлишича, 3-мис бойитиш фабрикасини қуриш учун бош пудратчи сифатида «Renaissance Heavy Industries» МЧЖ (Россия) жалб қилиш кўзда тутилган.

Лойиҳани амалга оширишни жадаллаштириш учун бош пудратчига истисно тариқасида бир нечта имтиёзлар берилади. Хусусан, компания, инвестиция банклари ва консултантлар билан тузиладиган шартномалар ва лойиҳа доирасида молиялаштириладиган бошқа импорт контрактларига нисбатан мажбурий экспертиза ва рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари татбиқ этилмагани белгиланди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистонда импорт контрактларига нисбатан маж-

бурий экспертиза ва рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК томонидан амалга оширилади.

**Дунёнинг расмий олтин холдинглари халқаро молиявий статистикасига кўра, 2020 йилнинг май ойида олтин захиралари бўйича Ўзбекистон 57,7 фоиз билан 17-ўринда қайд этилган.**


### «Олмалик КМК»га қандай вазифа юклатилди?

Қарор билан лойиҳа доирасида «Олмалик КМК» АЖга ҳам талай вазифалар юклатилди. Жумладан, жамият 2020 йил 1 декабрда лойиҳанинг биринчи навбати, 2021 йил 1 декабрда эса иккинчи навбати техник-иқтисодий асосла-нишини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади. Маъсул вазирликлар билан кредит консорциумини шакллантириш учун маҳаллий ва халқаро молия институтларининг маблағларини жалб қилишда қатнашади. Шунингдек, комбинатга истисно тариқасида ўтга чидамли футеровка ва печ куббаси муддатидан аввал эскиришининг олдини олиш, энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда комбинатнинг технологик ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари пасайишига йўл қўймайлик мақсадида контрактлар ва металлургия хомашёсини зарарсиз асосда тўғридан-тўғри шартномалар (контрактлар) бўйича олиб киришга рухсат берилди.

Сирасини айтганда, олтин ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳаволаки режалар билан эмас, аниқ механизм асосида амалга оширилади. Пировардида мамлакат иқтисодиёти ривожланади.

Садоқат МАХСУМОВА  
«Mahalla»

«Мурунгов» кони электр энергияси билан таъминланади.



**И**қтисодий барқарорликни таъминлаш учун тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиш, инвесторларни жалб этиш ва ҳалол солиқ тўловчилар сафини кенгайтириш зарур. Бунинг учун эса иқтисодиёт тармоқларида давлат улушини қисқартириш керак бўлади. Афсуски, узоқ йиллар мобайнида хусусийлаштирилмаган корхона ва ишлаб чиқариш тармоқлари ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Бугун соҳага янги нафас кириб келгани эътироф этилмоқда.

# ХУСУСИЙЛАШТИРИШ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ

## ЖОНЛАНТИРАДИМИ?

**ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ЭСКИ УСУЛДА, САМАРАСИЗ ИШЛАМОҚДА. АЧИНАРЛИСИ, УЛАРНИНГ ЯРМИДАН КЎПИ ДИВИДЕНД ТЎЛАШ ИМКОНИГА ҲАМ ЭГА ЭМАС**

Хўш, бундай вазиятда хусусийлаштириш ишлари қандай кечяпти? Давлат улуши сақлаб қолинадиган корхоналарнинг самарадорлигини ошириш учун қандай чоралар кўриляпти? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида **Давлат активларини бошқариш агентлиги директори маслаҳатчиси Мўмин ИБОДОВ**га муурожаат қилдик.

### Давлат корхоналарининг аксарияти самарасиз ишламоқда

— Давлат улушини қисқартириш баробарида хорижий инвесторларни жалб этиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди **М.Ибодов**. — Президентимиз 27 май куни давлат активларини хусусийлаштириш соҳасидаги лойиҳалар тақдимоти билан танишиш чоғида ҳам бу борада бажарилиши зарур бўлган ишларни белгилаб берди. Хусусан, самарасиз ишлаётган 711 та корхонани тугатиш, 262 та корхонани қайта ташкил этиш, шунингдек, 500 дан зиёд бозорларни хусусийлаштириш бўйича топшириқлар берилди. Бундан ташқари, яна 1400 тага яқин давлат активларини хусусий инвесторларга беришни тезлаштириш чоралари кўрилади.

Ҳозир мамлакатимизда 2,5 милдан зиёд давлат иштирокидаги корхона мавжуд. Уларнинг аксарияти эски усулда, самарасиз ишламоқда. Ачинарлиси, уларнинг ярмидан кўпи дивиденд тўлаш имконига ҳам

эга эмас. Эндиги вазифа эса ушбу корхоналарни бозор принциплари асосида ислоҳ қилиш, хусусий инвесторларга сотиш орқали иқтисодиётимизга муносиб ҳисса қўлишига эришишдан иборат. Шундан келиб чиқиб, республика бўйича ялпи хатлов ўтказилган эди. Натигада йил бошидан бери 299 та давлат активларини 348 миллиард сўмга сотишга эришилди.

Қувонарлиси, инвесторлар ушбу объектларга жами 3,3 триллион сўм инвестиция киритиб, 4 минг 700 та янги иш ўринлари яратиш мажбуриятини олган. Хусусан, собиқ «Чорсу» меҳмонхонаси, «Самарқанд-кимё» корхонаси, «Ўзбекистон» меҳмонхонасидаги давлат ва хўжалик жамиятлари улуши, Қўнғирот сода заводи сотилди. Бу объектларга 425 миллион доллар инвестиция киритилиб, 800 та янги иш ўрни яратилди.

### Давлат корхоналари халқаро стандарт асосида баҳоланади

Хорижий инвесторларни иқтисодиётимизга жалб қилиш, уларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятини кенгайтиришда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) алоҳида ўрин тутади. Шу боис 2020 йилда 17 та корхонани ана шу тизимга ўтказиш белгиланган. 2021 йил 1 январдан бошлаб эса барча акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, сугурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юри-

дик шахслар ўзининг бухгалтерия ҳисобини МҲХС асосида юритади. Бунда Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳар йили юқоридаги тоифага кирмаган давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат корхоналарини аниқлаб, уларда бухгалтерия ҳисобини МҲХС асосида юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашга ўтиш жадвалини тасдиқлайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда мавжуд давлат иштирокидаги корхоналардан 247 таси тугатилиш арафасида турибди, 64 таси сотилган бўлса, 298 таси фаолият кўрсатмаяпти, 17 тасида эса МҲХСга ўтиш жараёни олиб бориляпти. Шунингдек, 1 890 та корхона фаолияти таҳлил қилинган ҳолда, улар орасидан 2019 йил якуни бўйича соф тушуми 50,0 млрд сўмдан ортиқ бўлган 38 та корхонада 2021 йилдан бошлаб бухгалтерия ҳисобини МҲХС асосида юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш таклиф этилмоқда.

### Халқаро рейтингларга қандай таъсир кўрсатади?

Халқаро рейтинг ва расмий ҳисоботларда айнан МҲХС бизнес, бошқарув ва фаолият натижадорлигини объектив ҳамда реал акс эттириш, бизнеснинг давомийлиги, ривожланиш ҳамда тараққиётнинг муҳим тенденцияларини аниқ кўра билишга имкон беради. Шунингдек, корхоналарни хорижий инвесторларга сотишда енгиллик ва шаффофликни, ташқи молия бозорларидан маблағлар жалб этиш имкониятини яратди.

Бу эса иқтисодиётимизга кириб келадиган ташқи инвестициялар ҳажминини ошириш, халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, салоҳиятли харидорлар гуруҳини шакллантириш, дунё миқёсида мамлакат нуфузини кўтаришга хизмат қилади.

### Ҳар йили давлат ташкилотлари хатловдан ўтказилади

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 майдаги «Давлат мулки объектларининг ҳисобини юритиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори самарасиз ишлаётган давлатта тегишли объектларни тадбиркорлик субъектларига бериш, давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда объектлар ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Қарорга кўра, ҳар йили 1 декабрга қадар ишчи гуруҳлар давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятлари, давлат ташкилотларини хатловдан ўтказди ва маълумотларни расмий веб-сайтда эълон қилиб боради. Бу давлат улуши сақлаб қолинган корхоналарни шаффоф ва самарали бошқаришга хизмат қилади. Буни таъминлаш учун эса Хукумат қарори билан иккита Низом тасдиқланган.

\*\*\*

Мухтасар айтганда, бугун ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, иқтисодиёт тармоқларида давлат улушини қисқартириш борасида аниқ чора-тадбирлар асосида иш юритилмоқда. Шунингдек, давлат улуши сақлаб қолинган корхоналарни бошқариш ва уларнинг ҳисобини юритишнинг замонавий усулларига ўтилмоқда. Бу эса мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

«Mahalla» мухбири  
Боборавшан ҲОЗИДДИНОВ  
ёзиб олди.

Жорий йилда 17 та корхона МҲХСга ўтиши режалаштирилган. Жумладан:

17 та тижорат банки

5 та сугурта ташкилоти

77 та йирик солиқ тўловчи корхоналар

158 та акциядорлик жамияти

Ўзбекистонда Volkswagen русумли енгил тижорат автомобилларини ишлаб чиқариш бошланмоқда.

# UZBEKISTAN



**О**лти ойдирки, ер юзидаги барча давлатлар коронавирус туфайли ҳам иқтисодий, ҳам маънавий таназзулни бошдан кечирмоқда. Унинг салбий таъсири етиб бормаган соҳа қолмади. Хусусан, жаҳон туризм sanoати 2020 йилда ушбу инфекция туфайли 1 трлн. АҚШ доллари миқдорида зарар кўриши мумкинлиги прогноз қилинмоқда. Ҳозирда зарар миқдори 600 млн. долларни ташкил этмоқда, дея таъкидлайди Жаҳон иқтисодий форуми президенти Булут Бағчи.

## ПАНДЕМИЯ ТУГАШИНИ КУТИШ ТУРИЗМ СОҲАСИНИ «ЙИҚИТАДИ»МИ?

Унинг сўзларига кўра, туризм соҳаси йилига ўрта ҳисобда 1,7 трлн. доллар маблағ ишлайди. Соҳадаги пасайиш 70 фоизни ташкил этиб, шу тарзда давом этиши эҳтимолдан холи эмас. Иқтисодиётнинг 60 та соҳаси туризм билан бевосита ёки билвосита боғлиқ. Агар бу соҳалар зарари кўшиб ҳисобланса, туризм 5 трлн. доллар маблағни йўқотиши мумкин.

Дунё мамлакатлари узра кузатилаётган туризм сокинлиги Ўзбекистонга ҳам хос бўлиб қолмоқда. Ер юзи сайқали бўлмиш Самарқанд, кўҳна Хоразм, тарихий Шаҳрисабз, серкўёш Термиз шаҳарлари аввалгидек гавжумлашса эди, Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти янада жонланган, давлат бюджетини мустаҳкамлаш ва ялпи ички маҳсулотга қўшадиган улуши кўпайган бўлар эди. Шарт-шароитга қараб, аввал, ички туризмни ва ташқи сайёҳликни йўлга қўйиш «мудраб» ётган соҳани жонлантириш гарови бўлади.

### Соҳа давлат томонидан қўллаб-қувватланади

Кейинги уч йил ичида мамлакатимиз сайёҳлик соҳаси ривожланганини рақамлар таҳлили далиллайди. Сайёҳлар оқими аввалги йилларга нисбатан 5 бараварга кўпайиб, йиллик кўрсаткич 6,7

миллион нафарни ташкил этди. 2019 йилда экспорт тушуми 4 бараварга ортиб, 1 млрд. 300 млн. АҚШ долларига тенглашди.

— Коронавирус сайёҳликни ривожлантиришга катта тўсиқ бўлди, — дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси бўлими бошлиғи Тўлқин Алиқулов. — Карантин эълон қилиниши оқибатида 1,5 мингдан ортиқ туроператор, қарийб 1,2 мингта меҳмонхона фаолияти тўхтатилиб, 250 мингдан ортиқ ходимнинг ойлик даромадига зарар етди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан туризм соҳасига оид лойиҳалар тақдироти ўтказилгач, танафусда бўлиб қолган соҳани ривожлантириш имкониятлари очилди.

Пандемия шароитига мослашиб ишлашни ўргансагинга, туризм соҳаси инқироздан чиқиб кетади. Президентимизнинг жорий йил 28 майдаги «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони сайёҳлик соҳасида яна бир муҳим ҳужжат бўлиб, унда сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш ва шу йўналишда меҳнат қилаётган тадбиркорга имтиёз беришнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди.

ташкilotлар ҳам ўз фаолиятини бошлайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи бор мамлакатлар рўйхати белгилангач, ташқи туризмни босқичма-босқич қайта тиклаш режалаштирилган.

— «Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат кафолатланган» бренди остида сайёҳлар учун санитария-эпидемиологик хавфсизлик тизими ишлаб чиқилди, — дея сўзида давом этади Тўлқин Алиқулов. — У бешта асосий талабни ўз ичига олади. Бунга туризм ва ёндош инфратузилма объектларида санитар-гигиеник хизмат кўрсатиш бўйича давлат стандарти, санитария-эпидемиология назорати агентлиги билан келишилганлик, давлат тасарруфидаги талабларни мажбурий жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий сертификатлаш, жамоат ташкilotларида мониторинг бўйича илгчи гуруҳини шакллантириш кирилади.

Янги тартибга кўра, тадбиркорлик субъектлари тегишли марказга ариза топширади. Берилган сертификат асосида у қўмитанинг «Хавфсиз объектлар реестри»га киритилади. Сертификат олгач, у беш талаб бўйича ўз фаолиятини бошлайди.

**ассоциацияси раиси Иззатулло Ходжаев.** — Коронавирус қайд этилмасдан аввал, яъни жорий йил бошида Ўзбекистон социал туризм ассоциациясини тузган эдик. Вазият беқарор бўлиб қолгани туфайли барча лойиҳаларимизни тўхтатиб туришга мажбур бўлдик. Ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар учун йил мобайнида «Саё-

Вазиятни юмшатиш мақсадида туризм соҳасига бир қатор енгилликлар берилди. Жумладан, **1750 та** субъектга мол-мулк, ер ва ижтимоий солиқлар учун вақтинча салкам **60 миллиард** сўмлик имтиёз тақдим этилди.

ҳат барча учун!» хайрия акциясини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Маълумотларга кўра, юртимизда 700 минг нафарга яқин имконияти чекланган шахс рўйхатга олинган. Уларни сўлим ва баҳола масканларга олиб бориш учун ҳомийлик ва хайрия маблағларини шакллантиришимиз керак. Очигини айтганда, ижтимоий туризмни молиялаштириш учун зарур маблағ йўқ. Катта ёшдаги ва кам таъминланган аҳоли қатламлари учун сайёҳликни ташкил этиш ва эркин ҳаракатланиши учун Транспорт вазирлиги томонидан кулай шароитлар яратилиши керак.

Эпидемиологик вазият ҳар бир фуқародан сезгирликни, хушёрликни, ўрнатилган тартибга риоя қилишни талаб этмоқда. Туристтик объектга борилганда бу талаб икки қарра кучаяди. Инфекцияга нуқта қўйилишини кутиш туризм соҳасини «йиқитар» экан, давлат миқёсида белгиланаётган чора-тадбирлар ҳар томонлама фойдали бўлишига умид қиламиз.

Хулқар КУЗМЕТОВА  
«Mahalla»

### Дарвоқе...

Самарқанд туманининг «Кони-гил» маҳалласи худудида намунавий типдаги «Туризм қишлоғи» ташкил этилмоқда. Самарқанд қоғози, кулолчилик, дурадгорлик ва бошқа хунармандчилик анъаналари ҳали-ҳануз сақланиб қолган бу маскан маҳаллий ва хорижлик сайёҳларни қадимий анъана ва қадриятлар оламига етаклайди.

### Хавфсиз сайёҳлик кафолатланади

Дарвоқе, ушбу фармонга мувофиқ, Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида илк бор ички туризмни қайта тиклаётган мамлакатлардан бирига айланмоқда. Энди туризм субъектлари белгиланган санитария-гигиена меъёр ва талабларига қатъий риоя этган ҳолда, 1 июндан «яшил» ва кейинчалик «сарик» тоифадаги худудларда ички туризмни қайта йўлга қўйиши натижасида ёндош

### Социал туризм — янги йўналишми?

Дунёнинг ривожланган давлатларида ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам учун сайёҳлик тадбирларини амалга ошириш тажрибаси мавжуд. Имконияти чекланган шахслар, ёшли улуг кишилар, боқувчисиз қолганлар учун саёҳат уюштиришнинг ўзига хос мураккабликлари бўлгани боис барча қитъаларда ҳам бунга эътибор қаратилавермайди.

— Бизда инсонпарварлик, одамлилик устун туради, — дейди Ўзбекистон социал туризм

# СУВ СОЛИҒИ ОШИРИЛАДИМИ?

**Х**алқимизда «Отанг мироб бўлса ҳам сувни ёқалаб ич» деган гап бор. Бу ҳамма замонларда ҳам халқимиз сув тақсимотига жиддий эътибор бергани, деҳқонлар учун даласини суғориш доим ҳам осон бўлмаганини англатади. Кейинги вақтларда сувдан фойдаланганлик учун солиқларнинг босқичма-босқич оширилиши билан боғлиқ хабарлар муҳокамаларга сабаб бўлди.

## Ставкалар қандай белгиланади? Кимларга имтиёз бор? Ёки солиқ юки барча ҳудудларда бирдек бўладими?

Аслида барча фермерлар ҳам даласини исталган пайтда суғориш имконига эга эмас. Бундай вазиятда солиқнинг ошиши қанчалик тўғри? Дунёда сув танқислиги глобал муаммага айланиб бораётган бир пайтда фойдаланишда бўлган ерларни бирдек обихаёт билан таъминлаш имконияти яратилади-ми? Умуман олганда, сувдан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари қандай белгиланади? Ярим лалми ёки йил кўрғоқчил келганида сув бориши оғир бўлган ҳудудларга бу борада бирон имтиёз борми? Ёки солиқ юки барча ҳудудларда бирдек бўладими?

### Солиқ юкини ошириш билан тежамкорликка эришиб бўладими?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги «Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва сувни етказиб бериш бўйича харажатларни қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари босқичма-босқич оширилиши белгиланди. — дейди Давлат солиқ кўмитаси масъул ходими Музаффар Назаров. — Лекин

бу барча бирдек солиқ тўлашга мажбур, дегани эмас. Яъни Солиқ кодексининг 443-моддасига кўра, фойдаланилган сувнинг ҳажми сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ базаси ҳисобланади. Содда қилиб тушунтирсак, бу истеъмолчи қанча миқдорда сув олган бўлса, шунга асосан солиқ тўлайди, дегани. Демак, ҳеч ким фойдаланмаган сув учун ортиқча солиқ тўламайди.

Тахминларга кўра, 2040 йилга бориб, Ўзбекистон сув ўта танқис бўлган 33 мамлакат қаторига кириши мумкин экан. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ушбу қарор сув тежамкорлигига эришишга хизмат қиладими? Солиқ юкини ошириш билан тежамкорликка эришиб бўладими?

— Сув ресурсларидан фойдаланишда бозор иқтисодиёти тамойилларининг кенг жорий қилиниши истеъмолчиларни экин майдонларидан кам сув билан юқори даромад олишга рағбатлантиради, — дейди Сув хўжалиги вазирлиги бўлим бошлиғи Зокир Ишпулатов. — Чунки сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ базаси олиган ҳақиқий сув миқдорига нисбатан белги-

ланади. Бундан ташқари, рақамли технологиялар ёрдамида сувнинг аниқ ҳисоботининг юритилиши истеъмолчилар томонидан сувни ортиқча олиш ҳолатларини бартараф этади.

### Ҳисоблаш қандай амалга оширилади?

Қарорга кўра, сув фойдаланувчилари ва истеъмолчилари сувдан фойдаланиш ҳамда унинг истеъмоли тартибига тўлиқ амал қилишга,

сувнинг ҳисоб-китобини ўз вақтида юритишга масъулдир. Шундан келиб чиқиб, сув омборлари ва ирригация тизимларидаги сув олиш жойлари 2022 йил 1 декабрга қадар сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан тўлиқ жиҳозланади.

— Жойларда 2023 йил 1 декабрга қадар сув истеъмолчиларининг сув олиш жойлари сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан тўлиқ таъминланади, — дейди З.Ишпулатов. — Бундан ташқари, сувнинг ҳисоботини юритиш учун сув хўжалиги объектларида сув ресурсларидан фойдаланишни онлайн режимда назорат қилиш имконини берувчи рақамли технологиялар жорий этилади.

### Лимит фермерлар фаолиятини чеклаб қўймайдими?

Ҳукумат қароридан лимитдан ортиқча олинган сув учун солиқлар белгиланган ставкага нисбатан беш баробар оширилган миқдорда ундирилиши кўрсатиб ўтилган. Лекин ёғингарчилик кам бўлган вақтда қишлоқ хўжалиги экинлари, хусусан, пахта гулининг тўкилиб кетмаслиги учун қўшимча миқдорда сув олишга тўғри келади. Бундай вазиятда лимит сабаб фермер қийналиб қолмайдими?

— «Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида Низом»га асосан, сув олиш лимитлари қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бир йилда икки марта ҳамда бошқа эҳтиёжлар учун бир йилда бир марта белгиланади, — дейди З.Ишпулатов. — Сув истеъмоли режалари қишлоқ хўжалиги экин турларининг суғориш меъёрларига асосан ишлаб чиқилади. Шунинг учун фермер хўжаликлари ва бошқа ер эгалари томонидан сувдан фойдаланиш режасини ишлаб чиқишга масъулият билан ёндашиш талаб этилади. Шундаги-

на ҳар қандай шароитда лимитдан ортиқча сув олишга сабаб бўлмайди.

Манбаларда сув ҳажми камайган ёки кўпайган ҳолатларда сув олиш лимитларига, юқори ваколатли ташкилотнинг рухсати билан, сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмол қилиш режаси параметрлари ўзгартирилмасдан, дарҳол тузатишлар киритилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмол қилишнинг белгиланган даври тулагандан кейин икки ой муддатда манбалардаги сувнинг ҳақиқий миқдори ҳисобга олинган ҳолда, ўтган давр учун сув олишнинг узил-кесил лимитлари тасдиқланади. Бу дегани, агар суғориш мавсуми давомида белгиланган лимитдан ортиқча сув олишга тўғри келиб қолса, ортиқча олинган сув асослаб берилса, мавсум якуни билан тегишли баённома расмийлаштирилади ва амалда олинган сув миқдори лимит сифатида қайта тасдиқлаб берилиши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги сув истеъмолчиларига нисбатан лимитдан ортиқча сув олингани учун жарима санкциялари бир йилда икки марта (кўз-қиш ва вегетация даврлари якунлари бўйича), қолган сув истеъмолчилари учун эса календарь йил якунлари бўйича бир марта қўлланилади.

\*\*\*

Мамлакатимизда экин майдонларини томчилатиб суғориш учун қатор имтиёзлар тақдим этилмоқда. Ана шундай бир вазиятда сув тақсимотини онлайн режимга ўтказиш қишлоқ хўжалигида томчилатиб суғоришга бўлган қизиқишини оширади. Бу эса, ўз навбатида, сувдан фойдаланиш маданиятининг янада олишига, олис чўл ҳудудларига ҳам бирдек обихаёт этиб боришига замин яратади.

Боборовшан ҲОЗИДДИНОВ  
«Mahalla»

### Биласизми?

Сохибқирон Амир Темур давлатида ҳам сувдан фойдаланганлик учун солиқ ундирилган. Масалан, агар деҳқон доимий ариқлар, сув қувурлари ёки оқимлар билан суғориладиган ерларга эга бўлса ва сув узлуксиз оқиб турса, мазкур ерлардан олинадиган даромад уч қисмга тақсимланган. Бунда учдан икки қисми ер эгасига, учдан бир қисми солиқ сифатида олинган. Ерлар фақат ёмғир суви билан суғорилса, улар икки қисмга тақсимланган, улардан ҳосилнинг учдан бир қисми ёки чораги солиқ сифатида олинган.

Ёзги мавсумда экин майдонларини сув билан таъминлаш ва сув танқислигининг олдини олишга қаратилган ҳукумат қарори қабул қилинди



Маълумки, АҚШ кўтлаб соҳалар қатори ўзининг сифатли автомобиль йўллари билан мақтана оладиган дунёдаги илғор давлатлар сирасига киради. Қолаверса, ушбу омил мамлакат иқтисодий тараққиётининг сири сифатида ҳам эътироф этилади. Ҳатто, бу борада «Америкаликлар бой бўлгани учун йўл кургани йўқ, йўл кургани учун бой бўлган» деган асосли фикрлар ҳам айтилади.



# ЙўЛЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ УЧУН «ҲОЙДАЛАНУВЧИ ТўЛАЙДИ» ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ... (ми?)

Ёки бўлмаса, Хитойни олайлик. Бу мамлакат ярим аср аввал қаттиқ қопламали йўллар масаласида дунёдаги энг қолоқ давлатлардан бири ҳисобланарди. Бироқ ўтган асрнинг саксонинчи йилларига келиб, хитойликлар сифатли йўл курмай, иқтисодий барқарорликка эришиб бўлмаслигини тушуниб етди. Халқ орасида «Бойишни истасак, йўл қуришимиз керак» деган шiorлар пайдо бўлди. Натижанда Хитой бугун дунёнинг энг тараққий этган давлатлари сафидан муносиб ўрин эгаллади.

## «Йўллар сифати борасида эътирозлар жуда кўп»

Яширмаймиз, сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам замонавий транспорт коммуникация тизимини яратиш, халқаро ва ички аҳамиятга эга автомобиль йўллари қуриш ҳамда реконструкция қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бироқ қилинаётган бу сазй-ҳаракатлар соҳадаги муаммоларга тўлиқ ечим бўлаётган йўқ. Афсуски, бугун умумий фойдаланишдаги ва ички йўлларимизнинг сифати борасида фуқароларимизда кўплаб эътирозлар пайдо бўлмоқда. Тизимдаги муаммоларни ҳал этиш учун амалга оширилаётган ишлардан эса кўнгил тўлмайди.

Хабарингиз бор, жорий йил 25 май куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев транспорт соҳасининг барқарор ишлашини таъминлаш ва изчил ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Унда давлатимиз раҳбари ички йўллар масаласига ҳам алоҳида тўхталиб, уларнинг ҳолати ёмонлиги, одамлар бундан норози эканини қайд этаркан, 80 минг километр ички йўлларни реконструкция қилиш, бу борада бугун дунёда кўланиб келинаётган «Ҳойдаланувчи тўлайди» тизимини жорий этиш зарурлигини айтиб ўтди.

## «Йўл» фондини қайта тиклаш керакми?

— Ҳозирда мамлакатимиздаги қарийб 70 фоиз йўл тармоғи таъмирга муҳтож, — дейди Тошкент

**ДАРВОҚЕ...**  
Ўзбекистондаги жами автомобиль йўллар тармоғи 184 минг километрдан зиёд узунликда бўлиб, ундан 42 минг 676 километри умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари дидир.

автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация институти Автомобиль йўллари қуриш ва эксплуатация қилиш кафедраси мудири, техника фанлар номзоди, профессор Аслиддин Ўроқов. — Имкониятларимиздан тўлиқ фойдалана олсак, йилида йўлларнинг 5-6 фоизини таъмирлашга имконимиз етади. Бироқ қолгани-чи?!

Айтиш лозимки, Президентимиз илгари сураётган «Ҳойдаланувчи тўлайди» тизими кўп жиҳатдан ички автомобиль йўллари сифатини таъминлашда бугунги кун талабларига мос келади. Кўпгина давлатлар қонунчилигида «ифлослантурувчи тўлайди» тамойилига асосланган «Ҳойдаланувчи тўлайди» тамойили киритилган. Бу тизимлар тўлиқ ўхшаш эмас, лекин «ифлослантурувчи тўлайди» тамойилида ресурслардан фойдалангани ҳисобига унинг кейинчалик қайта тикланиши учун ҳақ тўланиши талаб этилади. «Ҳойдаланувчи тўлайди» тамойили киритилишига ҳам йўлдан фойдаланган автотранспорт воситалари, айниқса, оғир юк автомобиллари йўллари емирилишига сабабчи бўлганлиги учун ҳам, кейинчалик йўллари қайта тикланишига ҳақ тўланиши асос қилиб олинган. Ҳозирда кўпгина Европа давлатларида ушбу тамойил қўлланилмоқда. Бу тизимни йўлга қўйиш учун, аввало, йўл соҳасига йўналтирилаётган маблағлар манбаси аниқ бўлиши

ва бу пуллар фақат ва фақат йўллар учунгина сарфланиши керак. Мисол учун, дунёнинг илғор мамлакатлари тажрибасида йўлларни лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш, реконструкция ва эксплуатация қилиш учун кетадиган зарур маблағлар, солиқ тушумлари «Йўл фонди» ҳисобида жамланади. Тўғри, мамлакатимизда ҳам илгари ана шундай фонд бўлган, бироқ яқин йилларда унинг фаолияти маълум сабабларга кўра тугатилди. Агар мазкур фонди қайта тикласак, давлатимиз раҳбари айтган «Ҳойдаланувчи тўлайди» тизимини амалиётга муваффақиятли татбиқ эта оламиз. Лекин агар сарфланадиган «Йўл» фонди маблағлари самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлай олмасак, бу ҳам муаммога ечим бўлмайди. Бунинг учун йўл ишларига ишлатилаётган харажатлар самарадорлик индикаторларини белгилаб олиш керак ва шу асосида маблағларни мақсадли режалаштириш тизимига ўтиш лозим.

## Йўл қуриш эмас, уни «ямаш» билан оворамиз

Хабарингиз бўлса, 2019 йилнинг январь ойидан ҳайдовчилар 1 литр бензин пулининг 20 фоизини кўшимча акциз солиғи сифатида тўлаб келмоқда. Ҳўш, ана шу маблағларнинг қанчаси йўллар учун сарфланмоқда?

— Очигини айтиш керак, юртимизда акциз солиғидан йўл ишларига маблағлар йўналтиришни назорат қилиш механизми яхши ишламайди. — дейди Аслиддин Ўроқов. — Мисол учун, мамлакатимизнинг бирор шаҳар ёки туманидаги сулолтирилган газ ёки бензин қуйиш шохобчасидан харид қилинган маҳсулотнинг акциз солиғи тўғридан-тўғри ана шу ҳудуднинг маҳаллий бюджетига тушади. У маблағлар қонуний асосда, мақсадли равишда шаҳар кўчалари қурилиши ва таъмирига йўналтирилиши лозим. Бироқ айрим маҳаллий раҳбарлар бу маблағни автомобиль йўллари таъмирлаш учун эмас, балки ўз ҳудудида оқсаётган қайсидир соҳани ривожлантиришга йўналтиради. Ўйламанки, агар

«Йўл» фондини тикласак, давлатимиз раҳбари айтган «Ҳойдаланувчи тўлайди» тизимини соҳага тўлиқ татбиқ этиш билан бирга, бундай муаммоларни ҳам бартараф этамиз. Яъни тизимга йўналтирилаётган пулларни марказлашган ҳолда назорат қилиш, йўллар учун ажратилаётган маблағлардан мақсадли фойдаланиш имкони тугилади. Бир нарсани унутмайлик, биз бугун йўл соҳасида нимадир иш қилишимиз деярми, лекин аксарият ҳолларда йўлларни «ямаш» билан оворамиз. Агар муаммоларга ижобий ечим топишни истасак, масалага бўлган ёндашувни тубдан ўзгартиришимиз шарт. Ана шунда давлатимиз раҳбари таъкидлаган тизим тўлиқ ишлаш бошлайди. Фақат «ямаш» билангина иш битмаслигини, ҳеч бир соҳа сифатли автомобиль йўлларисиз ривожланмаслигини тушуниб етишимиз зарур. Акс ҳолда 100 йилдан кейин ҳам «Йўлларимиз нега сифатсиз?» деб юраверамиз.

## Малакали кадрларсиз муаммо ҳал бўлмайди

Аслида қандай соҳа бўлмасин, унинг ривожига илм-фанга қараганда эътибор муҳим ўринга эга. Айниқса, сифатли йўл қуриш тармоғида етук ва малакали кадрларга доим талаб юқори бўлган.

Бироқ тан олиш лозим, юртимизда охириги 15-20 йил давомида соҳа учун малакали кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор берилмади, илмий тадқиқот ишларига эса панжа орасидан қаралди. Натижанда автомобиль йўллари лойиҳалаш ва қуриш борасида ён қўшниларимиздан ҳам ортда қолиб кетдик. Шундай экан, маҳаллий кадрлар малакасини ошириш, уларнинг йўлсозлик соҳасида илғор мамлакатлар мутахассислари билан тажриба алмашишлари учун шароит яратиш, тизимга инновацион лойиҳаларни кенг татбиқ этиш, бунинг учун илмий соҳага етарли маблағ ажратиш зарур. Ана шунда тизимда олиб борилаётган ислохотлар натижадорлиги янада ортади.

Саъдулло ТУРСУНОВ  
«Mahalla»

17 йиллик танаффусдан сўнг Фарғона халқаро аэропортидан юкларни хорижий давлатларга тўғридан-тўғри жўнатиш имконияти қайта тикланди.



# МУАММОНИНГ ЕЧИМИ мутасаддилар масъулиятига боғлиқ

Оилада дастурхон тўқинлиги кўпинча хонадон аъзоларининг ҳаракатига боғлиқ. Айни пайтда маҳаллалардаги аҳоли ихтиёрида ўнлаб гектар сўғориладиган томорқалар мавжуд. Томорқалардан фойдаланиш борасида Самарқанд вилоятининг олис Нарпай, Пахтачи ва Жомбой туманларида амалга оширилаётган ишлар, йиғинларда аҳоли дуч келаётган муаммолар билан танишиш мақсадида шу ҳудудларда бўлдиқ.

## Ташландиқ майдон мутасаддилар эътиборидан четдами?

Вилоят марказидан қарийб 130 километр олисда жойлашган Пахтачи туманига қарашли «Ёбу» маҳалласи аҳолисининг 90 фоизи, асосан, иссиқхона фаолияти билан шуғулланади. Бу ерда етиштирилаётган помидору бодринглар Самарқанддан тортиб, Навоий, Бухоро, Хиваю Нукусдаги деҳқон бозорларида ҳам жуда харидорғир.

— Жорий йилнинг шу давригача томорқамиздаги 11 сотихли иссиқхонадан 120 миллион сўм даромад олдиқ, — дейди шу ерда яшовчи Умирбой Бекназаров. — Тайёр махсулотлар деярли ҳар ҳафта, пешма-пеш аҳоли дастурхонига етказиб берилляпти. Иссиқхонамиз жуда катта, бу ерда ҳаммага иш етарли. Шу боис оилада ҳеч ким бекорчи эмас.

Мазкур хонадондан чиқар эканмиз, «Самарқанд – Бухоро» автомагистралаги ёқасида жойлашган бошқа бир томорқадаги манзара эътиборимизни тортди. Аниқроғи, қарийб 10 сотих келадиған майдонни бегона ўтлар, қамишлар босиб ётибди. Атроф қаровсиз, ташландиқ ҳолда. Йиғин раиси Фозил Қутлиевнинг айтишича, бу ер кам таъминланган оилалардан бирига яқинда ажратилган, шу боис ишлов беришга улгурмаган. Шунингдек, раис оилага ҳомийлар томонидан иссиқхона ҳам қуриб берилганини айтиб ўтди.

Албатта, ҳомийларнинг бир камбағал оилага иссиқхона қуриб бергани яхши, аммо катта йўлнинг шундоққина ёқасидаги бу хунуқ манзара шу пайтгача Пахтачи тумани мутасаддиларининг эътиборини тортмагани қизиқ. Бу нима, эътиборсизликми ёки масъулиятсизлик?

## Маҳалланинг ўзи ёрдамга муҳтож бўлса...

Кўшни «Қувондиқ» маҳалласида бўлганимизда, қатор муаммолар кўзга ташланди. Жумладан, ўтган асрнинг ўрталарида бунёд этилган

маҳалла биноси неча марта таъмирланганига қарамай, азбаройи эскириб, зах тортиб кетганидан деворлари ва сувоқлари тўқила бошлаган.

— Бино жуда хароб аҳволда эди, таъмирлайвериш, шу ҳолатга келтирдик, — дейди йиғин раиси Бердилла Эгамбердиев. — Бу ҳақда масъуллар яхши билишади. Яқин орада янги бино қурилиши масаласи ҳал бўлиб қолса, ажаб эмас. Йиғиндаги асосий муаммолардан бири — ичимлик суви масаласидир. Одамлар тегишли мутасаддиларга бу ҳақда айттавериб азбаройи чарчаганидан сўнг, ҳар бир хонадон ўз дарвозаси олдиға бетон ҳовузчалар қуриб олди. Бу ҳовузлар вақти-вақти билан Дамхўжадан сув ташувчи автомобилналар ёрдамида тўлдирилади.

Б.Эгамбердиевнинг айтишича, «қурилаётган чора-тадбирлар натижасида» маҳалладаги мавжуд 42 та камбағал оиладан бугунга келиб 16 та қолган, холос. Уларга ҳомиёллар томонидан 2-3 мартадан турли ёрдамлар уюштирилмоқда. Раис мисол тариқасида маҳалладаги 101-хонадонда яшовчи бир оилани кўрсатди.

Айтилган манзилда тўхтадик. Ўзини таништиришни истамаган 70 ёшлардаги хонадон соҳиби, оиласига раис айтганидек, 2-3 марта эмас, бор-йўғи бир марта ҳомийлик ёрдами берилганини билдирди. Ҳаммаси бўлиб 4 киши истиқомат қиладиган хонадон ҳақиқатан ҳам, ёрдамга муҳтож аҳволда. Улардан нега маҳалладан ёрдам сўрамагани билан қизиқдик. Отаҳон эса: «Маҳалланинг биносини кўрдингизми, унинг ўзи ёрдамга муҳтож-ку, қандай қилиб бошқаларга ёрдам беради?», деди. Отаҳоннинг эътирозига маҳалла раиси жавоб қайтара олмади. Чунки у бу борада ҳақ гапни айтган эди.

## «Томорқаси бўлатуриб, камбағалман, дейиш ношудликдир»

Пахтачиға шундоқ «девор-дар-



миён» кўшни бўлган Нарпай туманида эса мутлақо бошқача манзаранинг гувоҳи бўлдиқ. Туманнинг «Оқ олтин» маҳалласида яшовчи Максуда Аҳмедова иссиқхонадан даромад қилиш борасида пахтачилик Умирбой акани ҳам ортда қолдирыпти.

— Ҳа, энди, баҳоли қудрат ҳаракат қиляпмиз, ҳозир ким ҳам бекор ўтирарди, — дейди камтарлик билан М.Аҳмедова. — Айниқса, иссиқхонада иш бир зум ҳам тўхтамайди. Қишнинг изгиришли кунларида одамлар иссиқ ўринда дам олаётганида, бизлар экин экиш, уларни парвариш қилиш, сўғориш, ўғит бериш билан банд бўламыз. Жорий йилда 5 сотих ерда бодринг парвариш қилиб, ундан қарийб 60 миллион сўм соф фойда олдиқ.

«Тортувли» йиғинида истиқомат қилувчи 75 ёшли Абдузойир бобо Хўжанов ҳам 5 сотих томорқадан шу пайтгача 25 миллион сўм даромад олди. Отаҳоннинг айтишича, у йилига томорқасидан 3 марта ҳосил олади. Ўтган йили шу майдондан олган умумий даромади 100 миллион сўмдан ошиб кетибди.

— Ердан фалон сўм фойда олди, дейиш осон, бунинг тагида қанча меҳнат қанча захмат ётибди, — дейди А.Хўжанов. — Фарзандларим, невараларим билан астойдил тиним билмасдан меҳнат қиламыз. Натижа ҳам шунга яраша-да, ука! Ерни алдамасанг, ер сени ҳеч қачон алдамайди. Тўрт мучаси соғлом, ҳовлисиди 10-20 сотих томорқаси бўла туриб, мен камбағалман, менга ёрдам беринглар, деб маҳаллага борган одамлар, менинг назаримда, энг дангаса, ишқмас ёки ношуд одамлардир.

## Кунлар исиди, аммо масъуллардан дарак йўқ...

Жомбой туманидаги «Халвойи», «Наймантепа», «Қангли» каби маҳаллалар аҳолисини эса неча йиллардан буён ички йўлларнинг яроқсизлиги масаласи қийнаб келади. Мурожаат қилинмаган жой, айтилмаган гап қолмади, ҳисоб. Бироқ натижа йўқ!

Маҳалла одамларининг айтишича, ҳар гал мурожаатлардан сўнг мутасаддилар йўлдаги чуқурчаларга шағал ётқизиб кетишади. Кунлар исиди билан асфальт ётқизилиши ҳақида айтилган ваъдалар эса ваъдалигича қилиб кетди.

— Мазкур маҳаллалардаги йўлларни капитал таъмирлашни яқинда туман кенгаши сессияси муҳокамасига қўймоқчимиз, — дейди халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Гулсара Искандарова. — Ўйланманки, бу масала тез орада ижобий ечим топади. Негаки, туманда яқинда иш бошланган янги ҳокимимиз иш фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ ҳудудларда айнан аҳолини қийнаб келаётган муаммолар ечими билан астойдил шуғуланмоқда.

\*\*\*

Хуллас, томорқалардан фойдаланиш, йиғинларда аҳоли дуч келаётган муаммолар борасида Самарқанд вилоятининг Нарпай, Пахтачи ва Жомбой туманларида қисқа вақт ичида бевосита кўрган ва кузатганларимиз ҳозирча шулар. Кўрганимиз, қайси ҳудудда раҳбарлар одамлар олдидаги масъулиятни тўлиқ ҳис қилган ҳолда иш олиб бораётган, аҳоли орасида меҳнатга ва ҳаётга янгича муносабат шаклланаётган бўлса, ўша жойда муаммолар бартараф этилиб, тараққиёт одимлари сезилляпти. Кўрганларимизга хулоса қилишни жойлардаги масъулларнинг ва сизнинг ҳукмингизга ҳавола қилдик, азиз маҳалладош!..

Ёрмат РУСТАМОВ  
«Mahalla»

Туроператорлар ва жойлаштириш воситаларига  
фоизсиз ссудалар ажратилади.

**П**андемия даврида карантин талаб ва қоидаларини белгилаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тадбиркор ва ишбилармонларга турли имтиёзлар тақдим этиш каби қатор амалий чоралар қўлланилмоқда. Албатта, буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг шу йўналишдаги фармон ва қарорларига мувофиқ амалга ошириляпти. Айтиш керакки, бугунга қадар пандемиянинг иқтисодиётга таъсирини юмшатишга қаратилган 16 та ҳужжат қабул қилинди.



мия даврида эълон қилинган ҳужжатлар тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларга ижтимоий-иқтисодий томондан кўмак бериш мақсадида ишлаб чиқилган. — **дея сўзида давом этади А.Ҳайитов.** — Уларнинг жойлардаги ижроси — пандемияга қарши энг яхши курашдир. Халқ вакилларининг ҳужжатлар ижросини назорат қилиши эса уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайди. Юзага келаётган муаммоларни жойида ҳал қилиш имконини беради.

# ҲУЖЖАТЛАР

## МОҲИЯТИНИ МУТАСАДДИЛАР ҚАЧОН ТЎЛИҚ АНГЛАБ ЕТАДИ?

**ҲУЖЖАТЛАР МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ ҚАНЧАЛИК АҲАМИЯТЛИ БЎЛМАСИН, ИЖРОСИ ЎЗ ВАҚТИДА ҲАМДА САМАРАЛИ ТАРЗДА ТАЪМИНЛАНМАС ЭКАН, УНИНГ МУҲИМЛИК ДАРАЖАСИ ҲАМ ЮҚОРИ БЎЛМАЙДИ**

Ҳўш, мутасаддилар, аҳолининг ҳар бир вакили бу ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини англаб етляптими? Уларнинг ижроси қай даражада? Айни соҳадаги муаммолар нималардан иборат?

### Қарорлар ижроси нега оқсамоқда?

Жорий йилнинг 26 май куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида пандемиянинг иқтисодиётга таъсирини юмшатишга қаратилган ислохотлар, бу йўлда жорий қилинган имтиёзларни аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига тўғри ва манзили етказишдаги ишлар кўнгилдагидек йўлга қўйилмагани танқид қилинди.

Маълумотларга кўра, карантин чораларини юмшатиш натижасида 19 мингдан зиёд (91 фоиз)

саноат, 9 мингта (76 фоиз) қурилиш, 51 мингта (52 фоиз) хизмат кўрсатиш, 45 мингта (44 фоиз) савдо корхоналарининг фаолияти тикланган, пировардида, май ойида солиқ ва божхона тушумлари ўтган ойнинг мос даврига нисбатан 230 миллиард сўмга, товар-хомашё биржасида қурилиш материаллари савдоси ҳажми 20 фоизга кўпайган.

Шундай бўлса-да, Президент фармон ва қарорлари айрим жойларда оқсамоқда, яратилаётган шароит ва имтиёзлар фуқароларга манзили етказилмаёттир. Қабул қилинаётган ҳужжатлар мазмуни ва моҳияти қанчалик аҳамиятли бўлмасин, ижроси ўз вақтида ҳамда самарали тарзда таъминланмас экан, унинг муҳимлик даражаси ҳам юқори бўлмайди.

Айтиш керакки, ҳужжатлар ижросининг оқсаётганини марказдан олисдаги туман ва шаҳар аҳолиси уларнинг мазмун-моҳиятини тўлақонли англаб етмаётгани, шунингдек, айрим мутасаддиларнинг ўзлари ҳам вазият ва масалани тўлақонли тушуниб етмай, уни ижро этишда ҳар хил ёндашувлардан фойдаланаётгани билан изохлаш мумкин.

Бу ўринда Олий Мажлис палаталари жойларда таъсирчан парламент назоратини йўлга қўйиши кутилган натижа бериши мумкин. Шунингдек, бундан буён туман, шаҳар, вилоят ҳокимлари, вазирлар ҳар ойда бир марта Президент ҳужжатлари ижроси бўйича брифинг ўтказиб, ҳисобот бериб бориши зарур.

### Парламент назорати қанчалик самара беради?

— Сўнгги икки ойда пандемиянинг аҳоли турмуш тарзи ва иқтисодиёт тармоқларига таъсирини юмшатиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга қаратилган ишлар бир сония бўлса-да, тўхтагани йўқ, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Актам Ҳайитов.** — Лекин бугун коронавирусни юқтириб олмаслик, ундан ҳимояланиш ҳақида узлуксиз тушунтириш, тарғибот ишлари амалга оширилаётганига қарамай, афсуски, кўча-кўйда тиббий ниқоб тақмаслик ҳолатлари учраб турибди. Бу эса касалликни аниқлаш, олдини олиш ва даволашга қаратилган барча ҳаракатларни йўққа чиқариши мумкин.

Тўғри, айни пайтда иқтисодиётни тиклаш мақсадида карантин чора-тадбирлари бирмунча юмшатилды. Аммо бу биз офатдан кутулдик, дегани эмас. Бозорлар, савдо комплекслари, банкларда ижтимоий масофага амал қилмаслик, бемалол ва хотиржам бўлиб, уйларда турли тадбирлар ўтказиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани, айниқса, ачинарлидир. Айни жиҳатдан келиб чиқиб, Олий Мажлис палаталари томонидан жойларда халқ депутатлари Кенгашлари билан бирга, пандемияга оид Президент ҳужжатлари ва топшириқлари ижроси юзасидан парламент ва кенгашларнинг таъсирчан назорати йўлга қўйилмоқда.

— Қайд этиш керакки, панде-

### Мутасаддиларнинг ўзлари ҳали ҳужжат моҳиятини англаб етмаёттир

Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва ҳудудий кенгаш депутатлари ўз сайлов округларида бўлиб, у ердаги вазият ва қонун ҳужжатлари ижросининг қанчалик шаффоф ташкил этилаётганини назорат қилмоқда. Жараённинг ўзидаёқ ижро ҳокимияти вакиллари, ҳудудлардаги мутахассисларга Президент фармон ва қарорларига зид ҳолатларни тузатиш бўйича депутатлик сўровлари юборилмоқда.

— Айтиш керакки, карантин пайтида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, ички бозорда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш энг асосий вазифалардандир, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Равшан Мамутов.** — Албатта, бу йўналишларда тегишли меъёрий ҳужжатлар тайёрланган. Эндиги вазифа — уларнинг ижросини таъминлашдир. Назорат жараёнида айрим ҳудудларда масъуларнинг суҳбатига йўл қўяётганини ҳам кузатяпмиз. Кўп ҳолларда бунинг асосий сабаби — мутасадди ходимларнинг ўзи ҳали ҳужжат моҳиятини англаб етмагани бўляпти. Айни жиҳатдан келиб чиқиб, уларга зарур кўрсатмалар бериляпти. Июнь ойи охирида Президент фармон-қарорлари ижроси бўйича бир ойлик ҳисоботи тақдим этилади. \* \* \*

Албатта, юқорида қайд этилган чора-тадбирлардан кўзланган мақсад битта — пандемияга қарши тура олиш, тадбиркорларнинг оёққа туриши учун кўмаклашиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини кўпайтириш орқали иқтисодиётни барқарорлаштиришга керак бўлса, ривожлантиришга эришишдир. Вазифалар ижросини таъминлашда эса, албатта, ҳар биримизнинг иштирокимиз муҳим аҳамият касб этади.

Санжар ЭШМУРОДОВ  
«Mahalla»

**Дарвоқе...**

**Карантин қоидасини Ибн Сино ихтиро қилганми?**

Туркиянинг TRT давлат телерадиокомпаниясининг қайд этишича, бугун дунёда коронавирუსга қарши курашишда буюк олим ва мутафаккир Ибн Сино ихтиро қилган усулдан фойдаланилмоқда. Яъни ҳозирда жаҳон миқёсида кенг қўлланилаётган эпидемияни чеклаш усули — карантин айнан Ибн Сино томонидан ўйлаб топилган ва илмий асослаб берилган.

Нукус шаҳрида автотранспортларда стикерсиз ҳаракатланишга руҳсат берилди.



**С**ир эмас, Тошкент шаҳри ва вилоятга прописка қилишдаги муайян чекловлар узок йиллар давомида мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларига зид равишда амал қилиб келди. Шу боис охириги йилларда ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилишга жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, 2020 йил 22 апрелда Тошкент шаҳри ва вилоятга доимий прописка қилишни соддалаштириш ҳақидаги Президент фармони имзоланди, 13 майда прописка тизимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

# ТОШКЕНТ ПРОПИСКАСИНИ ЭНДИ 1 КУНДА ОЛИШ МУМКИН

22 май куни эса Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хўш, улар нималардан иборат? Ўзгаришлар халқ фикри, хоҳиш-иродасини ўзида ифода этадими? Улар аҳолига қандай қўлайликлар яратаяди?

## Рўйхатдан ўтиш қандай амалга оширилади?

Ҳукумат қарорига кўра, прописка қилиш тартибига оид амалдаги Низом 2020 йил 1 сентябрга қалар амал қилади. Низомнинг 66- ва 67-бандлари мазкур қарор эълон қилинган кун, яъни 2020 йил 22 май санасидан ўз кучини йўқотди. Маълумот учун, мазкур бандларда Тошкент шаҳри ва вилоятда кўчмас мулк бўйича олди-сотди битимларини нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун шу ҳудудларда доимий пропискага эга бўлиш мажбурияти белгиланган.

Юқоридаги қарор билан «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятда доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисида Низом» тасдиқланди. Янги Низом 2020 йил 1 сентябрдан кучга киради. Шу санадан эътиборан, рўйхатга олиш ИИВнинг «Ман-

зил» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали «ягона дарча» тамоийли бўйича амалга оширилади.

Бунда фуқаролар янги яшаш жойига келган кундан эътиборан, **15 кун ичида** Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиналари (МваФРБ), Давлат хизматлари марказлари (ДХМ) ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали доимий ёки вақтинча рўйхатдан ўтиши шарт. Ҳозирги кунда мазкур муддат 10 кунни ташкил қилади.

## Барча фуқаролар доимий рўйхатдан ўтиши мумкинми?

Низомда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг Рўйхати (Рўйхати)да кўрсатилган фуқароларнинг барча тоифаларини доимий рўйхатга олиш тартиби батафсил баён этилган.

Жумладан, доимий рўйхатга олиш учун ариза берувчи МваФРБга мурожаат қилади ва белгиланган ҳужжатларни тақдим этади. Фуқаро

ҳақидаги маълумотлар автоматик тарзда тегишли маълумотлар базаларидан текширилади. Шундан сўнг мулкдор ва доимий рўйхатга олинаётган фуқаронинг паспорти ёки ID-картаси ҳарбий-ҳисоб ёки ҳарбий хизмат ҳужжатлари асосида тўлдириладиган электрон сўровнома шакллантирилади.

— Рўйхатга олиш ДХМ ёки ЯИДХП орқали амалга ошириладиган бўлса, МваФРБдан маълумотлар электрон тизим орқали олинади. — дейди **Давлат хизматлари агентлиги масъул ходими Севара Зокирова.**

— Бунда фақат Рўйхатнинг 1-, 6- ва 7-бандларига мансуб фуқаролар доимий рўйхатдан ўтиши мумкин (Рўйхатнинг 1-бандига қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган уй-жойга эга бўлган фуқаролар, 6-бандига Тошкент шаҳрида, 7-бандига Тошкент вилоятда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган фуқаролар киради).

Эътиборлиси, эндиликда мурожаат қилинган куннинг ўзида фуқаронинг паспортига аввалги доимий рўйхати бекор қилингани тўғрисида штамп босилади ва унинг хоҳишига кўра, доимий рўйхатга олингани ҳақида QR-код билан ҳимояланган қайд варағи тақдим этилади. Яъни **рўйхатга олишни расмийлаштириш учун 1 кун талаб этилади.** Ҳозирда бу муддат 3 кунни ташкил қилади.

## Вақтинчалик пропискани қанча муддатга тузиш мумкин?

Фуқаролар Тошкент шаҳри ва вилоятда яшаш жойи бўйича унинг доимий рўйхатини бекор қилмаган ҳолда, мулкдорнинг аризасида ёки ижара шартномасида кўрсатилган, бироқ бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга вақтинча рўйхатга олинади. Бунда ҳам фуқаролар ўзига қўлай манзилдаги МваФРБга ёки ДХМга мурожаат қилиши, ЯИДХП орқали ҳисобга туриши мумкин.

Доимий рўйхатга олишдаги сингари вақтинча рўйхатга ўтишда ҳам электрон сўровнома тўлдирилади. Ижара шартномаси бўйича рўйхатга олишда мулкдорнинг розилиги талаб этилмайди ва сўровнома ижарага олувчи томондан тўлдирилади. Текшириш натижасига кўра, QR-ко-

ди билан ҳимояланган қайд варағи расмийлаштирилади ҳамда ДХМга (ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда) ёки ариза берувчига ЯИДХП орқали электрон шаклда юборилади.

## Прописканинг очилиши вақтинчалик акциями?

Албатта, ҳужжатдаги ўзгаришлар йиллар давомида тошкентлик танишлари номига уй олиб, яшаб юрган ёки бўлмаса, пойтахтдан уй ололмай сарсон бўлган фуқаролар учун кенг имкониятлар тақдим этди. Шу боис айни кунларда Тошкент шаҳридаги барча нотариусларда иш қизғин. Бироқ барчанинг тилида бир гап: «Прописка яқинда яна ёпилармиш, очилгани маълум муддатлик акция экан». Хўш, ўзи нима гап?

— Алоҳида таъкидлаш керакки, фуқароларнинг бундай хавотирлари асоссиз, чекловлар ортга қайтмайди ва бу масалада шошилишнинг ҳожа-ти йўқ, — дейди **Адлия вазирлиги масъул ходими Севара Ўринбоева.**

— Биринчидан, Президент фармони билан 2020 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳри ва вилоятда кўчмас мулк сотиб олишда доимий прописка талаб қилинмайди. Бирламчи бозордан уй сотиб олганда тўланадиган 5 фоизлик ставка ҳам бекор бўлди. Қолаверса, кўчмас мулк олди-сотди шартномаларини расмийлаштириш учун фуқаролар айнан пойтахтдаги нотариусларга келишлари шарт эмас. Республиканинг исталган ҳудуддаги нотариусга мурожаат қилса бўлади.

Демак, прописка билан боғлиқ тарқатилган гап-сўзлар ҳеч қандай асосга эга эмас. Бу масалада фақат қабул қилинган қонун ҳужжатларига таяниб иш юритиш мақсадга мувофиқ.

\*\*\*

Хуллас, тегишли қонун, Президент фармони ва ҳукумат қарори билан Тошкентда мулк ҳуқуқининг чекланиши ёки прописканинг шахсларга мулк олишда оғирроқ шартлар белгила-нишига чек қўйилди. Энди бемалол исталган Ўзбекистон фуқароси пойтахтдан мулк сотиб олиши, сотиши, ҳада қилиши мумкин. Бунинг учун ортиқча тўлов ёки босқў қўшимча талаблар шарт эмас.

Санжар ИСМАТОВ  
«Mahalla»

**Прописка оид қандай талаблар бекор қилинади:**

**01** Бирламчи бозордан уй сотиб олганда тўланадиган 5 фоизлик давлат божи ставкаси.

**02** Доимий рўйхатга олишда аввалги яшаш жойидан рўйхатдан чиқиш тартиби.

**03** Паспорт, уй дафтари ёки хонадон карточасига рўйхатга олиш штампини босиш амалиёти.


**04** Мудофаа ишлари бўлиmlарига ҳарбий ҳисобдан чиқиш ва ҳарбий ҳисобга туриш учун бориш тартиби.

Президент қарори билан кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш масалалари тартибга солинади.



# МАЖБУРИЙ МЕХНАТ

## ростдан барҳам топганми?



Мамлакатимиз «мажбурий меҳнат» тушунчасидан халос бўлиб бораётгани ҳақиқат. Зеро, бугунги вазиятни бундан бир неча йил аввалги ҳолат билан солиштириб бўлмайди. Бюджет идоралари ходимлари, таълим муассасалари ўқувчиларининг оммавий равишда кўча тозалаш, пахта терими ва ҳоказоларга жалб қилингани, автобус колонналари гўёки «кўнгилли» теримчиларни далаларга элтиш саҳналари ҳали ёдимиздан кўтарилгани йўқ.

Меҳнатга мажбурлаш фермерликнинг турли шакллари, ободонлаштириш, пиллачилик, қурилиш, транспорт, томорқачилик, қўйинчи, иқтисодийётнинг деярли барча жабҳаларида кўзга ташланарди. 2010 йиллардан, ҳатто, хусусий сектор ходимлари, тадбиркорлар ҳам турли усуллар билан мажбурий меҳнатга жалб қилина бошланди.

Шукрки, кейинги пайтларда бу илатдан деярли кутулиб бўлди. Аммо, деярли... Айрим ҳолларда маҳаллий раҳбарлар томонидан ўқитувчилар, тиббиёт ходимларининг ободонлаштириш ва бошқа ишларга жалб қилинаётгани тўғрисида хабарларга дуч келиб турибмиз. Бундан ташқари, жорий пахта терими мавсумининг бошланишига ҳам икки ойдан ортиқроқ фурсат қолди, холос. Жорий йил бутун дунёда бўлгани сингари мамлакатимиз учун ҳам оғир келгани рост. Хорижда юрган 3 миллиондан ортиқ меҳнат мухожирларининг аксарияти юртимизга қайтиши кутуляпти. Бу сафар улар кўйни-кўнжи тўлиқ, қишдан чиқиб олиш учун чўнтаги тўла пул билан келишмайди. Қандай бўлса ҳам, уларни ўзимизда муносиб меҳнат билан таъминлашимиз шарт. Арзирли нарх белгиланса, шу пайтгача мажбурий бўлиб келган пахта терими жараёни аҳолини вақтинчалик бўлса-да иш билан таъминлашда муҳим омили сифатида хизмат қилиши мумкин.

Бу ҳақда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ўринбосари Эркинжон Муҳиддиновнинг фикрлари билан кизикдик.

### Текстиль саноати мухожирларни иш билан таъминлай оладими?

— Дарҳақиқат, май ойи охирида мамлакатимиз меҳнат бозори ишсизлар сонининг ортиши туфайли катта босимга дуч келди, — дейди Э.Муҳиддинов. — Деярли 400 мингдан ортиқ корхона-ташкilotлар вақтинча фаолиятини тўхтатди ёки ишчилар сонини қисқартирди. 150 минг нафардан ортиқ меҳнаткашлар вақтинча ишсизга айланди. Доимий даромадга эга бўлмаган 500 минг нафарга яқин меҳнат мигрантлари юртимизга қайтди. Бундай ҳолатда янги иш ўринларини яратиш масаласи мамлакатимиз учун ўта долзарб ҳисобланади. Таъкидланганидек, пахта, текстиль саноатини ривожлантириш муаммонинг ечими бўлиши мумкин. Муносиб ҳақ эвазига пахта теримида кўнгилли равишда иштирок этадиганлар сонининг ҳам ортишига олиб келиши эҳтимоли йўқ эмас. Шу маънода ҳозирда текстиль саноатини кескин ривожлантириш борасида ишлар амалга оширилмоқда.

### Мажбурий меҳнат ҳамон бор!

Терим пайтида мажбурий меҳнатдан фойдаланиш, мамлакатимиз пахта ва текстиль саноати учун зарарли таъсир кўрсатиш билан бирга, мамлакат имижига ҳам фойда келтирмаслиги тайин. Шу билан бирга, пахта саноати аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим тутишини ҳам унутмаслик керак. Соҳада юз минглаб инсонлар фаолият олиб боради.

Шу маънода ҳукуматимиз соҳада мажбурий меҳнатни буткул тугатиш борасида катта ишларни олиб бормоқда. Ўтган йиллар мобайнида болалар меҳнатига тўлиқ чек қўйилди. Катталар орасида тизимли равишда кенг миқёсда ташкил этиладиган пахта теримига мажбурлаш ҳолатлари ҳам тугатилди. Ҳисоботларга кўра, 2015 йилда теримга мажбуран жалб қилинганлар сони 448 минг нафар кишини ташкил қилган бўлса, 2019 йилда бу рақам 102 минг нафаргача қисқарган. Ўқитувчи, тиббиёт ходимлари, талабалар теримга яқинлаштирилмади. Бироқ соҳада амалга оширилиши керак бўлган ишлар ҳали талайгина. Масалан, 2019 йилда қўлда терилган пахтанинг ҳар килоси учун ҳақ 900 сўмдан 1200 сўмгачани ташкил қилди. Бу 2015 йилга нисбатан 4

Жорий йил бутун дунёда бўлгани сингари мамлакатимиз учун ҳам оғир келгани рост. Хорижда юрган 3 миллиондан ортиқ меҳнат мухожирларининг аксарияти юртимизга қайтиши кутуляпти. Бу сафар улар кўйни-кўнжи тўлиқ, қишдан чиқиб олиш учун чўнтаги тўла пул билан келишмайди.

баробар ошганидан дарак берса-да, бу орадаги пул инфляцияси ва нарх-навонинг ўсишини ҳам ҳисобга олиш лозим.

### Қандай чоралар кўрилмоқда?

Мажбурий меҳнатни буткул йўқотиш бўйича зарур чоралар кўриляпти. Бунга жорий йил бошида Жиноят кодексига меҳнатга мажбурлаш учун жиноий жавобгарлик белгилаш тўғрисида банд киритилгани ҳам яққол мисол бўла олади. Қўшимча равишда ўтган йили бундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жарима миқдори 50 баробар оширилгани ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Ўтган йилнинг ўзида Давлат меҳнат инспекцияси томонидан 259 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик қўлланилди. Булар орасида 18 нафар туман ва шаҳар ҳокимлари ҳам бор. Икки нафар ҳоким, худудлардаги етти нафар бошқа мансабдор шахслар айнан мажбурий меҳнат учун ишдан бўшатилди. Бу ҳаракатлар ҳукуматимиз масалага жиддий эътибор бераётганидан дарак.

### Кластерлар бой бўлса, мажбурлаш йўқоладими?

Шунингдек, аграр секторда ислохотлар олиб борилмоқда. Кластер тизмини ривожлантирил-япти. Бунда кластерлар моддий аҳволининг яхшиланиши оқибатида ишлаб чиқариш ва теримни механизациялаштириш имкони туғилишига ишонч билдириляпти. Пахта етиштиришга давлат буюртмасининг бекор қилиниши, нархларнинг либераллаштирилиши тўғрисидаги Президент фармон ва қарорларида ҳам соҳада

мажбурий меҳнатнинг олдини олишга хизмат қилиши тайин. Бунда пахта заводларининг хома-ше учун ўзаро рақобатга киришиши назарда тутилган.

### Чет элликлар қандай фикрда?

Шу ўринда, текстиль маҳсулотларимизнинг жаҳон бозорларига чиқишида муаммоларга дуч келаётгани, бунинг оқибатида пахтачиликни ривожлантириш, соҳада янги иш ўринларини яратишда қийинчиликлар бўлаётганига, асосан, йирик хорижий компаниялар томонидан мажбурий меҳнат баҳонасида маҳсулотларимизга қўйилган чекловлар саналиши ҳеч ким учун сир эмас. Кейинги йилларда амалга оширилган ишлар натижасида чекловлар ечилиб бормоқда. Жорий йил май ойи охирида ўтказилган мавзуга доир халқаро масофавий вебинарда ҳам Ўзбекистоннинг бу борадаги ютуқлари санаб ўтилганди. Вебинарда тарихда биринчи марта Америка Қўшма Штатлари Меҳнат вазири ҳамда Ўзбекистон Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, Халқаро меҳнат ташкилоти, Американинг етакчи бизнес ассоциациялари, жамоат ташкилотлари вакиллари телекўприк орқали масалани ҳамкорликда муҳокама қилди. Эътиборлиси, масофавий йиғилишда Америка кийим-кечак ва оёқ кийим ишлаб чиқарувчилари ассоциацияси раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Йиғилишда Халқаро меҳнат ташкилоти вакили Йўнс Аструп Ўзбекистон шиддатли қадамлар билан собиқ тузумдан ёдгор қолган марказлашган қишлоқ хўжалиги тизимини ислох қилаётганини эътироф этди. Мамлакатда мажбурий меҳнатни батамом йўқ қилиш учун жиддий ва самарали ишлар амалга ошириляётганини таъкидлади.

Нима бўлганда ҳам, мамлакатимизда ишсизлар сонининг кескин кўплигини ҳисобга олсак, мажбурий меҳнат мантиқсиз ҳодиса эканини таъкидлаш мумкин. Бунга фақат ва фақат мавжуд айрим иш ўринлари, пахта терими, пиллачилик каби мавсумий ишлар учун тўланаётган ҳақнинг етарли эмаслиги сабаб. Меҳнатга муносиб ҳақ тўланса, «мажбурий» деган тушунча ўз-ўзидан йўқолади.

Улуғбек ИБОДИНОВ  
«Mahalla»

Музейларда «очиқ эшиклар куни», ҳудудларда қўғирчоқ театрлари ташкил этилади.

## Халқаро рейтингларда

## Янги Ўзбекистон:

НИМАНИ  
ЮТДИГУ

## НИМАЛАРНИ БОЙ БЕРДИК?



**«ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖЛИК, ШУНИНГДЕК, СИЁСИЙ ВАЖ БИЛАН МАМЛАКАТГА КИРИТИЛМАЙ КЕЛГАН ЖУРНАЛИСТЛАРГА ЎЗ ЭШИКЛАРИНИ ҚАЙТА ОЧДИ. АММО БАЪЗИ ХОРИЖИЙ ЖУРНАЛИСТЛАР ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ АККРЕДИТАЦИЯ ОЛИШИ ОСОН БЎЛГАНИ ЙЎҚ. СИЁСИЙ ПЛЮРАЛИЗМ ВА АДОЛАТНИ ТАЪМИНЛАМАЙ ТУРИБ, МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИНИ ТЎЛИҚ ТИКЛАШ ҚИЙИН БЎЛАДИ. ЎЗБЕКИСТОН ҲАЛИ УЗОҚ ЙЎЛНИ БОСИБ ЎТИШИ ЛОЗИМ»**

**Д**унё бўйича ҳар йили турли йўналишлар бўйича давлатлар рейтингги эълон қилинади. Бу, табиийки, мамлакатнинг ташқи имижини шакллантиришда ҳам муҳим фактор ҳисобланади. Рўйхатлар кетма-кетлиги қандай мезонлар асосида тузилади? Даража табиий бойликларнинг қанча эканига қараб белгиланар балки? Ёки бу географик жойлашувга ҳам боғлиқдир?

Бизнингча, ҳаммасидан муҳим омил бу — шу давлат фуқароларининг ундан розилиги, турмуши фаровонлиги, тўқис ҳаёти таъминланганлигидир. Бу омиллар эса истаимизми, йўқми бевосита барча соҳаларга дахлдор.

Ҳўш, янги Ўзбекистон нуфузли ташкилотлар томонидан эълон қилинаётган рўйхатларда қайси ўринларни банд қилмоқда? Уларда нималарни ютапмизу нималарни бой беряпмиз?

— Юртимизда янги тарихий саҳифа очилиши баробарида туб ислохотлар, йирик ўзгаришлар даври бошланди. — дейди «Тараққиёт стратегияси» маркази бўлим бошлиғи Нилуфар Нодирхонова. — Буни халқаро экспертлар, дипломатик доира вакиллари, нуфузли ташкилотлар ҳам эътироф этяпти. Шунга мос равишда унинг рейтинглардаги ўрни ҳам ортиб бораётди. Аслида бундай халқаро рейтинглар ва индексларни шартли равишда учта турга бўлиб таснифлаш мумкин: иқтисодий, суд-ҳуқуқ ва ижтимоий-сиёсий. Қуйида биз суд, ҳуқуқ масалаларига оид қонун устуворлиги ва коррупция бўйича рейтинглардаги охириги уч йил динамикасига эътибор қаратамиз.

**Бизда қонун устуворми?**

**Қонун устуворлиги индекси** (The Rule of Law Index) 2010 йилдан буён The World Justice Project халқаро ноҳукумат ташкилоти услубияти бўйича мунтазам (бир

неча йилда бир марта) тузилади. Индекс жамланган кўрсаткич бўлиб, эксперт манбалари ва жамоатчилик фикри асосида шакллантирилади. Бунда жами 8 та назорат кўрсаткичи: ҳокимият институтлари ваколатларини чеклаш, коррупциянинг йўқлиги, тартиб ва ҳавфсизлик, асосий ҳуқуқлар ҳимояси, ҳокимият институтларининг шаффофлиги, қонунларга риоя этиш, фуқаролик ва жиноят соҳасидаги одил судлов баҳоланади.

Ушбу халқаро рейтингда Ўзбекистон 2020 йил натижаларига кўра, мамлакатимиз 128 давлат орасида 92-ўринни қайд этди. Шунинг таъкидлаш жоизки, тартиб ва ҳавфсизлик кўрсаткичи бўйича юртимиз энг яхши натижани қайд этиб Канада, БАА, Венгрия қаторида 9-ўринни банд қилган.

**Коррупция рейтингидан нечанчимиз?**

**Коррупцияга муносабат индекси** (The Corruption Perceptions Index) 1996 йилдан буён Transparency International халқаро ноҳукумат ташкилоти услубияти бўйича ҳар йили тузилади. У умумфойдаланиладиган статистик маълумотлар ва глобал сўров натижалари комбинациясидан иборат. Текширилаётган мамлакатлар давлат секторидаги коррупция даражасига муносабати асосида 0 дан (энг юқори коррупция даража-

си) 100 гача (энг қуйи коррупция даражаси) оралиқда сараланади. 2019 йил натижаларига кўра, кўрсаткичлар бирмунча яхшиланиб, 180 мамлакат қатнашган рейтингда 153-ўрин билан кифояландик.

**«Қора рўйхат»даги халқаро сайтлар нега рўйхатдан чиқарилди?**

— «Чегарасиз репортёрлар»

(Reporters without borders) халқаро ноҳукумат ташкилоти ҳар йили Матбуот эркинлиги индекси бўйича жаҳон давлатларининг рейтингини эълон қилиб келади. — дейди «Тараққиёт стратегияси» марказининг Жамоатчилик билан ишлаш бўйича координатори Абдулла Буврабаев. — Рейтинг «Маҳаллий журналистларнинг

Index of economic freedom -  
**2020** халқаро рейтинг ҳисоботида Ўзбекистон мамлакатдаги инвестиция эркинлиги, молиявий эркинлиги ва мулк ҳуқуқини таъминлагани учун **26** ўринга юқорилагани айтилган.

эркинлик даражаси»га кўра, 180 та давлатни саралаб чиқади. У турли давлатлардаги журналистлар, юристлар ва социологларнинг махсус сўровномага берган жавоблари асосида тузилади. Сўровнома қонунчилик, ўзини ўзи цензура қилиш, медианинг эркинлиги, фикрлар хилма-хиллиги, турли институт ва идораларнинг журналистлар билан ишлашга тайёрлиги каби жиҳатларни қамраб олади.

Мазкур рейтингда Ўзбекистон сўнгги йилларда сезиларли даражада ўсишга эришди. 2020 йилга келиб, «Чегарасиз репортёрлар» юртимизда сўз эркинлигини

ижобий баҳолади ва энг яхши натижа қайд этилди.

Бироқ хануз таҳлилчилар давлатимизни матбуот эркинлиги бўйича «вазият мураккаб» мамлакатлар сирасида, деб билади.

Хусусан, «Ўзбекистон хорижлик, шунингдек, сиёсий ваҳ билан мамлакатга киритилмай келган журналистларга ўз эшикларини қайта очди, аммо баъзи хорижий журналистлар ва оммавий ахборот воситаларининг аккредитация олиши осон бўлгани йўқ. Сиёсий плюрализм ва адолатни таъминламай туриб, матбуот эркинлигини тўлиқ тиклаш қийин бўлади. Ўзбекистон ҳали узоқ йўлни босиб ўтиши лозим», дея таъкидланган ташкилот ҳисоботида.

**Ўзбекистон ТОП-10 талиқда**

Бизнес юритиш рейтингини (Doing Business) ҳисоботида кўра, Ўзбекистон тадбиркорлик муҳитини яхшилашда катта ютуққа эришган давлатларнинг кучли 20 талиғига кирди. Очигини айтиш керак, сўнгги йилларда ишбилармонларга ҳар қачонгидан кўпроқ имконият ва имтиёзлар тақдим этилаётди. Бу амалда тадбиркорлик муҳитининг яхшиланиши, пировардида тадбиркорлик субъектлари сафи кенгайишига хизмат қилмоқда. Бизнесни рўйхатдан ўтказиш индикатори бўйича эса ТОП-10 талиқда.

Халқаро рейтинглардаги яхши натижалар мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширади. Соҳаларга фаол инвестицияларнинг кириб келиши эса шубҳасиз мамлакат тараққиётига хизмат қилади.

Аслида рейтингларда нечанчи ўринда эканимиз оддий аҳоли учун кизиқ эмас. Муҳими, халқаро ҳамжамият эътироф этаётган ислохотлар амалда тўлақонли ўзини намоеън этишидир. Ахир, қилинаётган ишлар ўзгалар кўзи учун эмас, аввало, фуқароларимизнинг турмуш тарзини яхшилашга қаратилган.

Саҳифани «Mahalla» мухбири Садоқат МАХСУМОВА тайёрлади.

Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши ташкил этилди.

# Исломнинг АСЛ МАҚСАДИ қон тўкиш, зулм кўрсатиш эмас, балки МАЪРИФАТ УЛАШИШДИР



Гиждвон туманидаги Абдулла Қаҳҳор номли маҳаллада яшовчи Шаҳром (исми ўзгартрилди) тинчгина бозорда маиший техника тузатиш устахонасини юритиб турарди. Илгари отасидан, бобосидан ўрганган уч-тўртта сура асосида кунда бир-икки вақт намоз ўқиб турган йигитга бозордаги танишларининг дин ҳақида кечган суҳбатлари ҳикматдек кўрина бошланди.

Аввалига дўкондорларнинг бир-бир олдига кириб, бир пиёла чой устида ўтказган гурунглари кейинчалик ҳафтада бир мартаба алоҳида тўлганладиган йиғинларга айланди. Ўшанда ҳам Шаҳром бу йиғилишларда қўтарилган мавзулар моҳиятини тўлиқ англаёлган эмас. Шунчаки ўқилган бир-икки Қуръон сураси оҳангига, суҳбатдошларининг чиройли ваъз оҳангига маҳлиё бўларди, холос.

Бундай давраларда нодонроқ кишининг ҳам бўлгани маъқулда. Шундан фойдаланган даврандошлари баъзан унга аллақандай китоб ёки флешкани бирор қавмдошига етказишни илтимос қилар, давранда ҳаммани оғзига қаратган, «дин илми соҳибининг ўзига илтимос қилишидан фахрланган Шаҳром дарров ижрога киришарди...

Ушбу даврани тумандаги жиҳодчилар жамоати эканини кейинчалик тергов жараёнларида эшитди. Аммо шунда ҳам у на «жиҳод», на «жамоат» тушунчаларини тузукроқ англай олмади.

Начора, айби бўйнида, хоҳ тушуниб, хоҳ тушунмай қилганидан қатъи назар жазосини тортиши керак.

– «У ёқда» ўтказган беш йилининг ҳар бир сонияси қилмишларимни таҳлил қилиш, ундан керакли хулоса чиқаришга муносиб имкон бўлди, – дейди Шаҳром. – Жамоат йиғинларида мамлакатда дин эркинлигининг йўқлиги, намоз ўқийдиган кишилар таъқибдалиги кўп таъкидланарди. Аммо ўзим намоз ўқиган кезларим менга биров шубҳа билан қараганини сезмаган-

ман. Шундан ҳам хулоса қилмаган эканман. Умуман, мендан «югурдак» сифатида фойдаланишганини кейинчалик англадим. Ўша вақтда гумроҳлигим шу даражада эдики, биров белимга граната боғлаб, «бор портлатиб кел», деса ҳам ҳеч қандай тап тортмай бажаришим мумкин экан. Кейин эса ким ҳақиқий дўст-душманлигини билдим. Шунча қилган хиёнатимга қарамай, мен йўқ чоғимда шу давлат, маҳалла ахли оиламга қарашиб турди. Бир неча бор оиламдагиларнинг мени кўришга боришлари учун туман ҳокимлиги керакли маблағ топиб, шароит қилиб берибди. Муддатидан олдин қайтиб келганимда ҳам аввалига туман, кейин вилоят ҳокими мени қабул қилиб, ҳол-аҳвол сўради. Муаммоларим билан кизикди. Ишмни давом эттиришим учун маҳалладаги устахонамни, яхши шароитда ялашим учун уйимизни таъмирлаб беришди. Ҳозир ҳам биров ибодатимизни чеклаган эмас. Маҳалламиз масжиди имоми ўзи келиб, биз билан имону диниёт хусусида суҳбатлашиб, дин бўйича саволларимизга жавоб бермоқда...

Бухоро туманида яшовчи Отабек Ҳакимов ҳам январь ойида қилмишига пушаймонлиги туфайли Президентимиз афви асосида муддатидан олдин озод этилиб уйига қайтди. Фуқаронинг жамиятга мослашувини таъминлаш мақсадида у билан тегишли тартибда суҳбатлар олиб борилиб, муаммолари ўрганилди ҳамда ечими борасида амалий ишлар қилинди. Хусусан, фуқаронинг уйи таъмирланиб, томорқасида имтиёзли кредит эвазига иссиқхона ташкил этилди.

## Рақамлар нима дейди?

Айтиш жонзки, жорий йилда Бухоро вилоятида ёт гоёлар таъсирига тушиб қолган фуқароларнинг 4 нафари Президент афви асосида, етти нафари эса белгиланган жазо муддатларини ўтаган ҳолда ўз яшаш манзилларига қайтиб келишди.

Айни пайтда уларнинг жамият ҳаётига мослашишларига кўмаклашиш, бандлигини таъминлаш, зарур ижтимоий-маърифий маслаҳатлар бериб бориш мақсадида тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида ўтган даврда фуқароларнинг бандлик йўналишида 6 та, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш масаласида 3 та, уй-жой масаласида 2 та, соғлигини тиклаш масаласида 4 та муаммолари ижобий ҳал этилди. Пандемия шароитида қийналиб қолган 83 нафар оилага моддий ёрдамлар кўрсатилди.

– Адашиш оқибатида турли ёт гоёлар таъсирига тушиб қолган, айни пайтда қилмишидан пушаймон бўлган ватандошларимиз билан чин ислон маърифати, унинг мазмун-моҳияти хусусида маънавий суҳбатлар ҳам олиб боряпмиз, – дейди Бухоро вилояти бош имом-хатиби Жобир Элов. – Бундай суҳбатлар натижасида фуқароларимизнинг ўзлари илгари ишонган, диний-экстремистик кучлар шиор қилиб олган гоёлар пуч эканига иқдор бўлиб, Имом Бухорий, Имом Мотуридий сингари зотлар тамал тошини қўйган чин ислон маърифати эргашинини мақбул деб билмоқдалар.

## Ёрдам боқимандалик манбаи бўлмаслиги керак

2019 йилда ижтимоий-маънавий кўмакка муҳтож фуқароларнинг уй-жой, тиббий хизмат, маиший техникалар хариди, тадбиркорликка жалб этиш ва бошқа эҳтиёжлари учун 1 миллиарддан зиёд маблағ сарфланди. 2020 йилнинг дастлабки чорағида эса бу маблағ 20 миллион сўмга яқинни ташкил этади.

Албатта, жамиятнинг ушбу эътиборини тўғри қабул қилиб, тегишли хулосалар чиқараётган ватандошларимиз талайгина. Аммо шу баробарида баъзи моддий жиҳатдан тўқис фуқароларнинг

Бейб Парвардигор, дейишади. Хато қилиш, адашиш инсонга хос. Аммо баъзан эътиборсизлик орқали қилинган биргина хато, ташланган битта нотўғри қадам кейинчалик инсон ҳаётини бутунлай ўзга ўзанга буриб юбориши ҳеч гап эмас.

ҳам эҳтиёжи бўлмаса-да давлат идоралари эшити олдига мунтазам ёрдам сўраб келишлари, кези келганда ўзларининг шу тоифага мансублигини пеш қилишлари кишида таажуб уйғотади.

Аслида ҳар бир киши ўз ҳолатини сарҳисоб қилиб, ўзини атрофдагилар билан муқояса қилган ҳолда кўмак сўраши лозиммасми?!

## Ислон мақсади маърифатдир

Президентимиз жорий йилнинг 27 апрель куни Бухоро вилоятига ташрифлари чоғида Бухоро азалдан маърифат ва диний илмлар маскани эканлиги, бу ерда асрлар давомида ўзига хос диний-маърифий муҳит шаклланиши, шу боис мазкур муҳит ва тажрибадан фойдаланган ҳолда адашганларнинг тўғри йўлга солдучи ўзига хос Бухоро мактабини шакллантириш лозимлиги борасида тегишли тавсияларни берган эдилар.

– Давлатимиз раҳбарининг ушбу тавсиялари адашганлар билан ишлашда бизга янги ва самарали йўналишни белгилаб берди, – дейди Жобир Элов. – Тан олиши керак, фуқароларнинг диний экстремистик шаклдаги ёт гоёлар таъсирига берилишида кўп ҳолларда биз дин қилларининг ҳам маълум маънода «хиссаси» бор эди. Негаки, ўша фуқароларнинг дин мавзусида берган саволларига ўз вақтида берилмаган жавоблар ёки берилган жавобнинг қониқтирмаганлиги уларнинг бошқа манбалардан жавоб излашларига олиб келган. Агар имом ўз соҳасини мукамал эгаллаган бўлса, қавмига шу билимини содда ва таъсирчан усулда етказа олса, қавм вақили бошқа жойга бормайди. Шу боис эндиликда биз имомларимиз учун бир йилда бир мартаба тасаввуф, фикҳ, ақоид ва бошқа дарслардан малака ошириш курсларини ташкил этдик. Эндиликда Президентимиз тавсияларидан келиб чиқиб, имом Мотуридий таълимоти, хожалар-Нақшбандия тариқати ва бошқа асл манбалар асосида чинакам ислон маърифатидан сабоқ берувчи дарсларни жорий этиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқдик.

Дарҳақиқат, ислоннинг асл мақсади қон тўкиш, зулм кўрсатиш эмас, балки маърифат улашишдир.

Акбар РУСТАМОВ  
«Mahalla»



Айрим транспорт воситаларини олиб кириш учун акциз солиғи ставкалари бекор қилинади.

15 минг АҚШ доллари. Шунча пулга нима сотиб олиш мумкин? Машина ёки уй ёхуд ҳовли-жой... Балки хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш мумкиндир. Лекин бунча пулга бола сотиб олиш мумкинми?..

# 13 ЁШЛИ БОЛА 15 000 \$, 3 ойлик чақалоқнинг нархи 2 хонали уйми?

Минг афсус, орамызда ўз фарзандига нарх қўйиб пулламоқчи бўлган одамфурушлар бор экан. Халқимиз бундай тубанликка, ҳатто, қаҳатчилик, очарчилик замонларида ҳам йўл қўймаганди. Аксинча, Иккинчи жаҳон уруши йиллари миллионлаб етим болаларни ўз бағрига олиб, бир бурда нонини ҳам баҳам кўришган.

Не бўлдики, бугунги тўқчилик замонида оналар (агар уларни шундай аташ мумкин бўлса) ўз фарзандларини пулламоқчи?! Сабабини суриштирсангиз, оддий баҳоналар: оилавий келишмовчиликлар, эр-хотин ажрашишлари, иқтисодий аҳоли ночорлиги, энг ёмони, уйли бўлиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани «Шодлик» маҳалласида вақтинча ижарада туриб яшаб келаётган Қундуз (исми-шарифи шартли) исмли аёл вояга етмаган 13 ёшли ўғлини 15 минг АҚШ долларига сотмоқчи бўлди. Бироқ яхшиларнинг саъй-ҳаракати билан бир инсоннинг одам савдоси қурбони бўлишининг олди олинди. Йўқса, вояга етмаган бу боланинг бошига яна қандай кунлар тушарди?!

– 43 ёшли М.П. Беруний тумани ИИБга ариза билан муурожаат қилиб, Тўрткўл туманида яшовчи Қундуз исмли аёл ноқонуний равишда ўз фарзандини сотмоқчи бўлиб юрганини баён қилган, – дейди Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Тергов департаменти масъул ходими Адҳамжон Абдуллаев. – Ушбу аризага асосан, шу куни соат 21:00 да Беруний тумани ИИБ ходимлари томонидан тезкор тадбир ўтказилди. Тадбир давомида Тўрткўл туманида жойлашган намунали уйда ижарада яшаб келаётган 38 ёшли Қундуз К. вояга етмаган иккинчи фарзанди, 13 ёшли Д.О.ни фуқаро С.Э.га 15000 АҚШ доллари эвазига сотаётган вақтида ушланди. Воқеа содир бўлган жойдан кимёвий ишлов берилган 400 АҚШ доллари ҳамда қолган 14600 АҚШ доллари миқдоридagi пуллар аниқланиб, ашёвий далил тариқасида ўрнатилган тартибда олинган. Қундуз К.га нисбатан Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми «а» банди (одам савдоси) билан жи-

ноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Хўш, Қундузнинг бундай қабиҳ ишга қўл уришига сабаб нимада? Дастлабки суриштиришларимиздан маълум бўлдики, бу аёл Тўрткўл туманидаги «Туркистон» маҳалласида доимий рўйхатда туради. Икки фарзанд билан турмушдан ажрашгач, қизли уйига, яъни, «Туркистон» маҳалласидаги ота-онасининг уйига қайтиб келади. Маҳалла раиси Рустам Муратовнинг таъкидлашича, бу ерда ҳам онаси ва ака-укалари билан келишмай, уйдан чиқиб кетади. 8 йилдан буюн ижарама-ижара яшаб келган Қундуз, маълум муддат Россияда ҳам ишлаган.

– Бу аёлни қизлигидан яхши танийман. Унинг бу ҳолатга тушишига ўзбошимчилиги сабаб бўлди, – дейди «Туркистон» маҳалла фуқаролар йиғинининг оила, хотин-қизлар йиғимойи-маънавий масалалалари бўйича раис ўринбосари Гулсара Бабаниязова. – У иккинчи турмушдан ажрашиб қайтгач, қизли уйда яшай бошлади. Онаси ва ака-укалари билан ҳам келишолмагач, 2018-2019 йилларда маҳалламизда ижарада яшади. Шу боис 2019 йил баҳор ойларида уни ҳам уй билан таъминлаш мақсадида зарур ҳужжатларни йиғиш учун онасининг уйига борганимизда икки фарзандини акасиникига ташлаб, Россияга ишга кетганини айтди. Унга бир неча маротаба мавсумий иш ўринларини таклиф этганимиз, лекин ишлашни истамаган. Яқинда Россиядан қайтганини эшитиб, телефон орқали яна боғландим. У барчаси яхши эканини, уй ҳам олганини айтганди. Афсуски, кейин билсак, қўшни «Шодлик» маҳалласида ижарада турган экан. Бу ерда биз, маҳалла фаолларининг ҳам айби бор. Бироқ қарс икки қўлдан деганларидек, биздан ҳаракат бўлсаю, унда хоҳиш-истак, интилиш бўлмаса, натижа ҳам бўлмайди-да.

Қундуз ҳамон уйсиз, фарзандлар тарбияси ҳам жиддийлигича қолмоқда. Шу боис мутасаддилардан бу борада зарур чоралар кўришни кутиб қоламиз.

## Уч ойлик чақалоқнинг баҳоси 2 хонали уйми?

Бу хабарни эшитган одамнинг юраги ларзага келади. Нахотки, одамлар шу даражага боришган бўлса-я, деган ўй ҳам ўтади хаёлдан.

Афсуски, охириги пайтларда бундай хабарларни тез-тез эшитадиган, эшитганда ҳам сесканмайдиган, ажабланмайдиган, одатдаги ҳолдек қабул қилишга ўрганиб боряпмиз. Бонг уриб муҳокама қилмай қўйдик, жамоатчилик назорати ҳам сезилмай боряпти. Бу кетишда одам савдоси, бола савдосини оддий ҳуқуқбузарлик тарзида қабул қилиб қолмаймизми? Ёки бу тубанлик билан фақат ҳуқуқ-тартибот идоралари шуғуланишадими? Аслида бу иллат болажон халқимиз учун жуда катта салбий ҳолатдир.

Яқинда навоийлик бир аёл уч ойлик чақалоғини Навоий шаҳридан 25 минг АҚШ долларига тенг икки хонали хонадонга алмаштириш вақтида ушланди.

– Жиноятчилардан бу тубанликка нима учун қўл урганини сўрасангиз арзимас баҳоналарни келтириб, ижтимоий муаммоларини рўқча қилишади, – дейди Адҳамжон Абдуллаев. – 3.У ҳам уй баҳонасида ўз жигарбандини пулламоқчи бўлади. Бироқ Навоий вилояти ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида Кармана тумани ҳудудига жойлашган Қосимшайх жоме масжиди биноси олдида Навоий шаҳри Навоий кўчасида жойлашган икки хонали уйнинг кадастр ҳужжатларини олиб, уч ойлик чақалоғини М.Ғ.га бераётган вақтида ушланди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб бориляпти.

## Чақалоқлар уй муаммосини ҳал этадими?

Кейинги пайтларда чақалоқ савдоси билан боғлиқ жиноятлар сони ортиб боратгани ачинарли. Ушбу жиноятга қўл урганларнинг кўпчилиги уй олиш баҳонасида ўз фарзандларини пулламоқда. Боёвут туманидаги «Лайлакқўл» маҳалласи ҳудудига содир бўлган жиноятга ҳам шу сабаб. Фуқаро

Э.Ш. чақалоғини Р.Ғ.га 10 минг 200 АҚШ долларига сотаётган вақтида қўлга олинди.

– Пайгамбаримиз (с.а.в.) кудсий ҳадисларида: «Аллоҳ таоло: «Уч киши борки, мен уларга қиёмат куни хусуматчиман. Менинг номимдан (аҳд) берадиган ва кейин хиёнат қиладиган киши. Хур кишини сотиб пулини ейдиган киши. Мардикор ёллаб, уни ишлатиб ва ҳаққини бермаган киши», деди (Имом Бухорий ривояти). Бу ҳадисда Аллоҳ таоло қиёмат куни уч кишига раҳмат назари билан қарамаслиги ва улар билан хусумат қилиши баён қилинмоқда, – дейди Тошкент шаҳар бош имом-хатиб ўринбосари Жасур домла Раупов. – Аллоҳ таоло ким билан хусумат қилса, албатта, уни енгади. Улар ичида хур кишини сотиб, уни хурликдан маҳрум қилиб, қўлликка солган киши ҳам бор. Бу жуда катта гуноҳдир. Чунки бу ҳолатда инсон, одатда қилиши мумкин бўлган ишлардан ман этилиб, хорлик ҳолатига туширилади ва кўпинча фақат қорин тўйдириш учун ишлашга маҳқум қилинади. Ўтқинчи мол-дунё учун ватандошларини, қишлоқдошларини ва ҳатто қариндошларини сотишдан қайтмаётган кишилар, юқоридаги ҳадислардаги маъноларни бир зум тафаккур қилсалар кифоя. Зеро, ҳалол касб қилиб, боғлиқ орттираётган, элга хизмат қилиб, дуо олаётган мардлар ҳам сон-саноксиз.

Бугун дунёхамжамияти доирасида одам савдоси қаерда қарши курашиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Афсуски, олиб борилаётган профилаттик тадбирларга қарамасдан, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар камаётгани йўқ. Бизнинг хавотирларимиз бундай одам-фурушларнинг қаерда жиноятни амалга оширишида эмас, балки бу иллатнинг авж олиб бораётганида. Шундай экан, маҳалла фаоллари ҳам бундай иллатларнинг туб моҳиятини англаган ҳолда янада огоҳ ва сергак бўлиб, жамоатчилик назоратини кучайтириши керак эмасми?..

Рустам ЮСУПОВ  
«Mahalla»

1 июндан Ғалла етиштириш ҳаражатларини молиялаштириш учун кредитлар ажратилади



**Б**ола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин ратификация қилинган илк халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан биридир. Бу билан Ўзбекистон бола ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш бўйича бир қанча халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларини ўз зиммасига олди. Конвенцияда бола Конвенцияни ратификация қилган давлатлар томонидан «хурмат қилиш ва кафолатлаш» талаб қилинадиган ҳуқуқларга эга бўлган шахс сифатида кўриб чиқиши белгиланган. Ушбу қоида бола жамиятнинг жуда ҳимоясиз аъзоси эканини, шунинг учун у алоҳида ҳимояни талаб қилиши ва бунга лойиқ эканини кўрсатади.

# ХАЛҚАРО МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШНИНГ ТАЪСИРЧАН ТИЗИМИ ЯРАТИЛДИ



**Саттор РАҲМАТОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари  
бўйича вакил котибатининг  
бола ҳуқуқларини таъминлаш  
сектори мудири.

Бироқ мамлакатимизда шу кунга қадар бу мажбуриятларни амалга оширадиган Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) лавозими жорий этилмади. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бола ҳуқуқлари бўйича кўмитасининг 2006 йил 2 июнда бўлиб ўтган мажлис якуний хулосаларида қабул қилинган тавсияларда юртимизда болалар ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилиши кўрсатилган. Ушбу тавсияларни бажариш юзасидан Миллий ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлиги томонидан 2007 йилда тасдиқланган. Лекин 2019 йилгача амалга ошмай келди.

Президентимизнинг 2019 йил 22 апрелдаги «Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан бу муаммо ҳал этилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – **Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими** жорий этилди.

Яқинда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган «**Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**»ги қарор ушбу соҳада амалга оширилаётган ишларни ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамлади. Қарор билан бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилди, бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш ва ушбу

соҳадаги халқаро мажбуриятларни бажаришнинг таъсирчан тизими яратилди.

## Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари белгиланди

Қарор билан Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгилаб берилди. Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, боланинг бузилган ҳуқуқларини монеликсиз амалга ошириш ва тиклашга қўмаклашиш ҳамда ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш вакилнинг асосий вазифаларидан бирига айланади.

Шунингдек, вакил бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қўмаклашиб, болалар ва уларнинг қонуний вакиллари орасида тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб боради. Болаларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари, жамоатчилик ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолиятига қўмаклашиш ҳам вакилнинг муҳим вазифаларидан.

Бундан ташқари, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини риоя қилиш ва ҳимоя қилиш ҳолати ҳақида жамоатчиликни хабардор қилади. Шунингдек, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси қоидаларига риоя қилиб, соҳадаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ишларини олиб боради.

Имконияти чекланган, етим болалар, ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва ҳаётда мураккаб вазиятта тушиб қолган

бошқа тоифадаги болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Вакил фаолиятида устуворлик касб этади.

## Вакилнинг ваколати нималардан иборат?

Мазкур ҳужжат асосида Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолияти давомида ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига тобе бўлмаган ҳолда бажарадиган бўлди. Вакил дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг розилигисиз жиний жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибиде бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас. Унга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан кўзғатилиши мумкин.

Вакилни мажбурий келтиришга, ушлаб туришга, шунингдек, унинг шахсий буюмлари, юки, транспорт, тураржойи ва хизмат хонасини кўздан кенчиришга йўл қўйилмайди. Қолаверса, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда вакил билан келишиши белгилаб қўйилди.

## Жамоатчилик кенгашининг вазифаси қандай?

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил жамоатчилик асосида ишлайдиган (худудий) ёрдамчиларга эга бўлишга ҳақли. Шу боис қарор билан Вакил хузурида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Жамоатчилик кенгаши ташкил этилмоқда. Кенгаш аъзолари бу соҳада зарур билимларга эга бўлган мутахассислардан иборат бўлади.

Жамоатчилик кенгаши вакил-

ларининг мақсади – болаларнинг кадр-қимматини хурмат қилган ҳолда унинг тўлиқ ва уйғун ривожланишини таъминлашдир. Шу боис вакил болаларни ҳар қандай турдаги зўравонлик, шафқатсизлик, эксплуатация қилинишдан, шунингдек, разолатдан, муносиб парвариш йўқлигидан ва ёмон муомаланинг бошқа шаклларида ҳимоя қилиш бўйича барча зарур чораларни кўради.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилаётгани ҳақида ўзига тушаётган маълумотларни эътиборга олган ҳолда тегишли чоралар кўради. Шунингдек, вояга етмаганлар ва имконияти чекланганлар манфаатлари бузилиши ҳақида ахборот бўлганда ўз ташаббуси билан фактларни текширишга ҳақли.

Бундан ташқари, бола ҳуқуқлари бўйича конвенцияни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг даврий маърузаларини кўриб чиқиш якунлари юзасидан БМТ Бола ҳуқуқлари бўйича кўмитанинг якунловчи тавсияларини амалга ошириш Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолиятининг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Бундан ташқари, бола ҳуқуқлари бўйича омбудсман институтини ташкил этган давлатлар тажрибасининг кўрсатишича, мазкур институтларнинг бўлиши болалар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим тизими ҳисобланади. Чунки бола ҳуқуқлари бўйича омбудсманлар болалар номидан иш кўриш ҳуқуқига эга бўлган ва бир вақтда ўз фаолиятини болалар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган мустақил орган ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу соҳада олиб борилаётган иш-хотлар мамлакатимизда яшаётган болаларнинг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган барча ҳуқуқлари таъминланишини кафолатлашга қаратилган.

2020 йилда манбалардан иссиқлик тармоқларини  
синовдан ўтказиш графиги тасдиқланди

# МАҲЖУМЛАР ҲАҚИДАГИ маълумотлар НЕГА БУГУНГАЧА СИР ТУТИЛГАН?



**Ж**азони ижро этиш колониялари манзили, маҳбустлар сони ва бошқа маълумотларнинг шу вақтгача сир тутилиши нафақат расмий идораларни, балки оддий халқни ҳам ажаблантирарди. «Мумкин эмас!» деган тақик бутун республика ҳаётига хос қоида бўлиб қолгани боис бунга кенг жамоатчилик кўниккан, «Нима учун?» деган савол кўп йиллар мобайнида очик қолиб келарди.



Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 22 майдаги «Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазони ижро этиш фаолиятининг очиклиги ва ошкоралигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ана шу саволга жавоб излашда муҳим аҳамият касб этади. Қарорда махфийликдан чиқариладиган маълумотлар рўйхати эълон қилинган.

## Рўйхатда қайси жиҳатлар эътиборга олинган?

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун ижрога йўналтирилгандан буён мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти бир қадар янгилашмоқда. 2014 йилда қабул қилинган мазкур қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, демократик тамойилларнинг амалиётга жорий этилишини тақозо қилади. Ҳўш, унда айрим ошкор этиш мумкин бўлмаган масалалар қай жиҳатдан изоҳланган?

— Мазкур қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очикликни таъминлайди, — дейди **Олий Махлис**

**Қонунчилик палатаси депутати Фарҳод Ашматов.** — Унинг 6-моддасида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш, агар мазкур ахборот қонунда белгиланган тартибда давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига киритилган бўлса, чеклаб қўйилади», дея қайд қилинган. Маҳжумлар ва колониялар тўғрисидаги маълумотларнинг сир тутилишини ана шу модда қонунан асослайди.

Унинг иккинчи банди эса «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборотта тааллуқли маълумотларнинг рўйхати, шунингдек, маълумотларни бундай ахборот жумласига киритиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланган», дея давом эттирилган. Вазирлар Маҳкамасининг янги қарори ана шу жиҳатдан очикликни таъминлаш омили бўлмоқда.

Мазкур қарорга кўра, жазони ижро этиш соҳасида махфийликдан чиқариладиган маълумотлар иловаси тасдиқланди. Ушбу рўйхатга 5 хил маълумот киритилди: жазони ижро этиш колонияси ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахслар, муассасалар жойлашган манзил, тегишли манзилнинг ишлаб чиқариш фаолияти, улар томонидан номенклатура бўйича ва пул билан ифодаланиб, ишлаб чиқариладиган товарлар, маҳжумлар ўлими билан боғлиқ ҳолатлар, тиббий тусдаги мажбурий чоралар қўлланиладиган маҳбустлар тўғрисидаги маълумотлар.

Кўриниб турибдики, бу соҳа амалий фаолиятида янги қадам бўлиб, очиклик ва ошкораликни таъминлашга имкон яратади. Шу пайтгача ошкор этилмаган масалаларнинг очиклиги бу тизимга нисбатан муносабатни ўзгартиради.

## Маҳжумларнинг пенсия таъминоти кафолатланди

Коронавирус пандемияси шароитида қамоқхоналардаги аҳвол ва маҳжумлар тақдири аксарият давлатлар учун муҳим масалага айланмоқда. Шуниси қувонарлики, юртимиздаги жазони ижро этиш муассасаларида янги вирус қайд этилгани йўқ. Ўзбекистон ҳукумати томонидан маҳжумлар

ракатлари билан жазони ижро этиш муассасаларидаги шахсларга нисбатан муносабат тубдан яхшиланмоқда. Жумладан, давлат бюджети ҳисобидан 18 та колонияда капитал, 17 тасида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ижтимоий хавфи катта ва унча оғир бўлмаган жинояти учун жазони ўтаётган маҳжумларга илк марта сайлов ҳуқуқи берилди. Уларнинг иш ҳақидан ижтимоий суғурта ажратилмаслиги белгиланиб, пенсия таъминотига эга бўлиши кафолатланди. Қамоқхонада телефон сузлашуви, йўқлов ва учрашувлар сони қарийб икки баробарга кўпайтирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори ушбу тизим фаолиятига нисбатан давлат ва нодавлат ташкилотлари, оддий омманинг фикрини ўзгартиради. Қарор кучга киргач, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш ва пробация хизмати масъул ходимлари иштирокида қамоққа олинган ва озодликдан маҳрум этишга

ҳукм қилинган шахсларга нисбатан ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича брифинг ўтказдик. Ўйлайманки, бу тадбир ҳам ҳукуматимизнинг маҳжумлар ва колониялар тўғрисидаги яширин маълумотларнинг махфийликдан чиқарилишига ҳамоҳангдир.

\*\*\*

Маҳжум ва қамоқхона тўғрисида сўз кетса, негадир эт увишиб, кўнгил хижил тортади. Уларга нисбатан давлат иқёсида муносабатнинг тубдан ўзгартирилаётгани эса халқимизнинг тизим ҳақидаги дунёқарашини янгиласа, ажаб эмас.

Хулқар КУЗМЕТОВА  
«Mahalla»

## Тошкент вилояти Зангиота туманида замонавий, халқаро стандартларга мос бўлган янги тергов ҳибсхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

ва колониялар тўғрисидаги айрим маълумотларнинг махфийликдан чиқарилиши коронавирус билан боғлиқ вазият барқарорлашгаётган ва карантин чоралари босқичма-босқич юмшатилаётган бир пайтга тўғри келмоқда.

— Кўпчиликда қамоқ жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан ёвқараш шаклланган, — дейди **Олий Махлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Улуғбек Муҳаммадиев.** — Библи-билмай ёки қасдан қилган жинояти учун ҳар бир маҳбуст афсус-надомат чекади. Пушаймонлик хиссининг ўзи, аслида, унга энг катта жазодир. Сўнги йилларда давлатимиз раҳбари, ҳукуматимиз савий-ҳа-

## Дарвоқе...

БМТнинг 2015 йил 17 декабрдаги резолюцияси билан қабул қилинган «Маҳжумлар билан муомала қилишнинг минимал стандартлари қоидалари» (Нельсон Мандела) ўзбек тилига таржима қилиниб, жазони ижро этиш муассасаларига тарқатилди.

Сардобадаги сув тошқинидан зарар кўрган уйларни таъмирлаш учун 4,6 миллиард сўм сарфланади.

# Ўзбекистонда ҚИЙНОҚЛАРНИНГ олдини олувчи қўмита ташкил этилади

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва бошқа масъул ташкилотлар ҳамкорликда «Тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш фаолиятида қийноқнинг олдини олиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжат билан республикада ушлаб туриш, ҳибсда сақлаш, тергов ва жазони ижро этиш муассасаларида қийноқларнинг олдини олиш бўйича мустақил қўмита ташкил этилиши кўзда тутилган.



## ДАРВОҚЕ...

2019 йилдан Омбудсман ҳузурида қийноққа солиш ва бошқа шавқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларининг олдини олишга доир чора-тадбирлар тизими (Миллий превентив механизми) жорий этилди.

Ҳўш, ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат? Қийноқларнинг олдини олиш бўйича ташкил этиладиган янги мустақил қўмита тизимдаги мавжуд муаммоларга ечим бўла оладими?

### Қийноққа солиш ҳолатлари сони ортмоқдами?

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Улуғбек Муҳаммадиевнинг берган маълумотларига кўра, 2019 йилда Омбудсманга қийноққа солиш масаласида келиб тушган аксарият мурожаатларда қийноққа солиш, шавқатсиз ва ғайриинсоний муносабатда бўлиш ҳолатлари қамоқда сақлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қўлланилганлиги акс этган. Хусусан, 2019 йилда 16 та қийноққа солиш билан боғлиқ жиноят иши кўзга тилган.

Кунни кеча Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бўлиб ўтган брифингда масъуллар томонидан соҳада олиб борилаётган ислохотлар, ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумот берилар экан, Ўзбекистон Президентининг «Тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш фаолиятида қийноқнинг олдини олиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси, мазкур ҳужжатнинг тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш фаолиятида қийноқнинг олдини олиш борасидаги аҳамияти ҳақида ўзаро фикр алмашилди.

### Ушлаб турилганларнинг электрон реестри юритиладими?

— Халқаро экспертларнинг тавсиялари асосида ишлаб чиқилган ва тез орада умумхалқ муҳокамасига қўйиладиган ушбу қарор лойиҳаси 1-2 кунда тайёр бўлгани йўқ, — дей-

ди Ички ишлар вазирлиги Пробация хизмати бошқармаси бошлиғи ўринбосари Икром Фозилов. — Бу ишга бир қанча масъул ташкилотлар ҳамда Омбудсман мутахассислари жалб этилди. Ҳужжатда бир қанча масалалар бўйича ҳуқуқий бўшлиқлар тўлдирилади, ушлаб турилганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича янги механизмлар жорий этилади. Яъни, мазкур ҳужжат лойиҳасида аниқ механизмлар назарда тутилган бўлиб, эндиликда нафақат Омбудсман, балки Ўзбекистон Республикасида бу ишга бевосита алоқадор бўлган махсус органлар — Омбудсман, Бизнес омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Қийноқларнинг олдини олиш қўмитаси — жами 5 та орган бирлашиб, ўзаро режа тузган ҳолда исталган идора тизимларига мунтазам кириб, назорат қилиш имкони яратилади.

Шунингдек, қарор лойиҳаси билан шу кунгача шахсни ким ушлаб тургани, ушлаб туриш қайси вақтда бошлангани, қайси вақтда тугаганига доир ечимини кутаятган масала ҳам тартибга солинади. Бунда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2020 йилда берган тавсияларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда ушлаб турилганларнинг ягона электрон реестрини юритиш тизими йўлга қўйилади. Бу

ваколат эса янги ташкил этиладиган мустақил қўмитага берилиши кўзда тутилмоқда. Агар бу тизим амалиётга татбиқ этилса, ким қаерда, соат нечадан бошлаб ушлаб турилгани ҳақидаги маълумотга эга бўлади ва бундан кейин ғайриқонуний ушлаб туриш каби ҳолатларга йўл қўйилмайди.

### «Call-маркази» ташкил этилади

Янги қарор лойиҳасини тайёрлашда келажакда мурожаатлар билан ишлаш жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган муаммолар ҳолатлар ҳам алоҳида эътиборга олинган. Яъни, қийноқлар бўйича мурожаатларни қайси орган ўрганиши, агар қўмита мурожаатларни мустақил ўргана олмаса ва уларни бошқа органларга йўналтирадиган бўлса, бу сунъий тўсиқларни юзга келтириши, мурожаат эгалари ортиқча вақт йўқотиши — ҳаммаҳаммаси мазкур ҳужжатда ўз ифодасини топган.

— Ташкил этилиши кутулаётган

янги қўмита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи алоҳида орган, яъни инсоннинг қийноқдан ҳимоя қилишга доир конституциявий ҳуқуқни таъминлаш бўйича республика давлат бошқаруви органи сифатида ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари, уларнинг мансабдор шахсларига тобе бўлмаган тарзда амалга оширади, — дейди Икром Фозилов. — Қўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Президенти ва Олий Мажлис палаталарига ҳисобдор бўлиши белгиланган. Лойиҳада жисмоний ва юридик шахсларнинг қийноққа доир мурожаатларини кўриб чиқиш, қийноқ ҳолатларига оид ишлар бўйича терговга қадар текширувни амалга ошириш, жиноят ишлари юритиш чоғида ушлаб турилган шахсларнинг ягона электрон реестрини юритиш ҳамда қийноқдан жабрланган шахсларга етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қоплалишини таъминлаш, уларга ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш қўмитанинг асосий вазифалари сифатида кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, қийноқ ҳолатлари содир этилишига шароит яратган мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш ва жавобгарлик масаласи ҳал этилишини таъминлаш ҳам ушбу тузилмага юкатилади. Бундан ташқари, ҳужжатда ушлаб турилган ва қамоққа олинганлар сутканинг исталган вақтида телефон орқали, жумладан, видеоконференцалоқа режимида фойдаланган ҳолда мурожаат қилиши мумкин бўлган Қийноқнинг олдини олиш қўмитасининг «Call-маркази»ни ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда янги қарор лойиҳаси билан ташкил этиладиган Қийноқларнинг олдини олиш қўмитаси тизимдаги жуда кўп муаммоларга ечим бўла олади, албатта.

Саъдулло ТУРСУНОВ  
«Mahalla»

### МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Ўтган 2019 йилда Омбудсман томонидан мамлакатимиздаги 20 та жазони ижро этиш муассасасида ва 6 та тергов ҳибсхонасида мониторинг ўтказилди. Мониторинг давомида жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган 3000 нафардан ортиқ шахслар билан жамоавий, 250 нафардан ортиқ шахслар билан яқка тартибда учрашувлар ташкил этилди.

Карантин вақтида Жанубий Кореяга кетмоқчи бўлган Ўзбекистон фуқароларига рухсат бериш тартиби маълум қилинди.





# Муסיқамиз КЕЛАЖАГИНИ ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ЯРАТАДИ

ЮҚОРИ МУТАСАДДИ ТАШКИЛОТДАН КЕЛАДИГАН  
ТУРЛИ ТЕКШИРУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ПРОФЕССОР-  
ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ САЛОҲИЯТИНИ БЕЛГИЛАШДА  
УЛАРНИНГ КАСБ МАҲОРАТИ ВА МАЛАКАСИ ЭМАС, БАЛКИ  
УНИНГ ДИССЕРТАЦИЯ ЁЗИБ, ҲИМОЯ ҚИЛГАНЛИГИ  
АСОСИЙ ОМИЛ СИФАТИДА ТАН ОЛИНАЁТИР.

Санъат — Яратган томонидан инсонга инъом этилган илоҳий неъмат. Одам унинг воситасида ўзлигини қайта кашф этиш, англаш ва бу машғулотдан бир олам завқ олиш имкониятига эга. Бинобарин, санъатсиз, жумладан, муסיқасиз ҳаётимиз бирмунча ғариб тус олар эди. Аммо ҳар қандай куй-қўшиқ ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. У истеъдод ва тинимсиз меҳнатнинг уйғунлигидан вужудга келади.

Айтиш жоизки, ўзбек муסיқа санъатида улкан довларнинг босиб ўтган, дунё тан олган забардаст санъаткорларимиз бор. Аҳамиятли томони, миллий муסיқачилигимиз ривожланиши узлуксиз давом этиши, ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмаслиги керак ва шундай бўляпти ҳам. Бироқ бу жараён қандай кечяпти, муаммолар кузатилмаяптими? Санъатимиз олдида турган масалаларни қандай ечишимиз керак? Бу ҳақда таниқли бастакор ва муסיқашунос Ойдин Абдуллаеванинг фикрлари билан қизиқдик.

## Ўн фоиз — истеъдод, тўқсон фоиз — меҳнат

— Ўзбек муסיқаси азал-азалдан «устоз-шоғирдлик» аънаналари асосида тараққий этиб келган, — дейди Ойдин Абдуллаева. — Чунки санъатнинг бош хусусияти шундай. Бу усул бугунги кунда ҳам мустаҳкам йўлга қўйилган. Эришилаётган ютуқлар омили ҳам шунга бориб тақалади. Маълумки, муסיқа таълими муассасалари соҳа мутахассисларини тайёрлаб беради. Уларда ҳам санъатга оид сабоқлар яқка тартибда «устоз-шоғирд» шаклида олиб борилади. Бир сўз билан айтганда, бу ижод жараёни — истеъдод қирралари яраклаб кўриниши учун астойдил меҳнат қилинади. Устоздан фидойилик, шоғирддан эса ўз устида қаттиқ ишлаш талаб қилинади. Ҳақиқий хонанда ёки созанда узоқ йиллик захмат ва изланишлар натижасида шаклланади.

Ўзим кўп йиллардан буён Ўзбекистон давлат консерваториясида сабоқ бериб келаман, яъни шу

жараённинг ичидаман. Ёшларга нисбатан жуда талабчанман. Чунки бастакорлик, ижрочилик сирларини ўрганишда «Ўн фоиз — истеъдод, тўқсон фоиз — меҳнат» шиори амал қилади. Бусиз иложи йўқ, қатъий талаб бўлмаса, ўз ҳолига қўйиб берилса, натижага эришилмайди. Талаба камчилиги учун устозидан аччиқ танбехлар эшитишига тўғри келади. Бунга ҳаммаям дош беролмайди. Ушбу қийинчиликларни ота-оналар ҳам олдиндан ҳис қилиши учун улар билан гаплашаман, тушунтираман.

## Ижодий меҳнат илмий фаолият билан тенглаштирилиши керак

— Бугунги кунда соҳага ихтисослашган профессор-ўқитувчиларни қийнаётган бир қанча муаммолар борлигини ҳам қайд этиш жоиз. Жумладан, уларнинг зиммасига кераксиз мажбуриятлар юкланаёттир. Мисол учун, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тармоқ маркаларидаги малака ошириш жараёнининг умуман самарасиз бўлган босқичларидан ўтиш мажбур қилиб белгиланган. Яна бир жиҳат эса — сўнгги йилларда санъат йўналишидаги олий таълим муассасалари педагог-ҳодимларига салмоқли даражада илмий-тадқиқот иши юклаб қўйилди. Юқори мутасади ташкилотдан келадиган турли текширувчилар томонидан профессор-ўқитувчиларнинг салоҳиятини белгилашда уларнинг касб маҳорати ва малакаси эмас, балки унинг диссертация ёзиб, ҳимоя қилганлиги асосий омил сифатида тан олинаёттир.



Шунингдек, санъат йўналишида педагог-ҳодимларнинг илмий унвон олиш тартибини қайта кўриб чиқиш зарур. Боиси айна пайтда санъат соҳасини тараққий эттириш, нуфузли даражадаги республика ва халқаро танлов совриндорларидан иборат етуқ шоғирдларни тарбиялаш, санъат соҳасининг устасига айланиш каби омиллар илмий унвон олишда назарда тутилмайди.

Маълумки, санъат йўналишига ихтисослашган профессор-ўқитувчилар хорижий мамлакатларда ўтказиладиган нуфузли халқаро танлов ва илмий анжуманларда қатнашиб, ўзбек санъатини тараннум этувчи бадий ижро ва илмий маърузалар билан чиқишлар қилишади. Профессор-ўқитувчиларнинг хорижда ўзбек санъатини тарғиб қилиш учун кетган вақти ҳисобидан уларнинг ойлик маоши ушлаб қолинади. Аслида, бундай ижодий интилишларга тамоман ўзгача муносабат билдирилиши керак эмасми?

Хорижнинг нуфузли олий таълим даргоҳларининг тажрибасига эътибор қаратсак, у ердаги таълим тизими асосида талаба мустақил ўқиш жараёнини тўғри йўлга қўйиш орқали мустақил ижодий жараёни юритишгача ўсиб келади. Аммо бизда бундай амалиётга дуч келишингиз душвор.

Шуниси эътиборлики, бу нафақат муסיқа, балки санъатнинг барча соҳаларига ихтисослашган олий ўқув юртларида кузатилаётган ҳолатдир.

## Масъулият — энг муҳим омил

— Ҳозирги кунда техника ривож баъзи ёш хонанда ва муסיқачиларимизни дангаса қилиб қўйди. Шундай ҳолат кузатиляптики, созандалар студияга муסיқа ёзиш учун тайёргарликсиз кириб келишади. Уч-тўрт хил вариантини

чалиб кўришади. Кейин улар орасидан маъқулини танлаб олишади. Ёки хонандалар компьютер ёрдамида ёзилган овозини тозалаши ёки созандалар чалган нарсасини бирор жойини қисқартириши ёки узайтириши мумкин. Бу — хато тушунча. Санъаткор ижодий чиллаҳонасида ҳар бир оҳанг устида ишлаб, ижросини такомиллига етказиши керак. Акс ҳолда ҳақиқий ижро бўлмайди, барибир ундаги сунъийлик сезилиб тураверади. Бу бора-бора ўз устида ишламай қўйишга ҳам олиб келади.

Яна бир оғриқли жиҳат — айрим ёшларимиз қўшиқчиликка ҳою-ҳавас сабаб кириб келишаёттир. Муסיқий таълим устоздан олинади, энг аввало, сазни ўрганишдан бошланади. Ҳозир эса ташқи қиёфа, яъни бежирим кийиниш, соч турмаги, чиройли пардоз қўшиқчилик мезонига айланиб қолгандек. Мақсад эса — санъат воситасида моддий бойлик орттириш. Энг ёмони, савияси паст бўлган «қўшиқ» радиода кунига, керак бўлса, 10-20 марта қўйилгач, тингловчи қулоғи унга мослашиб боряпти, диди ўтмаслашяпти. Бу санъатни иқтисод бошқарганини англади. Бундай ҳолатларни кўрганда эзиламан.

Яхшики, яқинда Президентимизнинг соҳага оид фармони қабул қилиниб, жонли ижрони қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ўйлаймизки, ушбу камчиликлар тез кунларда барҳам топади.

Умуман олганда, миллий санъатимизни янада ривожлантириш, яъни истеъдодларни тарбиялаш борасида олдимизда долзарб вазифалар турибди. Бу эса нафақат соҳа вакиллари, мутасадди идораларга ҳам алоҳида масъулият юклайди.

«Mahalla» мухбири  
Тўлқин ШЕРНАЕВ  
ёзиб олди.

Ёзувчи Саид Аҳмаднинг 100 йиллиги муносабати билан сериал суратга олинди.



# Болани тўғри ОВҚАТЛАНТИРИШДА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРИШ КЕРАК?



Болалар овқат ҳазм қилиш органларининг фаол ишлаши уларнинг соғлом улгайишида муҳим аҳамиятга эга. Миллий тиббиётимизда мазкур соҳада ўзига хос муаммолар бор. Энг долзарбларидан бири — ичакнинг сўрилиш функцияси бузилиши билан кечадиган целиакия касаллигидир. Уни глютеинли энтеропатия ҳам дейишади.

Бу касалликни эрта ташхислаш ва даволаш муҳим. Ташхислашда бироз кеч қолаётганимиз ечимини кутаётган яна бир огрикли нуқтамиз. Нафақат болалар, балки катталар орасида ҳам норационал овқатланиш натижасида кўпгина ошқозон-ичак тизими яллиғланиш касалликлари: гастрит, гастродуоденит, энтероколит, ортиқча вазнлилик кенг тарқалган. Бу эса жиддий касалликларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, қабзиятдан азоб чекадиган болаларимиз оз эмас. Хўш, мазкур муаммолар ниманинг оқибатидан келиб чиқади? Уларни ҳал этишда замонавий тиббиётимиз қандай янгиликларни жорий этмоқда? Қуйида шу каби саволлар атрофида фикр юритамиз.

Авалло, фарзанд дунёга келганидан сўнг уни кўкрак сути билан озиқлантириш иммун тизими, ҳазм тизими фаолиятига ижобий таъсир этишини унутмаслик керак. Она сути билан боқилган болаларда гастроинтестинал инфекциялар, диарея, озиқ-овқат аллергиялари кам кузатилади. Нотўғри овқатланиш бизнинг соҳадаги касалликларга кучли туртки беради.

## Ёз ойларида болаларни қандай овқатлантирган маъқул?

Боланинг тўғри овқатлантиришда муҳим қоидаларни эсда сақлаш лозим. Булар — хилма-хиллик, кун давомида 4-5 марта овқатланиш, сабзавот ва мевалар, микроэлементлар билан бойитилган ундан тайёрланган нон ва нон маҳсулотларидан тановул қилиш жоиз. Кунлик таомномадан, албатта, бифидобактериялар, сут маҳсулотлари доим ўрин эгаллаши керак. Бола ҳафтасига камида


2 марта табиий творог истеъмол қилгани маъқул. Ёғли, юқори калорияли гўшт маҳсулотларини ёғсиз гўшт, парранда ёки балиқ гўштига алмаштириш керак. Ўғил-қизлар овқатига фақат йодланган туз қўшилиш, ўткир ва аччиқ зираворлар, уксус, майонез, газли ва энергетик ичимликларни таомномадан чиқариб ташлаш даркор. Иложи борича болани бугда пиширилган ва қайнатилган таомларга ўргатиш фойдали. Бу унинг ошқозон-ичак тизимини фаоллаштиради. Қандолат маҳсулотларини камроқ бериш тўғри бўлади.

Болани соғлом овқатлантириш — унга қимматбаҳо, камёб маҳсулотларни едириш дегани эмас. Муҳими, тўғри танланган ва тайёрланган таомлар. Бунда қатъий режимга амал қилиш лозим. Жумладан, эрталабки нонушта 7:30-8:00, тушлик 12:00-12:45, иккинчи тушлик 15:30-16:00, кечки овқат 18:00-18:30 да берилса айни муддаодир.

Ёз ойларида бола организми ўсиши қишдагига нисбатан интенсивлашади, яъни ёзда болалар очик ҳавода кўп юришади, чўмилишади, турли ўйинлар ўйнашади. Оқибатда кўп энергия сарфлайдилар. Кўчли тер ажралиши оқибатида маълум даражада микроэлементлар ва витаминлар йўқотишади. Шу боис ёзда бола оксигил, микроэлементлар, витаминларга бой таомлардан ейиши жоиз. Буларни ёш организм гўшт, парранда, балиқ маҳсулотлари, сархил сабзавотли салатлар, мева ва резаворлардан олади. Фарзандларимизни сувдан чекламаслик керак. Мисол учун, табиий мевали шарбат, компот ёки қайнаган сувни истаганича ичгани маъқул. Консервант, бўёқ қўшилган газли ичимликлар дилбандимиз учун зиён. Мева истеъмолида эҳтиёткорлик талаб этилади, чунки ёз ойларида ичак инфекциялари, овқатдан захарланиш ҳолатлари кўп учрайди.

## Корейс ва ўзбек болалари овқатланиш орасида қандай фарқ бор?

Жанубий Корейда бир йил малака ошириб қайтдим. Бу борада яхшигина тафовут сезилди. Корейликлар денгиз маҳсулотларидан кўп тановул қиладилар.



Аmmo мени хайратлантиргани бу эмас. Бу — ота-оналарнинг бола рационини тўғри олиб боришларидир. Корейс оилалари ун ва ун маҳсулотларини деярли истеъмол қилишмайди. Шакар ва ширинликлар болаларга жуда оз миқдорда берилади. Қайнатиб ёки бугда пиширилган гуруч корейс таомномасидан мустахкам ўрин олган. Гуруч — абсорбент, у ичакларни ортиқча токсинлардан ва ҳазм бўлмаган озиқ-овқатлардан тозалайди. Клетчаткага бой карам, ловия, сабзи каби маҳсулотлар, мевалар, кўкатлардан иборат хилма-хиллик эътиборимизни тортади. Агар бизда ҳам ота-оналар ушбу қоидаларга амал қилишса, болаларимиз гастроэнтерологик муаммолардан азият чекишмайди.

## Янги марказ ва болалар гастроэнтерологияси


Президентимиз ташаббуси билан қад ростлаган Болалар миллий тиббиёт маркази — узоқ кутилган муассаса. Шу пайтгача ривожланишдан ортда қолган болалар гастроэнтерологиясини ривожлантириб, жаҳон миқёсида беллаша оладиган даражага олиб чиқиш учун марказда қатор янгиликлар жорий этилмоқда. Жумладан, Нутриционал кўллаб-қувватлаш жамоасини ташкил этиш режалаштирилмоқдаки, бу нафақат Жанубий Корея, балки дунёдаги энг илғор мамлакатлар тиббиётида аллақачон ўрнатилган ва ўзини тўла оқла-

ган тизимдир. Хўш, унинг афзаллиги нимада? Мазкур жамоа гастроэнтеролог, нутрициолог, фармаколог, нутрицион ҳамширалардан ташкил топади. Уларнинг асосий фаолияти шифохонадаги барча беморларнинг рационал энтерал ва парентерал овқатланишини ташкил қилиш, жарроҳликдан аввал ва кейин аҳоли оғир беморларнинг ҳолатини барқарор ушлаб туриш, интенсив реанимация бўлимидаги беморлар нутриционал ҳолатини доим баҳолаб боришдан иборат. Бундан ташқари, эзофагогастро-доденоскопия, колоноскопия усулларининг илғор ютуқларидан кенг фойдаланиб, аниқ ташхислаш ҳамда даволаш чоралари қўлланилади ва бу билан очик жарроҳлик муолажаларининг олди олинади.

Айни пайтда болалар орасида қабзиятдан азият чекувчилар сони ошиб бормоқда. Марказимизда биофидбек терапия мавжуд, унинг ёрдамида функционал қабзиятни бартараф этишда катта самараларга эришиш мумкин. Ҳанузгача Ўзбекистонда қўлланилмаган энтероскопия, юқори аниқликдаги резольюцион манометрия усулларидан фойдаланиш орқали ошқозон-ичак тизимидаги кўплаб касалликларга даво топамиз. Бу эса фарзандларимизни асорати оғир дардлардан халос этишда асқатади.

Зилола ҲОЖИЕВА,  
Болалар миллий тиббиёт  
маркази гастроэнтеролог.

Тез ёрдам автомобиллари импорт божхона божидан озод қилинди.



# Сизни БАДБҮЙ ХИДЛАР

## безовта қилмаяптими?

Қунлар исизи билан одамларда кўп терлаш каби нохуш ҳолат кузатилади. Танада моддалар алмашинувининг тезлашгани яхши, аммо кўп терлаб, нохуш хиддан ноқулай вазиятга тушиб қоладиганлар ҳам йўқ эмас. Агар вақтида ана шу ҳолатга эътибор берилмаса, кейинчалик бу жиддий асоратларга олиб келиши мумкин.

Маълумотларга кўра, дунё аҳолисининг 90 фоизи бундай ноқулайликдан азият чекади. Аслида инсоннинг терлаш жараёни соғломликдан, организмнинг барча хужайралари тўлиқ ишлаётганидан далолат беради. Лекин баъзи ўринларда темир моддасининг меъёрдан ошиши, меъёрдан кўп терлаш ва хидланиш организмнинг ички ва терининг ташқи касалликларидан ҳам дарак беради. Афсуски, шифокор ҳузурига бундай муаммо билан боришга кўпинча уяламиз. Муаммони ўз билганимизча, кимёвий моддалар асосида ҳал қилишга уринамиз.

Бироқ масалага бу усулда ечим топиш бошқа касалликларни ҳам келтириб чиқариши мумкинлигини унутмаслик керак. Хўш, кўп терлаш касаллик белгиси бўлса, уни қандай даволаш мумкин? Кимдан турли нохуш хидлар келиб чиқишига айнан терлаш сабабми?

### Терлаш соғломликдан даракми ёки...

Одамнинг терлаши — меъёрий ҳолат. Соғлом одамдан сутка давомида бир литргача тер ажралиши мумкин. Тернинг асосий вазифаси шундаки, у тана ҳароратини бир маромда ушлаб туриб, қизиқ кетишдан асрайди. Лўнда айтганда, терлаш — организмнинг кондиционер хисобланади. Шунингдек, бу жараёнда моддалар алмашинуви фаолашди. Организмдаги токсинлар ҳам тер билан бирга чиқиб кетади. Умуман олганда, терлаш инсон саломатлиги учун фойдали.

Тер тешикчалари ёпилиб қолиши эса соғлигимизга хавф туғдиради. Аммо одам ҳаддан зиёд кўп терласа, албатта, шифокорга учраши лозим. Кўп терлаш тиббиёт-

да гипергидроз дея номланиб, бу жиддий касалликнинг белгиси хисобланади. Буни аниқлаш учун биринчи галда эндокринологга мурожаат қилинади. Кўп терлашдан шикоят қилиб келган бемор барча текширувлардан ўтказилиб, ташхис қўйилади.

Агарда беморда қандли диабет, бўқоқ касаллиги ёки бирор гормонал ўзгариш кузатилса, унга даво чоралари қўлланилади. Муолажадан сўнг беморда терлаш камайса-да, хид таралиши давом этса, шифокор-дерматологга юборилади. Эндокринологик касаллиги бўлмаса-да, инсон кўп терлаб, ундан нохуш хид келиб турса, албатта, бундай беморлар билан дерматологлар шуғулланишади.

### Нохуш хид қайси касалликлардан дарак беради?

Тер аслида мутлақо хидсиз бўлади. Тери безлари ажратган тер сув, туз, углевод ва ёғлардан таркиб топгани туфайли микроб ва бактериялар учун айна муддао хисобланади. Улар ўша ерда тез ривожланиб, хид пайдо бўлишига сабаб бўлади. Тери эқкрин (бутун танада жойлашган) ва апокрин (қўл остида ва чов соҳасида бўлади) безларидан иборат бўлиб,

апокрин безлари балоғат ёшидан ривожланади. Айна шу даврда хидли терлаш вужудга келади.

Баъзи ҳолларда ҳаддан зиёд кўп терлаш ички касалликларнинг жиддий симптомидан ҳам далолат бериши мумкин. Бундай ҳолат кўпинча ошқозон, жигар ва буйрак касалликларида бўлиб, натижада бадбўйлик юзага келади. Ревматизм ва саратон хасталигининг айрим кўринишларида ҳам терининг хидланишини кузатиш мумкин. Хаттоки, бурун ва томоқ йўлларидаги касалликлар охиригача даволанмаса, беморда оғриқ юзага келмаслиги мумкин, аммо нохуш хид таралади. Бурун соҳасида шикастланиш бўлгани боис бундай беморлар ўзларидан келаётган хидни сезишмайди.

Шундай касалликлар борки, терлаш орқали ўзини билдиради. Масалан, тунда қўлтиқ терлаши оқибатида ёқимсиз ва ўтқир хид юзага келса, шифокорлар сил касаллиги бўйича таҳлил қилишни маслаҳат беришади. Ҳомиладор аёлларда гормонал ҳолатларнинг ўзгариши, темир моддасининг меъёрдан ортиқ ишлаб чиқишига сабаб бўлади.

Инсон организми миллиардлаб хужайралардан ташкил топган. Доимо уларни озиклантиришимиз лозим. Хужайралар вақтида озикланмаса, турли касалликлар ҳамда танада нохуш хидлар пайдо бўла-

ди. Бетартиб ҳамда ёғли таомлар истеъмол қилиш ичакларда чиқиндиларни юзага келтиради. Шунингдек, аччиқ таомлар, саримсоқ, пиёз ва бошқа озик-овқатлар ҳам бундай хидга сабабчи бўлади. Аёлларга нисбатан эркаклардан нохуш хид келиши кўпроқ кузатилади. Чунки эркаклар кўп овқат ейди, кўп ҳаракат қилади ҳамда зарарли одатларга (алкоголлар ичиш, чекиш) берилади.

### Даволаса бўладими?

Ҳар қандай одам, биринчи навбатда, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиши лозим. Агар унга амал қилинмаса, микроб ва бактериялар кўпайиб кетиши танадаги бадбўйликни кучайтириши тайин. Бу ҳолат ўзига ҳам, атрофдагиларга ҳам ноқулайлик келтириб чиқаради.

Терлаш ва унинг хиди билан куралишдан аввал, у билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ва тиббий кўриқдан ўтиш даркор. Гипергидроздан халос бўлиш учун унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва даволаш зарур. Бу ҳолатда терапевт, эндокринолог ёки дерматологга мурожаат қилиш керак. Улар керакли текшириш усуллари ва тахлилларни белгилаб беради.

Дерматологияда теридаги бадбўйликни йўқотиш учун ўзига хос даволаш усуллари мавжуд. Тер ишлаб чиқадиغان без нуктасига махсус боталактасилин юборилиши орқали бир йил муддатгача нохуш хиддан халос бўлиш мумкин. Кейинги босқичда лазертерапия орқали ҳам даволанади.

Шунингдек, даволаниш чоғида тер ишлаб чиқарувчи апокрин безларини фаоллаштирадиган, таркибида кофеин моддасини сақловчи маҳсулотлар, яъни қахва, қора чой, қакао каби маҳсулотлардан тийилиш керак. Гармдори ва бошқа аччиқ маҳсулотлар, спиртли ичимликлар, тўйинтирилган ётга бой маҳсулотлар, шакар ва ширинликларни тановул қилиш, тамаки чекиш тавсия қилинмайди. Тўғри овқатланиш йўлга қўйиш лозим. Кийим танлашда ҳам терлатмайдиган либослардан олиш керак. Акс ҳолда танадаги нохуш хидлар кучайиб кетиши мумкин.

**Темур БАЙДЖАНОВ,**  
Республика ихтисослашган  
эндокринология  
илмий-амалий тиббиёт  
маркази шифокори.



## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Масжидга боришни қасд қилган киши намоз учун имкони борича безаниши лозим, яъни тоза кийим кийиши, хушбўйланиши ва мисвок туттиши мақсадга мувофиқдир. Аллоҳ таоло: «Эй, Одам авлоди! Ҳар бир масжид (намоз) олдида зийнатларингиз (пок кийимларингиз)ни (кийиб) олингиз!» (Аъроф сураси, 31-оят), дейди.

Масжидга тоза, хушбўй ифор билан кирган киши иззат-икромда бўлади. Шундай экан, намозхон кийим-кечагида ва емак-ичмагида ёқимсиз хидлардан узоқ бўлиши, бадани ёки кийимидан келадиган ҳар қандай нохуш хид билан намозхонларга озор бермаслиги зарур. Жобир(р.а.)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ким пиёз, саримсоқ ва (кўк) пиёз каби) ўсимликлардан истеъмол қилган бўлса, бас, масжидимизга яқинлашмасин! Чунки фаришталар одам фарзанди озор чекадиган нарсалардан озорланади», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Нодавлат тиббиёт ташкилотларига божхона имтиёзлари белгиланди.

# ҲОЖИЛИК

## дастурхон бошида кўр тўкиб ўтириш деганими?

Диёримизда мўмин-муслмонларнинг Исломи арконларини, хусусан, ҳаж ва умра зиёратларини адо этиши учун барча шароит яратилган. Табиийки, бундай улуғ амалларни бажариш барча мўминлар учун буюк орзу бўлиб, шу боис ҳожилик мактомига эришган инсонларга нисбатан ўзгача ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлинади. Уларнинг одоб-ахлоқи, жамиятда ўзини тутиши ибрат ҳисобланади.



**Жасурбек РАУПОВ,**  
Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ўринбосари, Носирхон жоме масжиди имом-хатиби.

Аммо бандага хос ожизлик туфайлими, ҳожилик мартабасига эришган айрим юртдошларимиз томонидан бу номга номunosиб хатти-ҳаракатлар қилинаётгани хусусида ҳам эшитиб қоламиз. Ачинарлиси, бу кўпчиликнинг исломий амаллар ҳақидаги тушунчасини янглиштиради, баъзиларнинг эса ҳожиларга бўлган ихлосини пасайтиради. Бунинг туб сабаби нимада? Аллоҳ олдида бандалик ҳиссини чуқур ҳис этиб, улуғ фарз амални адо этишга чоғланган ёки уни бажаришга муяссар бўлган кишилар қандай қилиб шундай ноқисликка йўл қўйишади?

### Ҳаж сафари — саёҳат эмас

Бу мавзуда айна пайтда сўз очишимизнинг асосий сабаби — яқинда вилоятларимиздан бирида аввалги йилларда ҳаж амалини бажариб келган гуруҳдош ҳожиларнинг коронавирус касаллиги авж олган шароитда ҳеч нарсани парвойига келтирмай, ўзаро одатга айланган базмларини уюштирганидир. Ниҳоятда уятли, кишини жиддий ўйга солиб қўядиган ҳолат бўл!

Яширишнинг ҳожати йўқ, ҳар йили ҳаж мавсуми келганида бир фикр сира тинчлик бермайди. Улуғ зиёратдан қайтган ҳожилар



рими ажабтовур «таассуротлари» билан бизни хижолатга солиб қўйишмасмикан? Чунки баъзан ҳаж сафари айтарли қийинчилик ва машаққатларсиз ўтгани, шинам ва қулай меҳмонхонага жойлашгани, уловларнинг беминнат хизмат кўрсатгани, таомларнинг неча хиллигию дастурхонга дунёнинг тўрт бурчидан келтирилган анвойи неъматларга тортилгани ҳақида мактабимиз сўзлаш ёки айрим ноқулайликлардан шикоят қилиш ҳолларига гувоҳ бўлганмиз. Ахир ҳаж амали Аллоҳга бор вужуди билан ибодат қилиш эмасми? Наинки, саёҳат ёки ҳордик чиқариш сафари ҳисоблансаю, унга бу тарзда муносабатда бўлинса?!

Ҳамма бало шундаки, айрим ҳожиларимиз ҳаж ибодатининг моҳиятини, ҳаж қилинадиган ўринларнинг фазилатини, Исломи ва ҳаж тарихини яхши билишмайди ва ҳатто билишни исташмайди. Улар учун «ҳожии» деган номга эришса ва ўзини одамлар орасида баланд тутиб юрса бўлди — асл мақсад шу. Ваҳоланки, бу нарсани муқаддас Исломи динимизга бутунлай тескари ишдир.

Албатта, бу гапларимиз барча ҳожиларимизга тегишли эмас ва улар орасида ўта тақводор, ҳалол, имон-эътиқоди кучли зотлар кўп. Биз ҳавас ва фахр туяйдиган инсонлар ҳам айнан шулардир.

### Дабдабозлик ҳожиларимизга ёт бўлиши керак

Расулulloҳ(с.а.в.)нинг ваъдаларига кўра, ҳаж ибодатини мукамал адо этган кишининг мукофоти жаннатдир. Улуғ ибодат чоғида гуноҳларига тавба қилган, хатоларини англаган, ҳаётини

Исломи мезони билан сарҳисоб қилган ва умр китобидан янги, оппоқ саҳифа очган ҳожии учун покиза ҳаёт йўли бошланади.

Минг афсуски, айрим ҳожиларимиз ҳаждан қайтиб келгач, ана шу саодатли онларнинг, ўхшаши йўқ ибодатларнинг, табаррук жойларнинг шуқуҳи, фазли ва қадрини ҳис этишмаётир. Аксинча, эски гуноҳларини бемалол қилиб юришибди, ахлоқини яхши томонга ўзгартириш ўрнига ёмонликлардан тийилмаётти.

Мўмин-муслмонларга хос бўлмаган кибру ҳаво, шуҳратпарастлик иллоти туфайли янги-янги одату удумлар ўйлаб топил-япти. Айтиш жоизки, шариатда йўқ нарсаларни ҳаётимизга олиб киришимиз ҳам қалбнинг ўлишига сабаб бўлади. Жумладан, ҳаждан келган инсонлар қимматбаҳо машиналарда ўта дабдабозлик билан кутиб олинаёттир. Маҳалладан уйигача 35-40 метр бўлган масофада кўчанинг икки томони гуллар билан безатилиб, ўртага поёндоз гиламлар тўшалди.

Шунингдек, турли худудларда «ҳожии оши», «ҳожии гаштак» каби номлар билан аталаётган зиёфатлар ўтказилмоқда. Ҳатто булар кундан-кунга газак олиб, охири кимўзарга айланиб қолди. Уйлантираётгани, бу одатга ружу қўйган ҳожиларимизнинг аксарияти ёши улуғ инсонлардир. Битта мисол. Бир йилгит ҳижора қилади: «Отам ва онам ҳажга бориб келишди, икки ойдан кейин «ҳожии оши» маросими ўтказилади. Шунинг учун унинг янгидан таъмир қиляпмиз». Қаранг, 20-25 одам учун шунча тайёргарлик, оворагарчилик. Ҳолбуки, динимизда увол, исрофга йўл қўйиш ҳамма вақт қораланди, гуноҳ ҳисобланади.

### ҲАДИС:

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (с.а.в.): «Ҳожии ва умра қилгучи Аллоҳнинг меҳмонидир. Агар Аллоҳга дуо қилсалар, дуоларини ижобат қилади ва агар Ундан мағфират сўрасалар, уларни мағфират қилади» дедилар» (Ибн Можа ривояти).

\*\*\*

Абу хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Набий (с.а.в.): «Ким Аллоҳ учун ҳаж қилиб, фахш сўз айтмаса ва фисқу фасод қилмаса, худди онасидан янги туғилгандек бўлиб қайтади», дедилар» (Бухорий ривояти).

### «Мабрур, яъни беғубор ҳажнинг мукофоти жаннатдан бошқа нарса эмас»

Аслида ибодатлар инсонни тарбиялаш, ёмон хулқларни тарқ қилиб, яхши сифатлар билан хулқланишини таъминлаш учун жорий қилинган. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръонимизда шундай марҳамат қилади: «Намоз фахш ва мункар ишлардан қайтаради». Ҳаж ҳам худди шундай. Ҳаждан қайтганидан сўнг махсус сифатлар қайси ҳожида топилса, ана ўша кишининг ҳажии ҳажии мабрур бўлади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳажии мабрурнинг мукофоти ҳақида: «Мабрур, яъни беғубор ҳажнинг мукофоти жаннатдан бошқа нарса эмас», деганлар.

Ҳўш, ҳожиларда топилиши керак бўлган хулқлар қайсилар? Булар — одоб-ахлоқда бошқаларга ибрат бўлиш, сўқиниш, лаънат айтиш ва ёлғон гапиришдан йироқда бўлиш, охиратни ўйлаш, тақводор бўлиш, сийлаи раҳмга қаттиқ эътибор бериш, бошқаларга яхшилик улаштириш, мункар ишни кўрганда қайтариш каби сифатлардир. Аллоҳдан барча мўминларни, хусусан, ҳожиларимизни ушбу гўзал сифатлар билан зийнатлашни тилаб қоламиз.

Асакада Ҳажга ва хорижга ишга жўнатиш баҳонасида одамларни 31 минг долларга чув туширган шахслар устидан жинойи иш кўзғатилди.

# АСРИЙ МУАММО ЯНА ХУРУЖ ҚИЛДИ:

## ирқчилик — Америка танасидаги саратонми?

Коронавирус пандемиясидан энг кўп талафот кўраётган, Гонгконг туфайли Хитой билан зиддиятларга бориб қолган АҚШ яна бир муаммо гирдобига ўралашиб қолди. «Сеҳрли диёр»да одамлар яшай бошлагандан буён мавжуд бўлган ирқчилик можароси яна хуруж қилди. Бу гал аҳвол жуда жиддий... Қора танли кишининг полиция кўл остида жон бериши ортидан келиб чиққан ғалаёнлар туфайли АҚШнинг Зодан ошиқ шаҳрида комендантлик соати ўрнатилди.

Аввалига тинч ўтган йирик норозилик намойишлари кейинчалик кўп жойларда зўравонликка айланди. Бинолар ва машиналарга ўт кўйилди, полиция зобитлари дўппосланди, ғалаён ортидан полиция кўзини ёшлантирувчи газ ва елим ўқларни ишга солди. Аввалига намойишчиларни «безорилар» дея тамғалаган Дональд Трамп уларни ярашувга ундади. Хатто Вашингтонда Оқ уй қаршисидаги намойишлар тўлқини пайтида президентни бункерга яширишгани тўғрисида хабарлар тарқалди. Бу, албатта, Миннеаполис шаҳридаги воқеалар акс-сайдосидир.

Жорж Флойд — Миннесота штати Миннеаполис шаҳрида оқ танли полициячи томонидан қўлга олинаётганда вафот этган қора танли шахс. Дерек Шовин исмли полициячи 7 дақиқа давомида Флойднинг юзини алфальтга босган ҳолда ушлаб турган ва оқибатда нафаси бўғилган Флойд воқеа жойида жон берган.

### АҚШ ирқчиликни тан олиши керак... (ми?)

Полиция маълумотларига кўра, Жорж Флойд сохта купюраларни ишлатганлик гумони билан ҳибсга олинаётганда қаршилик кўрсатган. Унинг «нафас етмайпти» деган илтижолари Нью-Йоркда 2014 йилда рўй берган воқеани ёдга солмоқда. Ушанда ҳам афроамерикалик шахс ўхшаш ҳолатда вафот этган ва бу мамлакат бўйлаб полицияга қарши норозилик акцияларига туртки берган эди. Флойднинг қўлга олишда қатнашган тўрт полициячи ишдан бўшатилган. Президент Дональд Трамп текирувни тезлаштиришга чақирмоқда.

Аммо муаммо бошқа жойда. Нега полиция қуролсиз кишини қўлга олишда ноқонуний усуллардан фойдаланди? «Одамларни турли йўллар билан ҳибсга олса бўлади, лекин ҳеч бир полиция академиясида тиззани бўйинга кўйиш ўргатилмайди. Чунки бу усул нафас олишни, артерияни тўсади.

Бошқа полициячилар бундай тактика қўлланганидан ҳайратда», — дейди Полиция ижтимоий тадқиқотлар форуми номли ташкилот раҳбари Чак Векслер.

Жорж Флойднинг ўлими халқаро ҳамжамият эътиборини тортди. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Мишел Бачелет АҚШда сўнгги бир неча йилда полиция қарамоғида вафот этган қора танлиларнинг исмларини бирма-бир қайд этиб, адолат таъминланиши кераклигини ургулади. «Ўтмишда бундай терговларнинг аксарияти қотиллик мужмал сабаблар билан асосли деб топилиши билан ёки маъмурий чоралар кўрилиши билан яқунланган», — дейди Бачелет. БМТ расмийси сўзларига кўра, Қўшма Штатларда ирқчилик «чуқур ўрнашиб олгани ва кенг тарқалгани» тан олиними ва ҳал этилиши лозим, бироқ зўравонлик ва талончилик муаммони ҳал қилмайди.

### Қора танлилар кўпроқ жабр чекади. Нега?

Тадқиқотчилар 2010 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда полиция томонидан содир этилган қотиллик бўйича 3000 дан зиёд жиноят ишини ўрганиб чиқишганда, полиция томонидан қора танлилар ва туб аҳоли оқ танлиларга нисбатан икки ярим баробар кўпроқ ўлдирилган. АҚШ полицияси томонидан қора танлиларнинг ўлдирилиши ҳақидаги хавотирланишлар охириги йилларда янада жиддийлашди.

Олти йил олдин ҳам шундай иш бўлганди. Бу ҳодиса бошқа бир афро-америкалик Эрик Гарнер ишини эслатиб юбормоқда. 2014 йилнинг 17 июлида Нью-Йоркда оқ танли полиция зобити Дэниел Панталео қора танли Эрик Гарнерни қўлга олиш давомида бўғувчи услубни қўллаганди. Бу ҳодиса ҳам видеога олинган. Астмадан азият чеккан 43 ёшли Гарнернинг сўнгги сўзлари «Мен нафас ололмаяман» бўлганди. Шунингдек, бироз аввалроқ Мэ-

рилендда зобит патруль машинасидан туриб қора танли йигитни отиб ташлагани ҳам шов-шув бўлганди.

### «Америка геноцидга асосланган...»

Қўшма Штатларни кўпинча «демократия отаси» дея олқиш-лашади. Шунга монанд Вашингтон бошқаларга демократия ва инсон ҳуқуқларидан сабоқ беришга интилади. Ўзга давлатларга дипломатик музокараларда инсон ҳуқуқлари бобида таъсир ўтказишга уринади, намойишлар бостирилишини қоралайди. Сўз ва диний эркиликларни бўғмасликка чақиради. Аммо бутун гувоҳи бўлганмиз, демократия тарғиботчиларининг ўзи сабоққа муҳтож.

Янги диний ақидалар муаллифларидан бири бўлмиш олим Сьюзен Зонтаг «оқ танли ирқ — инсоният танасидаги саратон касаллигидир», деб 1967 йилдаёқ дунёга жар солганди. Айтиш жоизки, бу гапларни бошқа юрт муаллифи эмас, айнан америкалик олим таъкидламоқда: «Америка геноцидга асосланган... Бу ақл бовар қилмас даражада ирқчилик мамлакатидир. Гап шундаки, на Моцарт ва Шекспир, на парламент тизими ва на барокко меъморчилиги, на хотин-қизлар эмансипациясию на Баланчин балети Фарб цивилизациясининг қолган дунёга етказган зарарини қоплай олмайди».

Яна бир мутахассис — Майрон Магнет бундай деб ёзган: «Фарбга нисбатан энг катта эътироз — унинг мафкураси хоҳ Фарбда бўлсин, хоҳ учинчи дунё мамлакатларида қашшоқларни ҳамда оқ танли бўлмаганларни шафқатсиз эзишга асосланган». Ўз романлари билан машҳур ёзувчи Жеймс Болдуин ҳам ўз ҳаёти хотимасида: «Америка тарихида ҳам, ҳозирги Америка воқелигида ҳам ўз моҳиятига кўра ирқчи бўлмаган бирор институт йўқ», деб ёзган эди. Бошқа ижодкор — Робин Вест куйидагиларни таъкидлайди: «Қўшма Штатларнинг сиёсий тарихи аксарият ҳолларда қулларга

нисбатан онгсизларча шафқатсизлик, туб америкаликларга (ҳиндларга) нисбатан геноцид, оқ танли бўлмаганларга нисбатан ирқчилик, аёлларга нисбатан шовинизм тарихидир.» Бу каби таъна-дашонлар, танқид ва таҳқирлар турли минбарлардан тобора кўпроқ эшитилмоқда.


\*\*\*

Эътибор беринг, юқоридаги гапларни америкаликларнинг ўзи айтмоқда ва ёзмоқда. Бу мамлакатда қора танлилар аҳолининг 13 фоизини ташкил қилади, бироқ оғир жиноятларнинг 42 фоизи, қотилликнинг ярмидан кўпроғи уларнинг зиммасига тўғри келади. Ирқчилик фақат оқлар орасида эмас. Қора танлилар орасида ҳам оқ танлиларга нисбатан нафрат тўлиб-тошиб ётибди. Демакки, бир томон айбдор бўлганда муаммо ёки можаро бу қадар узокқа чўзилмасди. Аммо жиноят ким томонидан содир этилишидан ҳеч қачон миллатчилик, маҳаллийчилик бўлмайди, ҳамма тенг ва эркин» деган широрлар замирида ҳам зиддиятлар борлиги, булар қачонлардир юзага чиқиши, кучайиши ва хатто портлаши мумкинлиги сиёсатчиларнинг «етти ухлаб тушига ҳам кирмаган» эди.

Кўпмиллатли (полиэтник) давлатларда ўта нозик ва хушёр миллий сиёсат олиб борилмаса, деструктив (бўзғунчи) кучлар, албатта, бу омилни бўрттириб, барқарорлик ва тинчлик тамойилларига зид ишларда бундан фойдаланишга тарихда ҳам, ҳозирги кунда ҳам истаганча мисолларни топиш мумкин. Кузатамиз, мавзуга эса яна қайтамиз!



АҚШда тартибсизликлар қурбони 11 кишига етди.



Абдували САЙБНАЗАРОВ, сиёсий шарҳловчи

# АЁЛЛАР ФУТБОЛИНИНГ

## Бугунги ҳолати талабга жавоб берадими?



### Дарвоқе...

2022 йилда аёллар терма жамоалари ўртасида Осиё кубоги мусобақаси бўлиб ўтади. Ўзбекистон футбол ассоциацияси мазкур мусобақага мезбонлик қилиш учун ариза топширган. Маълумот учун, Осиё кубогида жами 8 та терма жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда иштирок этади. Гуруҳларда биринчи ва иккинчи ўринни қўлга киритган терма жамоалар тўғридан-тўғри жаҳон чемпионати йўланмасини қўлга киритса, 3-ўринни олган иккита жамоа ўзаро куч синашиб, ғолибни аниқлашади. Шу тариқа 5 та жамоа аёллар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида қатнашиш имконига эга бўлади.

хассисларни йилда бир марта, аёллар футболри ривожланган давлатларнинг футбол федерациялари билан келишилган ҳолда, тажриба алмашиш учун ўқув-семинарлари ташкил этиши керак. Бу мураббий ва мутахассисларимизнинг малакасини оширади. Дунё тажрибаси шундай — болалар футболри ривожлантирмасдан туриб, профессионал футболдан катта натижалар кутиш — мантиқсизлик.

Мисол учун, Японияда футбол кизларга мактаб давридаёқ дарс сифатида ўқитилади. Хитойни олсак, бу ерда 16 ва 19 ёшдаги кизлар ўртасида мамлакат чемпионати мунтазам ўтказиб келинади.

### Хулоса ўрнида

Ўтган йили ФИФА аёллар терма жамоалари рейтингини янгилади. Унга кўра, Ўзбекистон аёллар терма жамоаси 42-ўринни банд этди. Жорий йилда футболчи кизларимиз рейтингни юқори поғонага кўтариш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Йил бошида Ўзбекистон аёллар U-19 терма жамоаси Марказий Осиё чемпионатида 2-ўринни эгаллагани бунга яққол мисол бўлади.

Спортда бирон натижага эришиш учун тинимсиз меҳнат ва матонат талаб этилади. Демак, олдинда бу қисқа муддатда аёллар футболридаги эришилган ютуқларни янада юксалтириш имкони бор.

Нилуфар ЮНУСОВА  
«Mahalla»

лига 1995 йилда асос солинган, — дейди Ўзбекистон футбол ассоциацияси Матбуот ва медиа департаменти директори Даврон Файзиев. — Ҳозирда

аёлларнинг бу спорт тури билан мунтазам шуғулланиши, футбол жамоаларининг фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Аёллар футболри ривожлантириш учун жойларда, энг аввало, киз болалар футболрига эътибор қаратишимиз керак. Яъни терма жамоаларимиз таркибига ўйинчи танлаб олиш имкониятимизни ошириш талаб этилади. Кизларни 8 ёшдан оқ футболга кўпроқ жалб қилишимиз керак бўлади.



Хўш, бунга қандай эришиш мумкин? Маълумки, бизда «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда «Универсиада» Республика спорт мусобақалари ўтказиб келинади. Аммо бу мусобақаларда кизлар футбол жамоалари иштирок этишмайди ёки бу талаб қилинмайди. Агар кизлар футболри ҳам бу турнирларга киритилса, ўз-ўзидан унга эътибор ҳам кучаяди. Шунингдек, мураббий танлашда ҳам эътиборли бўлган маъқул. Боиси аёл мураббий кизларнинг хиссиёти, психологик ҳолатини яхши тушунади. Бу спортчининг майдондаги ўйинларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Кизларнинг руҳан тетиклиги ғалабага бўлган ишонччи оширади.

### «Севинч»ни қандай муаммо қийнаётганди?

Аёллар футболри ҳақида сўз кетганда, кўпчиликнинг кўз олдида биринчи бўлиб «Севинч» жамоаси гавдаланади. Бу йил жамоанинг ташкил этилганига 17 йил бўлди. Доимо ўз олдига юксак мақсадларни қўйган клуб ўз тарихида ўн уч марта мамлакат чемпионлигини қўлга киритган.

— Биз ўз анъанамизга содиқ қолган ҳолда, ёшларга кўпроқ

эътибор берамиз, — дейди «Севинч» жамоаси бош мураббий Владислав Хан. — Клуб тизимида тайёрлов гуруҳлари мунтазам фаолият юритиб келмоқда. Бу орқали жамоамиз нафақат ўз таркибини иқтидорли футболчилар билан тўлдириб боради, балки бошқа олий лига жамоаларини ҳам профессионал ўйинчилар билан таъминлайди. Бу йил ҳам таркибимизда бир қанча ёшлар майдонга тушишади.

Очиги, бизни анчадан бери қийнаб келаётган бир муаммо бор эди. Яъни клубимиз жойлашган маскан яроқсиз қолга келиб қолган, шуғулланиш учун шароитлар етарли эмас эди. Шу кеча-кундузда бу ерда таъмирлаш ишлари кетяпти. Ҳозирда спортчилар учун қандай шарт-шароит зарур бўлса, барчаси ҳозирланмоқда. Жамоамиз таркиби ҳам қисман ўзгарган, ҳамма футболчиларимизни ПФЛ (Профессионал футбол лигаси)дан рўйхатдан ўтказдик.

### Аёллар футболри ривожинималарга боғлиқ?

— Энг аввало, қитъа ва жаҳон биринчиликларида керакли ютуқларни қўлга киритиш учун кизлар профессионал футболри ҳам ривожлантиришимиз керак бўлади, — дейди В.Хан. — Бунинг учун ўғил болалар футболрида бўлганидек, барча жойларда киз болалар тайёрлов гуруҳларини ташкил этиш зарур. Бундай гуруҳлар ўз-ўзидан мамлакатимизнинг турли ёш тоифаларидаги терма жамоаларига ўйинчилар етказиб бериш имкониятини оширади.

Яна бир муаммо — бугунги кунда клубларда тўп тепаётган кизларимиз футболдаги фойятини якунлагач, қаерда ишлаши энг катта масалага айланади. Улар фаолиятни давомиди жуда катта тажриба тўплашади. Бемалол мураббийлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Фақат уларни мураббийликка ўқитиш ва тегишли лицензиялар олиши учун амалий ёрдам кўрсатиш керак. Агар биз жойларда кизлар футболри ривожлантиришни йўлга қўйсак, ана шундай собиқ футболчи кизларимиз ҳам иш ўринларига эга бўларди.

Шунингдек, мамлакатимиз аёллар футболрида фаолият юритаётган мураббийлар ва мута-

Бугун спортнинг барча турлари бўйича эркаклар билан ёнма-ён ҳолда аёллар ҳам катта муваффақиятларга эришиб келмоқда. Бундан «миллионлар ўйини» — футбол ҳам мустасно эмас. Айти пайтда дунё бўйлаб 30 миллиондан зиёд хотин-киз футбол билан шуғулланади. Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (ФИФА) қошида ҳам аёллар футболри бўйича алоҳида кўмита ташкил қилинган бўлиб, биринчи жаҳон чемпионати 1991 йилда Хитойда ўтказилган.

1996 йилда аёллар футболри Олимпиада ўйинлари дастурига киритилди. Шундан сўнг у хотин-кизлар орасида янада оммалашди. Қувонарлиси, Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб хотин-кизлар футболрига эътибор қаратди ва бу соҳани қўллаб-қувватлаб келяпти. Бунинг натижаси ўларок, бугун Қаршининг «Севинч», Андижоннинг «Андижанка», Наманганнинг «Гулбахор» клублари нафақат мамлакат миқёсида, балки қитъа биринчиликларида ҳам муносиб иштирок этиб келмоқда. Ҳозирги кунда юртимизда 12 та аёллар футбол жамоаси мавжуд.

Хўш, аёллар футбол жамоаларининг айти дамдаги ютуқ ва камчиликлари нималардан иборат? Соҳада қандай ечимини қутаётган масалалар бор? Бу хусусда мутахассисларга юзландик.

### Уч босқичли мусобақаларга аёллар футболри киритилиши керак

— Ўзбекистонда аёллар футболри



Спорт заллари ва фитнес клублар фаолиятига рухсат берилди.



Қалъажик-қалъа. Милоддан аввалги IV асрга оид ушбу ёдгорлик шу қадар синоатларга бойки, унинг кўринишиёқ эртақни эслатади. Маҳаллий халқ уни «Довуд қалъа», деб ҳам атайди. Айтишларича, зимдан кулоқ тугилса, кўҳна қалъадан темирчилар Довуд пир болғасининг саси эшитилиб тураркан...

# ДОВУД ПИР

## болғасининг саси қайси қалъадан эшитилади?

### Голланд тарихчиси Де Гуйе ҳам бу қалъани билган

Богот туманида, Ҳазорасп шаҳридан 25 км. узоқликда жойлашган қалъа шимолий девор узунлиги – 184 м., жанубий девор – 211 м., ғарбий девор – 72 м., шарқий девор эса – 114 м.ни ташкил этади. Қалъанинг умумий майдони – 6 гектар.

Қалъажик-қалъа ҳақидаги дастлабки маълумотлар, асосан, IX-XII асрлар араб-форс манбаларида учрайди. Муаллифи номаълум «Худуд ал-олам» асарида у Кардасхаз, ал-Истаҳрий ва ал-Мақдисий каби муаллифлар асарларида Кардаранхош ва Кардаранхос, Абулғозий, Мунис ва Огаҳий каби хоразмлик тарихчилар асарларида эса Кардан хаст ёки Гардан хаст каби номлар билан қайд қилиб ўтилган. Ушбу манбаларнинг бирида у ҳақда «кичик бир шаҳар бўлиб, атрофи бой деҳқончилик воҳаси ва кўплаган қишлоқлар билан ўралган»и қайд этилса, бошқасида бу истеҳком худди Ҳазорасп каби мустаҳкам мудофаа тизимига эга йирик қалъа сифатида таърифланади.

Ўрта асрлар манбаларидаги Кардаранхош шаҳрининг ҳозирги Қалъажик харобаларига тўғри келишини биринчи бор XIX аср голланд тарихчиси Де Гуйе илгари сурган. У нафақат араб-форс манбалари, балки эски ўзбек тилидаги манбаларни чуқур ўрганиш асосида Абулғозий асаридаги Гардан хаст айнан араб манбаларидаги Кардаранхош шаҳри экани, Кардаранхош эса Қалъажик харобаларига тўғри келишини таъкидлаган эди.

### Қалъажик — не-не жангу жадаллар гувоҳи

Қалъажик тарихига доир маълумотлар Абулғозийнинг «Шажарайи турк» асарида ҳамда Мунис ва Огаҳийнинг «Фирдавс ул-иқбол» асарларида ҳам қисман келтириб ўтилган. Абулғозий ўзининг «Шажарайи турк» асарида Бухоро хони Убайдуллахоннинг Хоразмга юриши тафсилотларини келтириб ўтар экан, унинг 1539 йилдаги иккинчи юриши даврида Динмуҳаммад бошлиқ Хоразм қўшинлари Кардан хаст (Қалъажик) ёнидаги жангда бухороликларни тор-мор келтирганини эълани.

Мунис ва Огаҳий асарида 1787 йилда, яъни Муҳаммад Амин инок даврида манғитликлар исён кўтаргани воқеаси келтириб ўтилади.

### «Хос»ни ҳали хўп ўрганиш керак

Қалъажик сўзининг маъноси ҳақида турли фикрлар бўлса-да, аксарият олимлар унинг маъноси «кичкина қалъа» деган фикрга таянадилар. Унинг ўрта асрлардаги номи Кардаранхош сўзининг маъносига тўхталадиган бўлсак, бу ҳақда ҳам турли фикрлар бор. Хоразмнинг ўрта аср шаҳарлари номларида «хос» иборалари учраб туради. Кардаранхош сўзи – «қишлоқ, қишлоқ маркази, йиғилиш жойи» ёки «марказий шаҳар» каби маъноларни билдириб, бу сўз маъносини янада чуқурроқ ва кенгроқ ўрганишни талаб этади.

Манбалардан ёки халқ оғзаки ижодидан маълумки, бирор-бир шаҳар ҳақида сўз кетганда, албатта, бир афсонага дуч келамиз. Шу жумладан, Қалъажик-қалъа ёдгорлиги тарихи билан боғлиқ афсоналар ҳам мавжуд. Бу ҳақдаги ривоят, афсоналарни 1958-1960

Бу қалъада Довуд пир яшаган ва қурол-яроғ ҳамда бошқа темир буюмлар ясаган экан. Халқ ичида ҳатто кеч-қурунлари баъзи-баъзида темирчи устанинг ишлаётганлиги, турли овозлар кулоққа чалиниб туриши ҳақидаги гаплар юради.

йилларда Қалъажик-қалъа ёдгорлиги атрофида яшовчи аҳоли қариялари билан суҳбатлар ўтказган Г.П.Снесарев тадқиқотларида учратиш мумкин. Жумладан, Қалъажик-қалъанинг халқ ичидаги номи Довудқалъа бўлиб, бу ном темирчилар пири бўлмиш Довуд-пир афсонаси билан боғлиқ.

### Нега қалъа Довуд номи билан боғланган?

Ривоятларга кўра, бу қалъада Довуд пир яшаган ва қурол-яроғ ҳамда бошқа темир буюмлар ясаган экан. Халқ ичида ҳатто кеч-қурунлари баъзи-баъзида темирчи устанинг ишлаётганлиги, турли овозлар кулоққа чалиниб туриши ҳақидаги гаплар юради. Аммо бу товушларнинг бирорта ишончли манбаси бўлмаса-да, афсона тагида маълум бир ҳақиқат этади.

Яъни Қалъажик-қалъа ва унинг атрофидаги кичик-кичик қалъалар (Кичик Қалъажик, Қушчақирган, Гойибота) қадим замонлардан ва ҳатто ўрта асрларда ҳам Ҳазорасп билан бир мудофаа тизимига кирган чегара қалъалар вазифасини бажарганлар. Шундан келиб чиқиб, бу қалъаларда қурол-яроғлар сақланувчи омборлар ва, энг асосийси, қурол-яроғ ишлаб чиқариувчи темирчилик устахоналар бўлиши табиий ҳол, албатта.

Шуни қайд қилиш лозимки, Қалъажик ва унинг атрофларида кўп марталаб, сувсизлик оқибатида ёки ижтимоий-иқтисодий инқирозлар туфайли аҳоли бош-

қа жойларга кўчиб турган. Буни археологик тадқиқотлар яққол кўрсатиб турибди. Натижада темирчи усталар маркази бўлган Қалъажикқа кейинчалик келиб ўрнашган аҳоли мазкур аънанани давом эттиролмаганлар ва Довуд пир билан боғлиқ афсонани тўқиб чиқарганлар.

### Қалъажик-қалъани ўрганиш фанга нима беради?

Бу – Хоразм тарихида маълум бўлмаган қирраларни очиш, Хоразмда антик ва ўрта асрлар шаҳарларининг шаклланиши ва ривожланишининг тарихий шароитларини ўрганиш, уларнинг моддий маданияти масалалари ва топографик тузилиши ҳамда ўзига хос аънаналарини аниқлаш имконини беради.

Амударёнинг қадимги ўзанида, Хоразм воҳасининг маданий ҳаёт марказида жойлашган бу ёдгорлик ўзининг мил.ав. IV-I асрларга ва ўрта асрларга оид фортификация (мудофаа) иншоотларини жуда яхши сақлаб қолган. Бундан ташқари, ёдгорлик атрофида қадимги иншоот ва тураржойларнинг излари ҳам сезилиб турибди.

Қалъажик-қалъа ўзининг қулай ерда жойлашгани, бу ерда ҳеч қандай замонавий қабристонларнинг йўқлиги уни консервация ва реставрация қилишга лойиқ эканлигини кўрсатади. Бу ерда археологик қазималарни давом эттириш ва ҳар бир ўрганилган объектни консервация қилиб бориш зарур. Ёдгорлик ёнида қазималар натижасида олинган барча ашёвий манбаларни кўрсатувчи музей барпо қилинса, нур устига нур. Туристик маршрутга қўшиш учун қалъанинг ичида ва унинг атрофида ободонлаштириш ишларини олиб бориш ҳам муҳим аҳамиятта эгадир.

**Қудрат МАШАРИПОВ,**  
тарих фанлар номзоди,  
Урганч давлат университети  
Тарих кафедраси доценти.  
**Гулафандо РАҲИМОВА,**  
Хонқа туманидаги 10-мактаб  
ўқитувчиси.

### ЭЪЛОН

1968 йил 28 январда туғилган Алимов Акбар Мухамматовичга Самарқанд вилояти Нурота тумани Чуя қишлоқ совети томонидан берилган И-ЕИ № 254549-сонли никоҳ гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



Айрим тадбиркорлар мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан вақтинча озод қилинади.

**ЖАМИАТ** Юртимизда янги унвон таъсис этилдими?

— Яқинда Президентимиз томонидан тиббиёт ходимлари учун янги кўкрак нишон таъсис этилгани тўғрисида эшитдим. Бу қандай нишон?

**Нодира КАРИМОВА,**  
Сўх тумани.



**Севара ЎРИНБОЕВА,**  
Адлия вазирлиги матбуот хизмати раҳбари:

— Дарҳақиқат, жорий йил 27 май куни Президентимиз «Меҳр-саховат» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги фармонни қабул қилди. Аммо бу нишон фақат тиббиёт ходимлари учун эмас. Кўкрак нишони билан Ўзбекистон фуқаролари коронавирус пандемияси даврида, шунингдек, турли табиий офатлар, favкулотда ҳолатлар туфайли мавжуд хавф-хатарларга қарши курашда, уларнинг оқибатларини бартараф этишда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатгани, шунингдек, бегараз ҳомийлик ёрдами ҳамда эзгу ишлари билан кўпчиликка алоҳида ўрнатилган, бошқа шу каби ташаббускорлик ва фаоллик учун мукофотланади. Нишон Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам берилиши мумкин.

**СПОРТ** Энди ҳар бир туманнинг ўз футбол жамоаси бўлади

— Эшитишимча, юртимизда умидли футболчиларни танлаб олиш бўйича янги услуб йўлга қўйилди. Шу тўғрими?

**Комилжон ФОЗИЛОВ,**  
Чуст тумани.

**Отабек ЭШМАМАТОВ,**  
Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги матбуот хизмати раҳбари:

— Жорий йил 22 май куни Вазирлар Маҳкамасининг «Худудий футбол ассоциациялари фаолиятини янада кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, худудий футбол ассоциацияларига юқори иқтидорга эга бўлган ёш футболчиларни танлаш ва саралаб олиш тизимини тубдан такомиллаштириш, футбол соҳасига хусусий инвестицияларни кенг жалб этишни ташкил қилиш каби вазифалар тавсия этилди. «Спорт мактаблари футбол лигаси» ва «Профессионал футбол мактаблари лигаси» мусобақалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт ва оммавий тарбия тадбирлари календарь режасига киритиладиган бўлди. Тегишли ҳудудда профессионал футболни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилади. Жумладан, ҳар бир тумандан (шаҳардан) худудий биринчиликларда иштирок этувчи камида битта футбол жамоаси ва ўтказиладиган мусобақаларга мос равишда марказий стадион бўлиши таъминланади. Қарорга кўра, Футбол бўйича агентлар (воситачилар) фаолиятини тартибга солиш ва уларни аккредитациядан ўтказиш тартиби амалиётга жорий этилади.

**ТУРИЗМ** Хитойча ресторан қурганга кредит бериладими?

— Эшитишимча, мамлакатимизда туризмни ривожлантириш мақсадида чет эл таомлари тайёрланадиган ошхоналар қуриш учун кредитлар берилиши йўлга қўйилди. Шу тўғрими?

**Шоира МАМАДАЛИЕВА,**  
Хива шаҳри.

**Лола РАҲМОНБОЕВА,**  
Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси ахборот хизмати раҳбари:

— Тўғри, Президентимиз томонидан жорий йил 29 май куни қабул қилинган «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини кўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, белгиланган санитария-гигиена меъёрлари ва талабларига қатъий риоя этган ҳолда 2020 йилнинг 1 июнидан «яшил» ва «сарик» тоифадаги худудларда ички туризм қайта йўлга қўйилди ва ёндош ташкилотларнинг (туроператорлар, турагентликлар, жойлаштириш воситалари, маданият ва маданий мерос объектлари ҳамда бошқалар) фаолияти бошланди. Вужудга келган вазиятда соҳадаги иш ўринларини сақлаб қолиш, янгилирини яратиш мақсадида кўглаб имтиёзлар тақдим қилинмоқда. Шу қаторда республикамиз худудларида (Тошкент шаҳри бундан мустасно) хорижий ошхона ёки алоҳида йўналиш бўйича иختисослашган тематик овқатланиш шохобчалари, овқат ва озиқ-овқат маҳсулотларини, шунингдек, сувенир маҳсулотларини етказиб бериш бўйича хизматларни ташкил этиш бўйича лойиҳа ташаббускорларига лойиҳа қийматининг 30 фоизи, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда фойзсиз субсидиялар ажратилади.

**ИЖТИМОЙ ҲАЁТ** Уйларни улуш асосида қуриш тартиби белгиланди

— Энди кўп қаватли уйларнинг қурилишида оддий фуқаролар ҳам иштирок этиши мумкин экан. Яъни мен аввалдан харидор бўлган уйимнинг қурилишига пул тикишим мумкин. Шу тўғрисида тушунтириш берсангиз.

**Тоҳиржон ҲАСАНОВ,**  
Тошкент шаҳри.

**Дилшод ЖАЛОЛОВ,**  
Қурилиш вазирлиги матбуот хизмати раҳбари:

— Президентимиз 27 май куни «Кўп квартираларни улуш қуриш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорни имзолади. Унга кўра, кўп квартираларни улуш қуриш асосида қуриш учун жисмоний ва юридик шахслар (уллушдорлар)нинг маблағларини жалб қилиш фақат юридик шахс мақомига эга бўлган ва Улуш қуриш асосида қуриш учун маблағларни жалб этувчи қурувчиларнинг электрон рўйхатига киритилган қурувчилар томонидан амалга оширилиши белгиланди. Маблағларни жалб қилиш учун қурувчи ва уллушдор ўртасида шартнома тузилади ва белгиланган тартибда ҳисобга қўйилади.

Қурувчилар қурилиш-монтаж ишларини ўз кучи билан ёки қурилиш-пудрат ташкилотлари (бош пудратчи)ни жалб қилган ҳолда амалга оширади. Бунда бош пудратчи қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш учун ишлар (хизматлар) қийматининг камида 30 фоизини ўз кучи билан бажариш шартли билан субпудрат ташкилотларини жалб қилиши мумкин.

**ТИББИЁТ** Хусусий клиникалар тез ёрдам хизматини кўрсатадими?

— Яқинда мамлакатимизда хусусий клиникалар тез ёрдам хизматларини кўрсата бошлаши тўғрисида эшитдим. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Ақромжон ҚУТБИДИНОВ,**  
Фарғона шаҳри.



**Фурқат САНАЕВ,**  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати раҳбари:

— Тез тиббий ёрдам хизматларини кўрсатиш хусусий клиникалар учун таққиланмаган. Бизнингча, сиз Президентимизнинг жорий йил 30 май куни қабул қилинган «Нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан тез тиббий ёрдам хизматларини кўрсатиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги қарорини назарда тутиясиз. Маълумки, мамлакатимизда автомашиналарни олиб киришда (айрим махсус турларидан ташқари) божхона божи тўланади. Оқоридаги қарорга кўра эса, нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан ўз эҳтиёжлари учун республика худудига олиб кириладиган янги тез тиббий ёрдам автомобиллари 2022 йил 1 январгача бўлган муддатга импорт божхона божидан озод қилиниши белгиланган бўлди.

Бу тез тиббий ёрдам машиналарининг кўпайиши, пировардида хизмат сифатининг ошшига сабаб бўлиши кутилмоқда. Автомобиллардан мақсадсиз фойдаланилган тақдирда эса имтиёз берилиши муносабати билан тўланмаган импорт божни суммаси молиявий санкцияларни қўлланган ҳолда Давлат бюджетига ундириб олинади.

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI

**Mahalla**

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

**МУАССИС:**  
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи **Санжар ИСМАТОВ**

Нашр навбатчиси: Р. Юсупов  
Мусахҳиллар: Н. Азимова, М. Назарова

Навбатчи: Б. Ғозиддинов  
Саҳифаловчилар: И. Болтаев, Ш. Бароқов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шохкўчаси, 59-уй. Индекс: 100192

Телефонлар:  
Қабулхона: 71 233-39-89,  
Котибият: 71 237-56-80,  
Факс: 71 233-10-73.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

ISSN 2010-7015

№720307030001

**Нашр кўрсаткичи: 148**